





## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар, шиддатли рақобат муҳити жамиятда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни янги платформага трансформация қилишни тақозо этмоқда ва бу умуминсоний ҳамда миллий кадриятларни янги илмий контекстда тадқиқ этишга олиб келмоқда. Айниқса, “оммавий маданият”нинг деструктив таъсирида маънавий қашшоқлик, ахлоқий тубанлик каби иллатларнинг камрови тобора кенгайиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда инсон маънавий-ахлоқий қиёфасини юксалтиришга оид ислохотларни буюк мутафаккирларнинг маънавий меросидан самарали фойдаланган ҳолда ташкил этиш муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, аждодларимиз бой маънавий меросида ягона ахлоқий-ғоявий тизимга асосланганлик, инсонни баркамолликка етакловчи мезонлар мавжуд бўлиб, бугунги кунда ўз конструктив аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида буюк мутафаккирларнинг хусусан, тасаввуф алломаларининг қолдирган бой маънавий мероси бўйича илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашлари ҳамда уларнинг маънавий меросидаги инсон ва унинг ижтимоий моҳиятини ёритишга оид антропологик, аксиологик, фалсафий-илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мутафаккирларнинг асарларидаги тасаввуфий, ижтимоий-ахлоқий қарашлари асосида ёшларнинг камолотга эришишида умуминсоний кадриятларга хос бўлган бағрикенглик, хурфикрлилик, адолатлилик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби гуманистик ғояларини фалсафий нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этиш заруриятини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий, маданий соҳалардаги ислохотлар натижасида дунёга машҳур алломаларимиз маънавий меросини, шунингдек, диний-ирфоний, тасаввуфий таълимотлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни

амалга ошироқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”<sup>1</sup>. Бу борада нақшбандия таълимоти давомчиси Хожа Аҳрор Валий маънавий меросидаги тасаввуфий-фалсафий, теологик, аксиологик қарашлар моҳиятини бугунги кун нуқтаи назаридан ёшлар онгига сингдириш борасидаги илмий-назарий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш ва илмий асосланган мезон ва механизмларини ишлаб чиқиш объектив заруратга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ва 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион гоҳлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Шавкат Миромонович. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 244.

йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти, илмий меросини ўрганишда Жо Ан Гросс, Девин Ди Уис, Эртуғрул Ўқтан, Юрген Паул, Ж.С.Тримингэм, Роберт Мак Черзни, Усмон Турар, Наждат Тўсун тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Жумладан, америкалик олим Девин Ди Уис яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатлари ўртасидаги муносабатлар генезисини қиёсий таҳлил қилган. Олима Жо Ан Гросс эса, нақшбандийлик таълимоти ва унинг XIV асрдан кейинги даврда тарқалиши ва нақшбандий шайхлари ҳақида махсус илмий тадқиқотлар олиб борган.

МДХ олимларидан Л.Н. Соболев, А.П. Хорошхин, Н.И. Веселовский, В.Л. Вяткин, В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс, А.Д. Кныш, А.Н. Болдырев, Р.Н. Набиев, А. Хисматуллин, А. Мухаммадходжаев, Ф. Акимушкин каби олимлар Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимоти, Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолияти, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўрни ҳақида маълумотлар беришган<sup>3</sup>. Илмий тадқиқот ишига қўйилган вазифаларни бажаришда олимларидан В.В. Бартольд, О.Д. Чехович, Р. Набиевларнинг асарларида Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги танқидий фикрларни илмий-фалсафий, тарихий таҳлилига эътибор қаратилган бўлса, нақшбандия тариқатида Хожа Аҳрорнинг ўрни ва роли бўйича олимлардан В.Л. Вяткин, Н.А. Болдиревларнинг илмий тадқиқотлари муайян даражада кўриб чиқилди. Шунингдек, тожикистонлик олим А. Мухаммедходжаев Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий, диний-фалсафий қарашларини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борган<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Gross, Jo-Ann & Asom Urunbaev, ed. & trs. *The Letters of Khwaja 'Ubayd Allah Ahrar and his Associates*. Lieden, Boston, Koln: Brill, 2002. - P. 431-438; Devin de Weese. *The Mashaikhi turk and the Khojagon: Rethinking the Links between Yasavi and Naqshbandi Sufi Traditions*. – *Journal of Islamic Studies*, 7:2 (1996). P.180-207.

<sup>3</sup> Бартольд В.В. *История культуры мусульманства*. – С.Петербург: 1918. – Б.98; Болдырев А.Н. *Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем востоке в период феодализма*. – Москва: 1982; Веселовский Н.И. *Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки*. – С.Петербург: 1895; Вяткин В.А. *Из биографии Ходжи Ахрара*. Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомости», за 1904 г.; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) *Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998)*. Составитель и отв. редактор А.А. Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – С.Петербург: 2001. – С. 20-32.

<sup>4</sup> Мухаммадходжаев.А. *Религиозно-политическая концепция Ходжа Ахрор Вали*. – Душанбе: Дониш, 2006. –

Мамлакатимизнинг етакчи олимларидан, Б. Валихўжаев, А. Жузжоний, Р. Тиллабоев, Б. Аҳмедов, Н. Комилов, Э. Каримов, К. Каттаев, М. Кенжабек, З. Қутибоев, Г.Н. Наврўзова, Р.Т. Шодиев, Б. Бобожонов, Х. Рахматовалар Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти-фаолияти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, гуманистик қарашлари ва маънавий меросининг турли жиҳатлари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб боришган<sup>5</sup>.

Хожа Аҳрор Валий ижодини ўрганиш бўйича фалсафа фани тарихида бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамай, алломанинг тасаввуфий меросининг ижтимоий-фалсафий моҳияти ҳозирги замон нуқтаи назаридан махсус ўрганилмаганлиги сабабли, тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда нақшбандия таълимотининг ривожиди Хожа Аҳрор Валийнинг илмий-маънавий меросини аҳамияти, унинг маънавий-ахлоқий ва тарбиявий жиҳатлари атрофлича тадқиқ этиш долзарб илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2020022811-рақамли “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2019-2020 йй.) номли амалий тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Хожа Аҳрор тасаввуфий меросидаги ижтимоий-фалсафий ва маънавий-ахлоқий ғояларни очиб бериш ва ёшларни ахлоқий-маънавий тарбиялашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хожа Аҳрор Валий фаолиятини ўрганиш ва унинг маънавий меросига

---

С.148

<sup>5</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрори Вали. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 68; Каримов.Э. Хожа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 43; Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2017. – Б.31; Қутибоев.З. Хожа Аҳрор Валий. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 157; Рахматова Х. Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Монография. – Тошкент: Адиб, 2014. – Б. 120

оид тадқиқотлар таҳлили асосида унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари моҳиятини очиб бериш;

Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандийлик таълимоти ривожланишидаги муносиб ўрнини аниқлаш;

мутасаввиф фалсафий-тасаввуфий қарашларида олам, жамият, инсон ҳақидаги қарашларнинг тадрижий ривожланиши ва уларнинг ўзаро диалектик алоқадорлигини далиллаш;

Хожа Аҳрор Валий асарларидаги умуминсоний ахлоқий кадриятларнинг бугунги ёшлар мафкуравий иммунитетини шакллантиришдаги ўрнини асослаб бериш;

Хожа Аҳрор Валий маънавий меросидаги инсонпарварлик ғоялардан ҳозирги даврда ёшлар тарбиясида самарали фойдаланишда таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Хожа Аҳрор Валийнинг тасаввуфий мероси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий меросининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ахлоқий моҳиятини ва уларни такомиллаштириш хусусиятларини илмий асослаш билан белгиланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таснифлаш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, манбалар таҳлили каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий меросидаги ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, диний-ирфоний ва сиёсий қарашлардаги инсоннинг зоҳиран ва ботинан ахлоқли бўлиши, ижтимоий адолат ғояларининг илдизлари бугунги давр ижтимоий қиёфаси ва миллий характери билан боғлиқлиги “Рисолаи Волидия”, “Рисолаи Анфоси Нафийса”, “Рашҳа”, “Руқабот” каби тарихий манбалар асосида очиб берилган;

Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи Волидия” ва “Рисолаи Ҳавравия” асарларидаги онтологик ва антропологик қарашларининг (борлиқ, тана ва

руҳнинг ўзаро алоқадорлиги) гуманистик моҳияти ( инсонийлик, ҳақиқатини англаш, ўз нафсини тийиш, нафсга қарши курашиш), бугунги авлод тарбиясидаги аҳамияти (дунёвий ҳам диний билимларни эгаллаш ва уларга амал қилиш) сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса каби фалсафий категориялар воситасида асосланган;

Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий меросининг ўрта асрлар фалсафий тафаккур ривожига ғоявий етакчилик роли ва нақшбандия-аҳрория тариқатининг халқпарварлик, бирдамлик, бағрикенглик, жўмардлик хусусиятлари “Фақарот ул-орифийн” ва “Рашҳа-ҳикмат” манбалар асосида очиқ берилган;

Хожа Аҳрор Валийнинг “Руқабот”ларида (мактуб) илгари сурилган ижтимоий “муросасозлик” концепцияси жамият тараққиётини таъминлашнинг маслаҳат, келишиш, шериклик, ҳамкорлик, ўзаро яқин кўшничилик тинчликсеварлик тамойиллари билан адекват (мос) эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тасаввуфнинг тарихий-фалсафий моҳиятини ўрганиш орқали умуминсоний, этник, ахлоқий, қадриятларни сақлаб қолиш ва бугунги баркамол инсонни тарбиялашда ижобий хулосалар ишлаб чиқилган;

ёшларимизнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш борасида Хожа Аҳрор Валийнинг (ижтимоий фаол бўлиш, масъулиятни ҳис қилиш, сабрли бўлиш, нафсни тийиш, ҳалол меҳнат қилиш каби) эзгу ғояларини ўрганиш, тарғиб этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Хожа Аҳрор Валийнинг давлат ва халқ ўртасида ўзаро муроса, келиштиришга оид ижтимоий-фалсафий ғояларини, бугунги кундаги (ижтимоий шериклик) фуқаролик жамияти куриш жараёнида амалий қўллаш масаласида таклифлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тадқиқот жараёнида бирламчи манбалардан фойдаланилганлиги билан эришилган, шу билан биргаликда тадқиқот натижалари илмий-амалий



анжуманлардаги маърузаларда, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия қилинган журналлардаги нашрларда, хорижий нашрларда баён қилинган, шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган назарий-услубий хулосаларнинг фалсафа тарихи таҳлили, жумладан Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий-маънавий меросини фалсафий таҳлил этиш, Марказий Осиё халқларининг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва фалсафий тафаккур ривожини, тасаввуф таълимотини, унинг ўзига хос жиҳатлари, эволюцияси, тарихий-фалсафий негизларини чуқур англашга ёрдам беради. Шунингдек, Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари долзарблигини назарий жиҳатдан исботланганлиги “Тасаввуф фалсафаси”, “Фалсафа тарихи”, “Маънавиятшунослик” йўналишларидаги илмий тадқиқот ишларини қиёсий жиҳатдан холисона ўрганишга назарий-методологик манба сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган хулосалардан Хожа Аҳрор Валийнинг руҳий покланиш, нафсни тийиш, тўғрисиўзлик, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳалол ризқ топиш ҳақидаги фикрлари оила, маҳалла, миллий-маданий марказлари томонидан миллатлараро тотувлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишида, ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий меросининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий меросидаги ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий, диний-ирфоний ва сиёсий қарашлардаги инсоннинг зоҳиран ва ботинан ахлоқли бўлиши, ижтимоий адолат ғояларининг

илдизлари бугунги давр ижтимоий қиёфаси ва миллий характери билан боғлиқлиги “Рисолаи Волидия”, “Рисолаи Анфоси Нафийса”, “Рашҳа”, “Руқабот” каби тарихий манбалар орқали асослаб берилганлигига доир хулоса, таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Комил инсоннинг шаклланишида миллий ғоянинг ўрни” деб номланувчи 18-бобидаги “Комил инсон, баркамол авлод тушунчалари, уларнинг мазмун-моҳияти”, “Комил инсон ва баркамол авлодга хос бўлган фазилатлар, баркамоллик сифатлари ва мезонлари”, “Комил инсоннинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, шарт-шароитлар”, “Баркамол авлоднинг шаклланиши, унга хос хусусиятлар: янгича тафаккур, фалсафий дунёқараш, маънавий ахлоқий поклик, юксак маънавият” мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 89/03-2053-сон маълумотномаси). Натижада, хулоса, таклиф ва тавсиялар дарслик мазмунини назарий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилган;

Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи Волидия” ва “Рисолаи Ҳавравия” асарларидаги онтологик ва антропологик қарашларининг (борлик, тана ва руҳнинг ўзаро алоқадорлиги) гуманистик моҳияти ( инсонийлик, ҳақиқатини англаш, ўз нафсини тийиш, нафсга қарши курашиш), бугунги авлод тарбиясидаги аҳамияти (дунёвий ҳам диний билимларни эгаллаш ва уларга амал қилиш) сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса каби фалсафий категориялар воситасида асосланганлигига доир илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом ал-Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан нашр этилган “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси” номли энциклопедиясидаги “Хожа Аҳрор Валий маънавий мероси” мавзусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом ал-Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказининг 2020 йил 11 июндаги 02-//152-сон маълумотномаси). Натижада, тасаввуф алломалари ҳақидаги илмий хулосалар энциклопедия мазмунини бойитишга хизмат

қилган;

Хожа Аҳрор Валий тасаввуфий меросининг ўрта асрлар фалсафий тафаккур ривождаги ғоявий етакчилик роли ва нақшбандия-аҳрория тариқатининг халқпарварлик, бирдамлик, бағрикенглик, жўмардлик хусусиятлари “Фақарот ул-орифийн” ва “Рашҳа-ҳикмат” манбалар асосида очиб берилганлигига оид таклиф ва тавсияларидан таълим муассасаларида ўқувчиларнинг маънавий-маърифий билимлари ва дунёқарабини юксалтиришга қаратилган “Юртим тарихини ўрганаман” мавзусида маънавий-маърифий тадбир сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 18 августдаги 03//007-700-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф ва тавсиялар аҳоли орасида тасаввуф алломалари меросидаги маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Хожа Аҳрор Валийнинг “Руқабот”ларида (мактуб) илгари сурилган ижтимоий “муросасозлик” концепцияси жамият тараққиётини таъминлашнинг маслаҳат, келишиш, шериклик, ҳамкорлик, ўзаро яқин кўшничилик тинчликсеварлик тамойиллари билан адекват (мос) эканлигига оид илмий хулоса, таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида 2019 йил 9 апрель куни эфирга узатилган “Шарқ гавҳари”, “Диёр информацион дастури” ҳамда 12 апрель куни эфирга узатилган “Мерос” кўрсатувлари дастури сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 27 июлдаги 09-01/231-сон маълумотномаси). Натижада, илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар телетомошабинларнинг тасаввуф алломалари ҳақидаги билимларини ва кўрсатувлар мазмунини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 5 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

# Г БОБ. МОВАРОУННАХР ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ РАВНАҚИДА ХОЖА АХРОР ВАЛИЙНИНГ ЎРНИ

## Г.1. Хожа Ахрор Валий ҳаёти ва фаолиятига оид тадқиқотлар таҳлили

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бебаҳо маънавий-маданий меросимизни холисона ўрганиш ва тиклашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор берилмоқда. Айниқса, маънавий мероснинг туб моҳиятини акс эттирувчи диний-миллий қадриятларни қўлёзма манбалар асосида ўрганиш, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш, янгича илмий таҳлил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтмишда халқимизнинг буюк фарзандлари тасаввуф илмини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиб, қимматли асарлари билан нафақат ислом олами, балки бутун дунё маданиятини мислсиз юксакликка кўтарганлар. Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор, Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий, Бобораҳим Машраб, Сўфий Оллоҳёр, Хожамназар Хувайдо каби буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”<sup>6</sup>. Маълумки, миллий ғоя ва мафкурамиз улуғ аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган тарихий қадриятларимиз ва маънавий илдизларимиздан куч олмоғи, шунингдек, умумбашарий, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этмоғи керак. Миллий қадриятларимизнинг замонлар оша яшаб келаётганлиги муқаддас ва инсонпарвар динимиз туфайли юзага келди. Агар шу муқаддас диёримизда яшаб, ижод қилган донишманд аждодларимиз диний илм ва эътиқодни авлодлари қалбига чуқур сингдириб, ислом илми ва

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги “Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади” мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

мафкурасини кенг ёйиб кетмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-рухий меросдан маҳрум бўлиб қолишимиз мумкин эди. Яқин ўтмишда халқимиз бой тарихининг онгли равишда бузиб талқин этилиши тарих ҳақиқатини чигаллаштириб юборди. Илм-фан, маданият ва маърифатга улкан ҳисса қўшиб, ўзларидан мислсиз маънавий мерос қолдирган аждодларимиз хотиралари ноҳақ таҳқирланди. Уларнинг фаолияти бир томонлама ўрганилди ва кўпинча салбий баҳоланди. Оқибатда кўп юртдошларимизнинг эзгу ишларидан беҳабар қолдик. Демократия ва ошкоралик туфайли, кеч бўлсада, йўл қўйилган хатолар тузатилмоқда. Жумладан, бугунги кунда маданий меросимиз дурдоналарини излаб топиш, асраб-авайлаш, сақлаб қолиш ва илмий тадқиқ этиш, улуғ алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама ва холис ўрганиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ана шундай холис талқин этилиши лозим бўлган буюк аждодларимиздан бири Хожа Аҳрор Валий (1404-1490 йй) нинг ҳаёти ва фаолиятидир. Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари мусулмон дунёсининг улуғ мутасаввиф донишмандлари қаторида мўътабар ўрин тутди. Хожа Аҳрор Валий ҳаётининг ибратли жиҳатларидан бири шундаки, у бутун ҳаёти давомида одамларни имон-эътиқодга, ҳар доим фаол бўлишга даъват қилган. Ҳаётини маърифат, инсоний комилликка интилган, халқ хизматига бахшида этган ҳамда бор илм ва имкониятларини эл юрт фаровонлиги учун сафарбар қилган бу улуғ зотнинг ҳурматини бажо келтириш, унга муносиб ворис бўлиб яшаш барчамизнинг шарафли бурчимиздир. Биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида Хожа Аҳрорга шундай баҳо берилган: “Бу мутафаккир зот ўз даврида йигирма беш, ўттиз йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, ҳукмдорларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Шайхлар шайхи деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега

деганда, халқ уни бошига кўтарган”<sup>7</sup>. 2003 йилнинг ноябрида улуф мутасаввиф олим, Ҳожагон тариқатининг асосчиси – Ҳожа Абдуҳолик Гиждувоний таваллудининг 900 йиллик, 2004 йилда эса Нақшбандия тариқатининг йирик вакили – Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳроп таваллудининг 600 йиллик юбилейи мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлангани, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Ҳожа Аҳроп Валий тасаввуфий меросининг ижтимоий-фалсафий моҳияти мавзуидаги илмий тадқиқот ишининг мақсади, улуф аждодларни хотирлаш, ўғитига амал қилиш ва улар қолдирган панду-насиҳатларни келажак авлодга етказиш, ундан халқимизни баҳраманд қилиш амалий, ишимизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу сабабли улуф аждодимиз Ҳожа Аҳроп Валий ҳаёти ва ғолияти, тасаввуфий-маънавий меросни ўрганишнинг бир нечта сабаблари мавжуд:

биринчидан; тарихимиздаги буюк шахслар улар яратган моддий ва маънавий меросларни ўрганиш собиқ шўролар даврида қисман таъқиқланган эди. Жумладан, машҳур мутасаввиф, нақшбандия таълимотининг давомчиси Ҳожа Аҳроп Валий шахси ҳам бир томонлама ўрганилган эди. Ҳожа Аҳропга нисбатан билдирилган муносабат мустамлакачилик, шўролар даврида бир неча маротаба ўзгарди. Истиқлол йилларида Самарқандда Ҳожа Аҳроп Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни<sup>8</sup>, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишланган “Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз” мавзуидаги Республика илмий – амалий анжуманлари, Ҳожа Аҳроп Валий асарларини холисона ўрганиш, мутасаввифнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплаш ва нашр этиш вазифасини белгилади<sup>9</sup>;

иккинчидан; тасаввуф – ислом фалсафасида инсонни руҳий ва ахлоқий томондан комиллик сари етакловчи таълимот. Инсонда ижтимоий

<sup>7</sup> Каримов И.А “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. - Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 21.

<sup>8</sup>Ҳожа Аҳроп Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари. - Тошкент, 2004. – Б.100.

<sup>9</sup>Ҳожа Аҳроп Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Халқ сўзи. 2004. 26 март.

моҳиятнинг (ҳалоллик, поклик, ахлоқ) шаклланишида тасаввуф таълимотининг ўрни муҳим ҳисобланиб, тасаввуфни илмий-фалсафий ўрганиш долзарб ва аҳамиятлидир;

учинчидан; Марказий Осиёда тасаввуфий таълимотлар исломий ғояларни тарқатиш, Оллоҳга бўлган қалб, эътиқодни тариқат орқали чуқурроқ англашни тарғиб қилиб келганлар. Жумладан, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг шахсияти ва унинг издошлари яратган таълимотнинг ҳаётийлиги, ижтимоийлиги яъни кундалик турмушга мослиги ва қулайлигидир. Шунинг учун нақшбандия таълимотининг давомчиси ва ислоҳотчиси Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади;

тўртинчидан: мустақиллик йилларида Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолияти тарихига холисона баҳо бериш, тасаввуфий таълимотнинг инсон, шахс, оила, жамият тараққиётидаги ўрнини ўрганиш ва бугунги авлодга етказишга эҳтиёж сезилди. Хожа Аҳрор Валийдек йирик мутасаввифнинг ҳаёт ва фаолиятини ибрат тарзида, ёзган асарларининг мазмун, моҳиятини қўлланма сифатида ватанимиз келажагини яратувчи ёш авлодга тақдим этсак, жамиятнинг умуминсоний дунёқараши, маънавий ахлоқий барқарорлиги, ривожланиши ва осойишталигига муносиб тарзда ҳисса қўшилади;

бешинчидан; тасаввуф таълимоти инсоннинг моҳияти, руҳияти, ахлоқи, ижтимоий ҳаёти устида фалсафий баҳс юритади. Хожа Аҳрор Валийнинг бой илмий ва тасаввуфий меросидаги инсон, инсоннинг руҳий камолоти, инсонийлик ҳақидаги ғояларини фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш, таҳлил ва талқин қилиш бу масалани ёритишга ёрдам беради;

олтинчидан; бугунги шиддат билан ривожланаётган ахборот замонида, инсон онгини эгаллаш учун кураш кучайган бир шароитда ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий меросидаги конструктив, ижтимоий фаол бўлиш, меҳнат қилиш, касб эгаллаш, нафсни тийиш, халқнинг оғирини енгил қилиш, халққа ғамхўрлик қилиш, баркамол инсон ҳақидаги фикрлари миллий ғоянинг



илдизи сифатида ўрганилиб, ундаги бунёдкор ғояларни кишилар онгига сингдириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Инсоният тарихида инсоннинг маънавий ахлоқий камолот йўли жуда қадимий бўлсада, бу йўлнинг етуклик даражаси, тасаввуф таълимоти эди.

Тасаввуф таълимотлари исломдаги – мистик-аскетик оқимлар ҳисобланади. Мистицизм, мистика атамалари қадимий юнон тилидаги *mystikos* – яширин, сирли сўздан олинган бўлиб, бу таълимот инсоннинг Худо билан ақл ва ҳиссиётдан юқори бўлган сирли, яшрин алоқаси бўлиб, унинг натижасида инсонда Худони билиш, англаш ҳосил бўлади.

Тасаввуфшунос олим Ж. Холмўминовнинг фикрича, тасаввуф таълимотида валий, шайхлар билан боғлиқ кароматлар учраб турган. Айнан ана шундай ҳодисалар тасаввуфни мистицизм билан алоқадор қилиб қўйди, аммо тасаввуфнинг моҳияти сирли ҳодисалар, кароматлардан иборат бўлган таълимот эмас. Тасаввуф инсон қалби, руҳияти, тафаккури, оламини тушунишга, англашга қаратилган таълимотдир<sup>10</sup>. Тасаввуфнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари, тасаввуф аҳли қалбидан чуқур жой олиб, инсонни англаш ва тараққий эттириш йўллари, инсон ахлоқини поклаш масаласи, тасаввуф таълимотининг асосий мавзуи бўлиб қолди. Тасаввуф таълимоти дастлаб Уммавия халифалиги даврида юзага келган жамиятда ғайриисломий одатлар – бойлик, мол-дунё ва айш-ишратга берилиш, инсон қадр-қийматининг топталиши натижасида вужудга келган эътироз шаклидаги ижтимоий ҳаракат бўлиб, ҳаракат етакчилари илм-маърифатли кишилар эдилар. Тасаввуф ҳаракати моҳияти инсон қалби ва руҳиятини уйғотиб, жамиятда жаҳолат ва худбинликка қарши курашиб, ахлоқий покликни тарғиб этган. Тасаввуф муайян ижтимоий сабаблар билан ислом динига ихлос қилиб, ўзининг ғоявий асоси сифатида исломнинг муқаддас манбалари бўлган Қуръони ва Ҳадисга таянди. Қуръони Карим, Ҳадиси шарифда ҳам тасаввуф сўзи бирор марта зикр қилинмагани уни исломий илм эмаслигига

---

<sup>10</sup> Холмўминов Жаъфар. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва накшбандия таълимоти. Монография. – Тошкент: Тафаккур, 2020. – Б. 56.

далил бўла олмайди<sup>11</sup>. “Тасаввуф”нинг қандай асосда шу ном билан аталиши ҳақида мутасаввиф, олим, тадқиқотчилар томонидан кўплаб таърифлар кўрсатилган. Ўтмишда тарки дунё қилган зоҳид, ўзини Худога бағишлаган одам, одатда, дағал жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юрган ва бугунги тадқиқотчилар хулосасига кўра, “тасаввуф” – жун, пўстин сўзидан олинган бўлиб, кўпчилик мутахассислар ушбу охирги хулосани қабул қилганлар”<sup>12</sup>. Тасаввуф – сўфий сўзлари бир маъноси софлаш, поклаш деган маъноларни англатиб, том маънода инсон ўз руҳини поклаб, ўз қалбини Оллох таолога боғлаш тушунилади. Шу ўринда шариат, тариқат сўзларининг маъноларига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқдир. “Шариат” арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси “кенг йўл” деган маънони англатади. Тариқат сўзи ҳам арабча (тарийқ) сўз бўлиб, “Худога олиб борувчи йўл” деган маънони англатади<sup>13</sup>. Тасаввуфда тариқат тушунчаси инсоннинг руҳий, диний-мистик ва амалий камолот йўлидир. Шарқшунос олим О.Акимов таърифича Тариқат - Ҳақиқатни мистик билишнинг услубидир<sup>14</sup>. Профессор Н.Комилов тариқатга “таракқиёт йўли”<sup>15</sup> деб баҳо беради. Исломдаги тасаввуф оқими, шу тариқа, аскетизм (таркидунёчилик) кўринишида VII-VIII асрларда ҳозирги Ироқ давлатида пайдо бўлди ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқала бошлади. IX аср давомида тасаввуф назарияси ва амалиёти устида фаол иш олиб борилган. Бир қанча сўфийлик мактаблари пайдо бўлган, улар орасида Басра, Бағдод ва Хуросон мактаблари улкан таъсирга эга бўлган<sup>16</sup>. Уларнинг вакиллари инсон ва унинг Худога муносабати қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги таълимотни яратишган. Сўфийлик ғоясининг хусусияти ва фарқли белгиси Худога чин кўнгилдан муҳаббат боғлаш, Унга яқинлашишга интилиш бўлиб қолган ва бу илмнинг билимдони Ҳасан

<sup>11</sup> Ислом манбашунослиги. Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси. – Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – Б. 220.

<sup>12</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.- Б. 30-31.

<sup>13</sup> Буюк юрт алломалари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 338.

<sup>14</sup> Тариқат. Ислам. Энциклопедический словарь.-Москва: Наука,1991. – С. 224.

<sup>15</sup> Комилов Н. Комиллик тариқати. – Тошкент: Тафаккур, 1998. 2 - сон. – Б. 61.

<sup>16</sup> Қаранг; Бертельс Е.Э Суфизм и суфийская литература: Избранные труды (Бертельс.Е.Э, отв.ред. А.Н.Болдырев, сост. М. Н.О.Османов). –Москва: Наука, 1965. – С. 524.

Басрий ҳисобланган. Сўфийлар дастлаб сайёҳ дарвешлардан иборат бўлиб, X асрга келиб уларнинг биринчи диний уюшмалари вужудга келди. X-XI асрларга келиб тасаввуфда назарий қарашлар ва таълимотлар шаклланди, кўпчилик мусулмонлар томонидан исломий таълимот сифатида қабул қилинди. Улар орасида Тусий, Калободий, Абу Толиб Маккий, Суламий, Ғаззолий, Абдулқодир Гилонийлар асарлар ёзиб, уларда тасаввуфга оид билимларни тартибга солиб, сўфийлик истилоҳлари ва таълимотлари тушунтирилган. Тасаввуф таълимоти бошланғич даврида йирик сўфийлар Мансур Халлож, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румийлар фаолияти воситасида биргина борлиқ, ҳақиқат, моҳият борки, у Худодир, деган мазмунда ёйилган бўлса, кейинроқ, Имом Ғаззолий, Хожа Аҳмад Яссавийлар даврига келиб тасаввуфда Худо билан бирлашиб кетиш ғояси илгари сурилади. XI-XII асрларда тасаввуф мусулмон жамияти, диний ҳаётнинг бир қисмига айланди. Тасаввуфнинг ўзига хослигини буюк сўфий тасаввуфни ортодоксал ислом ва фалсафа билан яқинлаштиришга эришган, аллома Имом Ғаззолий эди<sup>17</sup>. Имом Ғаззолий тасаввуф фалсафасини ислом динига, суннийлик ғояларига зид эмаслигини исботлади. Ўрта асрлардан бошлаб ислом фақат ҳукмрон дин бўлибгина қолмай, балки жамият кишилари ўртасида махсус ҳаёт тарзини ҳам яратди. Тасаввуф таълимоти мусулмонларнинг турли табақалари ўртасида кенг тарқалиши муносабати билан унинг ички фарқланиши яққолроқ намоён бўла бошлаган. Тасаввуфнинг бошқа ғояларга очиқлиги унинг турли йўналишларга бўлиниб кетишига олиб келган, аммо тасаввуф таълимоти жамиятдаги ўзгаришларга қараб, ижтимоий ҳаётга мослашиб борди. Тасаввуф турли мазмун ва қиёфада мусулмон халқлари маънавий, ижтимоий, маданий ҳаётига кириб келди ва кўпгина мамлакатларда сўфийлик жамоалари юзага келди. Шу тариқа тасаввуф мусулмон халқлари орасига жумладан Марказий Осиёга тезда ёйилган. Тасаввуфда шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат<sup>18</sup> каби инсонни

<sup>17</sup>Ислом тасаввуфи манбалари. - Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б. 92.

<sup>18</sup>Комилжон Раҳимов. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши. – Тошкент: Академ нашриёт, 2020. – Б. 133.

камолотга етакловчи ғоя ва тушунчалар Мовароуннаҳр халқлари ижтимоий ҳаётига кириб келди. Жумладан, Мовароуннаҳрда Шайх Нажмиддин Кубро (XII-XIII аср) Хоразмда Кубравия, Хожа Аҳмад Яссавий (XII аср) Туркистонда Яссавия, Бухорода Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Саййид Жалололиддин Баҳоуддин Нақшбанд томонидан нақшбандийлик тариқатларига асос солинди ва ривожлантирилди. Нақшбандия таълимотининг давомчиси, ислоҳотчиси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ўз фаолияти билан Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган табаррук сиймолардан биридир. Темурийлар давлатининг мафкуравий ҳудудларида унинг ҳукми ва руҳсатисиз бирор фикрнинг дунёга келиши амри маҳол эди. Кимни шайх сифатида расман қабул қилиш, кимни сўфий, ориф ёки шариат олими деб эътироф этиш ёки аксинча, кимнинг шайхлиги, сўфийлиги ва олимлигини бекор қилиш унинг изну ихтиёрида эди<sup>19</sup>. Манбаларда Хожа Аҳрор Валий “илоҳий сирлар маорифининг орифи”, “Аллоҳ йўли масоликлари солики”, “беиштибоҳ валийлик фалагининг кутби”, “ҳидоятпаноҳ”, “ҳақойиқи огоҳ”<sup>20</sup> дея улуғланган. Хожа Аҳрор Валий Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қарашларини исломий ва тасаввуфий ғоялар билан тариқатнинг назарий ва амалий жиҳатларини уйғунлаштириб, бойитиб, Хожагон-нақшбандия таълимотини умумисломий даражага кўтариб, уларнинг кенг тарқалишига катта ҳисса кўшган. Халқ орасида “Валийлик осмонининг кутби” даражасига кўтарилган бу зот тариқат аҳли орасида “Нақшбандийи соний” номи билан маълум ва машҳур бўлган. Хожа Аҳрор Валийнинг шайхлиги, кароматгўйлиги, инсонпарварлиги, саховатпешалиги унинг моддий фаровонлиги ва юксак мартабаси учун замин бўлган. Аллоҳ бу зотга фавқулодда зукколик, донолик, адолатпешалик, донишмандлик каби фазилатларни ато этган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, уларнинг

<sup>19</sup> Холмўминов Жаъфар. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва нақшбандия таълимоти. Монография. - Тошкент: Тафаккур, 2020. – Б.154.

<sup>20</sup> Шарафуддин Роқимии. Тарихи том. Форсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изоҳлар муалл. Ҳ. Бобобеков, Н Норқулов. - Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 45.

натижаларини “туш кўриш” орқали баён этган. Шу туфайли унга валийлик-авлиёлик номи берилган, яъни у “Хожа Аҳрор Валий” номи билан улуғланган. Унинг бу хислати эзгулик, эзгу ахлоқ сари йўналтирилган бўлиб, халқ орасида илоҳий ҳақиқат ва ишонч-эътиқоднинг мустаҳкамланишига замин бўлган. Халқ бу зотни улуғлаб, чин ихлос билан тилга олган. Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёт йўли ва қарашларига доир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тадқиқотларни давр хусусиятлари ва моҳиятига кўра гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Мустақилликка қадар собиқ иттифок олимлари томонидан мутасаввифнинг асарлари кўпроқ сиёсий, иқтисодий нуқтаи назардан ўрганилган бўлиб қолган ижтимоий, маънавий ахлоқий, тарбиявий томонлари мафкуравий жиҳатдан умуман ўрганилмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ноёб ва бебаҳо бойликларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини англаш имкониятига эга бўлди. Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги дастлабки маълумотларни мутасаввифнинг ўзи яратган асарлардан билишимиз мумкин. Илмий жамоатчиликка маълум бўлган Хожа Аҳрор Валийнинг асарлари куйидагилар:

1. Рисолаи Ҳавравия (Хурлар ҳақида рисола)<sup>21</sup>
2. Рисолаи Волидия (Отага бағишланган рисола)<sup>22</sup>
3. Фиқрот ал орифийн (Орифларнинг сўзларидан парчалар)<sup>23</sup>
4. Анфоси нафиса (Дурдона сўзлар)<sup>24</sup>
5. Руқъот (Хожа Аҳрор ёзган мактублар)<sup>25</sup>
6. Рашҳалар(Ҳикматлар)<sup>26</sup>
7. Жавомиъул-калим (Хожа Аҳрорнинг таржима асари) Лавомиъул

анвор асарининг форсий тилдан туркий тилдаги таржимаси.

<sup>21</sup> Қаранг: Рисолаи Ҳавроййа. ЎЗР ФАШИ кўлёмалар хазинаси: № 507-І.

<sup>22</sup> Қаранг: Рисолаи волидийя. ЎЗР ФАШИ кўлёмалар хазинаси: № 507-ІІІ.

<sup>23</sup> Қаранг: Фиқрот ул-орифийн. ЎЗР ФАШИ кўлёмалар хазинаси: № 507-ІІ.

<sup>24</sup> Қаранг: Рисолаи анфоси нафийса. ЎЗРФАШИ кўлёмалар фонди. 5414-сонли кўлём.

<sup>25</sup> Қаранг:Руқъоти Ҳазрати Хожаи Аҳрор. ЎЗР ФАШИ кўлёмалар хазинаси: № 526-V.

<sup>26</sup> Хожа Аҳрор томонидан ёзилган рашҳалар “Рашаҳот” асарида келтирилган.

## 8. Малфузоти Аҳро<sup>27</sup>

Хожа Аҳро Валийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар XV асрдан бошлаб кўплаб тарихий манба ва маноқибларда келтирилган.

Жумладан, Хожа Аҳронинг ибратли ҳаёти, Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин”, Фаҳруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнил ҳаёт”, Мир Абдулаввал Нишопурийнинг “Масмуъот”, Абдулҳай ал-Ҳусайнийнинг “Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳро” ҳамда “Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳро” китобларида тасниф қилинган. Дастлабки манбалардан бири Муҳаммад Қозининг “Силсилат-ул-орифийн” ва “Тазкират ул-сиддиқийн (Орифлар силсиласи ва содиқлар қўлланмаси)”<sup>28</sup> асаридир. Мовлоно Муҳаммад Қозихожа Хожа Аҳронинг шогирди бўлиб, ўн икки йил давомида хизмат қилиб, Хожа амалга оширган хайрли ишларининг шоҳиди бўлиб, унинг суҳбатларида тасаввуфнинг нозик ва теран маъноли ҳикматлари билан ошно бўлган. Ўша таассуротлар, суҳбатларнинг самараси “Силсилат ул-орифин” асарини яратган. Тазкира Хожа Аҳро Валийнинг вафотидан ўн тўрт йил ўтгач китоб ҳолига келган. Асар Хожа Аҳро Валий ҳақида ёзилган маноқиблар<sup>29</sup> ичида ишонарли маълумотларга бойлиги билан аҳамиятлидир.

Асар муқаддима, уч боб ва хулоса қисмидан иборат. Дастлабки бобда Хожа Аҳронинг дунёга келиши, шажараси ва хожагон тариқатининг давомчиси сифатида фаолият бошлаши ҳақида, иккинчи бобда эса унинг сўфийлик таълимотидаги ўрни, ижтимоий сиёсий соҳалардаги ислоҳотларига доир воқеа, ҳикоялар келтирилади. Учинчи боб тўлиғича Хожа Аҳронинг ислом, шариат ва сиёсатга оид қарашлари ва таълимотини қамраб олган. Академик Б.Валихўжаев етук манбашунос Абдулҳамид Пўлодий таклифи билан унинг шахсий кутубхонасида сақланаётган “Силсилат ул-орифин”

<sup>27</sup> Холмўминов Жаъфар. Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси ва нақшбандия таълимоти. Монография. – Тошкент: Тафаккур, 2020. - 158 б.; Аҳвол ва суҳанони Хожа Убайдуллоҳи Аҳро. Муштамил бар “Малфузоти Аҳро”. Ба таҳрири Мир Абдулаввали Нишобурий. “Малфузоти Аҳро” (Мажмуъаи дигар), “Рукъаоти Аҳро”. Хориқи одоти Аҳро таълифи Мавлоно Шайх. Ба тасҳеҳ ва бо муқаддимаву таълиқоти Ориф Навшоҳий. – Теҳрон: Маркази нашри Донишгоҳии Теҳрон, 1380. – 152 с.

<sup>28</sup> Муҳаммад ибн Бурҳонуддин ибн Хожа Муҳаммад Ризо Муҳаммад ал-Қози. Силсилат ул-орифийн ва тазкирату-с-сиддиқийн .ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси: № 11413.

<sup>29</sup> Маноқиб - яхши хислатлар, фазилатлар. Тасаввуф оламида юксак мавқега эришган шайх ул-машойихнинг таърифи ва тавсифи келтирилган воқеий ҳикоятлар.

қўлёмаси билан яқиндан танишади ва уни чуқур ўрганиб илмий истеъмолга киритади. Ушбу даврга оид яна бир асар Мир Абдул Аввалнинг “Масмуъот” (Эшитилганлар)<sup>30</sup> асаридир. Хожа Аҳрорга Мир Абдул Аввал яқин қариндош бўлиб, тасаввуфга оид кўплаб ҳикоя, панд-насихат ва ўғитларини ҳазратнинг ўзидан эшитишга муяссар бўлган. Унда келтирилган маълумотлар, ҳикоялар муайян тартибга эга бўлмасда, тасаввуф фалсафаси, назарияси ва амалиётининг муҳим масалаларини, Хожа Аҳрор ҳаётига оид воқеаларни камраб олган. Бугунги кунда ушбу манбанинг уч нусхаси мавжуд бўлиб, биринчиси ЎзФА Шарқшунослик институтида, қолганлари самарқандлик олим Б.А. Маҳмудовнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида замондошлари томонидан ёзилган тазкира ва маноқиблардан энг эътиборлиси Фахруддин Али Сафий (ваф. 1532 й.)нинг “Рашаҳоту айнул ҳаёт”<sup>31</sup> асаридир. Ушбу асарда Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги батафсил маълумотлар билан бирга, ўша даврда фаолият кўрсатган 120 дан ортиқ шайх ул-машойих, давлат арбобларининг ҳаётидан олинган нақллар жамланган. Ўз даврининг машҳур воизи Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али Сафий Абдурахмон Жомийнинг йўлланма хати билан Ҳиротдан Самарқандга Хожа Аҳрор Валийнинг ҳузурига келган ва ул кишидан тазкира ёзишга рухсат олган. Бу асарни ёзиш жараёнида Али Сафий Хожа Аҳрор Валий билан суҳбатларида иштирок этади, у билан боғлиқ жуда кўп манбаларни синчиклаб ўрганади ва керакли ўринларда фойдаланади. “Ул кашфлар ва кароматлар маъдани, фавқулодда одатлар соҳиби Хожа Аҳрор Валий мақомотларидан томчилар”<sup>32</sup> келтиришни ният қилиб, китобни “Рашаҳоту айнил ҳаёт” (“Ҳаёт чашмаларидан томчилар”) деб номлайди. Ўз.ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёмалар Фондида сақланаётган илк рўйхат эса 1569 йил билан саналаштирилган<sup>33</sup>. “Рашаҳот”да Хожа Аҳрор Валийнинг шажараси, таржимаи ҳоли, тариқат манзилларини босиб

<sup>30</sup> Мир Абдул Аввал Нишопурий. Масмуъот. ЎзР ФА ШИ қўлёмалар хазинаси: № 3735/11-сонли қўлёмза.

<sup>31</sup> Фахруддин Али ибн Ҳусайн ал-Воъиз ал-Кошифий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. ЎзР ФА ШИ қўлёмалар хазинаси: № 1788.

<sup>32</sup> Шарафуддин Роқимий Тарихи том. Форсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изоҳлар муаллифлар; Ҳ. Бобобеков, Н. Норкулов. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 47.

<sup>33</sup> Қўлёмза баённомасига қаранг: Каталог СВР АН УЗССР, том III, Тошкент, 1955. – 294 б.

ўтишдаги азоб-уқубатлари, пирумуршидлик фаолияти, кароматлари, халқ манфаати йўлида олиб борган ишлари, фуқаро осойишталигини сақлаш учун кўрган оқилона тadbир ва режалари, Мовароуннаҳрда хожагон, шайх, эшон, устоз номининг вужудга келиши, хожагон-нақшбандийлик тариқатига асос солиниши ва унинг шаклланишига алоқадор бўлган шайхлар тўғрисидаги кўплаб қимматли маълумотлар ўрин олган<sup>34</sup>. Бундан ташқари, “Рашахот”да, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Хуросон XII—XIV асрлардаги тарихи, маданияти, фалсафаси, иқтисодиёти билан боғлиқ кўплаб қимматли маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади. Хожа Аҳрор Валий аждодлари ва авлодлари ҳақида мукаммал маълумот берувчи муҳим манбалардан бири, Абдулҳай Ҳусайнийнинг “Насабномайи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор” асаридир. Унда зикр этилишича, Хожа Аҳрор Валийнинг аждодларининг барчалари ирфон арбоблари ва завқу виждон асҳоблари бўлишган<sup>35</sup>. Асарда ёзилишича, Хожа Аҳрорнинг оталари Хожа Маҳмуднинг насаби тўрт авлод билан сиддиқийлардан бўлган Хожа Муҳаммад Номийга боғланади. Хожа Аҳрорнинг оналари Хожа Довуднинг қизи, Шайх Хованди Таҳурнинг невараларидир. Уларнинг насаблари тўққиз авлод билан Абдуллоҳ ибн Умарга боғланади. Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятига оид муаллифи номаълум бўлган “Маноқибни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор”, “Рисолаи авлод ва хулафои Хожаи Аҳрор”, Хожа Абдулҳақнинг (XVI-аср) “Мақомоти Хожаи Аҳрор”<sup>36</sup>, Муҳаммад Муфти Оҳангаронийнинг “Мавлоно Лутфуллоҳ маноқибни” каби асарларини ўрганиш, муҳим аҳамият касб этади<sup>37</sup>.

Мақомотларда Хожа Аҳрор ва бошқа бир қатор машҳур сўфийлар томонидан айtilган ҳикоя, нақл ва ўғитлар келтирилади. Алишер Навоий<sup>38</sup>,

<sup>34</sup> Каримов Э.Э. “Рашахот айн ал-хайат” как источник по изучению истории Мавераннахра XV века. Общественные науки о Узбекистане. Ташкент, 1990. № I. – С. 40-44.

<sup>35</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Насабномайи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Табаррук рисоалар. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 258.

<sup>36</sup> Хожа Абдулҳақ. Мақомоти Хожаи Аҳрор. ЎзР Фа ШИ қўлёзмалар хазинаси. № 3735. II.

<sup>37</sup> Рисолаи авлод ва хулафои Хожаи Аҳрор. ЎзР Фа ШИ қўлёзмалар хазинаси: № 1883. III; Абдулҳай ибн Абдул Фатҳ ал Ҳусайний. Насабномайи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. ЎзР Фа ШИ қўлёзмалар хазинаси: № 526.1; Муаллифи номаълум асар. Маноқибни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Ўз Фа ШИ қўлёзмалар хазинаси № 1883. IV.

<sup>38</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. Хамсат ул-мутаҳаййирин. -Тошкент: Фан, 1999. – Б. 33-34.



Абдурахмон Жомий<sup>39</sup>, Заҳириддин Муҳаммад Бобур<sup>40</sup> Хожа Аҳрор Валийни ўзларининг пиру муршид, маънавий раҳнамолари деб билганлар ва ўз асарларида унинг ҳаёти, фаолиятига бағишлаб алоҳида боб ҳамда саҳифалар ажратганлар. XV асрдаги Нақшбандия таълимотининг йирик шайхи Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий ушбу таълимотнинг Хуросон, Ҳиндистон ва бошқа ислом олами бўйлаб кенг тарқалишида катта роль ўйнади. Жомий нақшбандийлик сулукининг ҳам назариётчи, ҳам амалиётчиси, ҳам тарғиботчи ва обрў-эътибори олий пешвоси эди.”<sup>41</sup> Абдурахмон Жомий ўз ижодидаги 152 байтни Хожа Аҳрор Валий таърифига бағишлаган<sup>42</sup>. Навоийшунос олим академик Ботурхон Валихўжаев Шарқнинг буюк мутафаккири, улуғ инсонпарвар шоири Алишер Навоий “Ҳайрат ул аброр”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларида нақшбандия таълимотининг моҳияти ва Хожа Аҳрор Валий тариқати ҳақида кенгрок тўхталганини маълум қилади<sup>43</sup>. Хожа Аҳрор Валийнинг хатлари жуда катта таъсир кучига эга бўлган ва Алишер Навоий бу мактубларни жамлаб бир китоб қилган. Бу китоб Навоий альбоми<sup>44</sup> деб номланиб номларнинг 128 таси шахсан Хожа Аҳрорга тегишли дастхатларидир. Шунингдек, Хожа Аҳрор Валий ҳақида Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матла ас-саъдайн”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сиғар”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”<sup>45</sup>, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий”<sup>46</sup>, Маъсуд ибн Усмон Кўхистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ал-асрор фи маноқиб ул-аҳёр”, Султон Аҳмад Ҳазиний ал-

<sup>39</sup> Абдурахмон Жомий. Силсилат-уз заҳаб, Нафаҳот у-л-унс мин ҳазароти-л-қудс. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар ҳазинаси № 4409.

<sup>40</sup> Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. - Тошкент, 1989. – Б. 75.

<sup>41</sup> Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. - Тошкент: Шарқ, 2016. – Б. 124.

<sup>42</sup> Болдырев А. Н. Хожа Аҳрор ҳақида. С. Ғаниева таржимаси. - Тошкент: Юлдузча нашриёти, 2004. – Б. 14.

<sup>43</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Вали. - Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 122.

<sup>44</sup> Альбом Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган 16 муаллифнинг 550 дана дастхат руқбаларини ўзида жамлаган. Улардан 337 таси Абдурахмон Жомий, 128 донаси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб ва уларнинг имзоларига эга. Қолган хатлар Хожа Аҳрорнинг ўғиллари, куёвлари, муридлари ва беш нафар Хуросон зиёлилари томонидан ёзилган. Альбомнинг тузилиш йили – 1492 йил.

<sup>45</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Тошкент: Юлдузча, 1989.- Б. 75.

<sup>46</sup> Мирза Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди. Перевод Урунбаева А, Жалиловой Р, Епифановой Л. - Тошкент: Фан, 1996. – С. 100-108-109.

Ҳисорийнинг “Жавоҳир ул- аброр мин амвожил бихор”<sup>47</sup>, Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг “Танбият ус-салотин”<sup>48</sup> асарларида муҳим маълумотлар учрайди. Чор Россияси олимлари орасида Хожа Аҳрорнинг шахсига қизиқиш XIX аср охири ва XX аср бошларида яъни, ўлкада чор Россиясининг ҳукмронлиги давридан бошланади. Рус генерали Л.Н. Соболев<sup>49</sup>, Туркистоннинг тарихий географиясини ўрганишда ўз тадқиқотларига Хожа Аҳрорнинг вақф ёрлиқларини ҳам киритади, уларни ўзларини Хожа Аҳрорнинг авлодлари деб эълон қилган кишилар тақдим этишган. XIX асрнинг 70-80 йилларида Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти билан шарқшунос А.П. Хорошхин<sup>50</sup> қизиқиб, Хожа Аҳрор ва унинг авлодлари вақф хўжаликлари, ерлардан олинадиган солиқнинг ўлчамлари тўғрисида аниқ маълумотлар беради. “Туркистонда жуда катта вақфлар Хожа Аҳрорнинг авлодларига тегишлидир, хўжаликлардан олинадиган солиқлар давлат хазинасига тушган, кичик бир қисмигина руҳонийларга тегишли бўлган”, деб ёзади муаллиф<sup>51</sup>. Хожа Аҳрорнинг ҳаёти ва таълимоти шарқшунос Н.И. Веселовскийнинг эътиборини тортган. Олимнинг катта хизматларидан бири Хожа Аҳрорнинг Самарқанддаги мақбараси устига ўрнатилган қабртошларни ва Фаҳриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айнул-ҳаёт” асарини ўрганиб тадқиқоти якунида Хожа Аҳрорнинг Самарқанддаги ёдгорлиги (Памятник ходжи Ахрара в Самарқанде) номли асар яратди<sup>52</sup>.

Н.И. Веселовскийнинг хулосасига кўра, Убайдуллоҳ номининг Хожа Аҳрорга ўзгартирилиши Абдурахмон Жомий билан боғлиқдир. Хожа Аҳрор – эркин кишиларнинг хўжайини номи Жомий томонидан унинг Хожа Аҳрорга бағишланган “Тухфат ул-Аҳрор” асарида келтирилганлиги ҳақида маълумот беради. Н.И. Веселовский Хожа Аҳрорнинг деҳқончилик билан шуғуллангани ва йиғилган ҳосилни камбағалларга бўлиб бергани ҳақида

<sup>47</sup> Ҳасан Нодирхон. Ҳазиний Хожа Аҳрор Валий ҳақида. Ҳидоят. № 12, 2004. – Б. 14.

<sup>48</sup> Маҳдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Зарафшон, 1994. – 338 б.

<sup>49</sup> Советская историческая энциклопедия. Т. 13. М. 1971. – С. 101-102.

<sup>50</sup> Хорошхин А.П. Самарқанд. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. - СПб. 1876. – С. 231-232-240.

<sup>51</sup> Хорошхин А.П. Вакуфы в Ташкенте .Туркестанские ведомости. 1884.№ 32 – С. 342-346.

<sup>52</sup> Веселовский Н.И.Памятник ходжи Ахрара в Самарқанде.”Восточне заметки”. СПб. 1895 – С. 321-335.

ёзади. Хожа Аҳрорнинг таржимаи ҳоли ва меросини ўрганган ўлкашунос, археолог, тарихчи В.Л. Вяткин “Туркестанский ведомости” газетасида “Хожа Аҳрорнинг таржимаи ҳоли”<sup>53</sup> мақоласини эълон қилади. Унинг маърузаси ноёб “Рашаҳот, Масмуот, Силсилат ул-орифин” манбаларига асосланган эди.

В.Л. Вяткин Хожа Аҳрор таълимотининг моҳияти ҳақида фикр юритиб, Мовароуннаҳрда тасаввуф тарихи ва нақшбандия тариқатининг фаолияти ва кучайишида Хожа Убайдуллоҳнинг ўрни бўйича маълумотлар беради.

В.Л. Вяткин ўзининг таҳлилий чиқишида Хожа Аҳрорнинг таржимаи ҳоли, сиёсий фаолияти, сўфийлар устози сифатидаги ҳикматлари ва фикрларини келтиради. Шарқшунос Н.П. Остроумов Хожа Аҳрор ҳаёти ҳақида нақл-ривоятларни ҳам чуқур ўрганиб таҳлил қилди ва Қуръони Каримнинг энг кўҳна нусхаларидан бирини Самарқандга келиб қолиши Хожа Аҳрор номи билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотни айтиб ўтган. XX асрнинг бошларида Хожа Аҳрор ва унинг авлодлари билан академик В.В. Бартольд қизиқа бошлади ва рус археология жамиятининг Шарқ бўлими йиғилишида Улуғбек ва Хожа Аҳрор мавзусида маъруза билан чиқиш қилди<sup>54</sup>. Академик В.В. Бартольд Хожа Аҳрор фаолиятига кенг тўхталиб, унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва таълимотига доир бир қатор манбаларнинг илмий аҳамиятини асарларида ёритади. Булар орасида Фаҳриддин Али Воиз ал-Кошифийнинг “Рашаҳот”, Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифин” каби қимматли асарлари бор. Шунингдек, В.В. Бартольд Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи ус-саъдайн мажмаи баҳрайн”, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рошидий”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” каби асарларда Хожа Аҳрорга нисбатан айтилган фикрларида мунозарали ҳолатлар бор, деб хулоса қилади. Академик В.В. Бартольд фикрича, Туркистон сўфийлари орасида Хожа Аҳрор биринчилардан бўлиб, Эшон номига сазовор бўлган ва унга моддий

---

<sup>53</sup> Вяткин В.Л. Перевод В.Л. Вяткиным «Самария» описание Самарканда достопримечательностей мусульманских святых Рукопись. ЦГА РУз. Ф-Р 1591, опись-2, дело. – С. 24-30.

<sup>54</sup> Бартольд В.В. Улугбек и его время . Сочинения.Т. 2. Ч. 2. - Москва.: Наука, 1964. – С. 25-178.

хайриялар оқимининг кўпайиши ҳам шу билан боғлиқ эди деб таъкидлайди. Эшон ўз бойлигини халқ фаровонлиги учун ҳам сарфлаган<sup>55</sup>. В.В.Бартольд Улуғбек ва Хожа Аҳрор номли маърузасида шундай ёзади: Эшоннинг фаолиятини баҳолашда шуни унутмаслик керакки, унинг тарафдорлари маданиятга қарши шариат учун кураш, халқ оммасининг ҳар қандай камситувчиларига ва манфаатлари учун кураши эди. Эшон ҳаттоки ҳукмдорларга қарши чиқиб ҳам халқ оммасини ҳимоя қилган. Ушбу курашда халқнинг хоҳиш-истаги, шубҳасизки, Хожа Аҳрор томонида бўлган. Шўро даври тарихчиларидан профессор П. Иванов Хожа Аҳрорнинг улкан бойликлари билан қизиқди. У ёзма манбаларга, хусусан, “Рашаҳотга” таянган ҳолда Хожа Аҳрорнинг Қарши ва Самарқанд вилоятларидаги ер-сувларнинг миқдорини аниқлашга ҳаракат қилди<sup>56</sup>. Тарихчи олим, Р.Н. Набиев Хожа Аҳрорнинг мулкларини бошқариш масаласи билан махсус қизиқди ва унга бағишланган махсус илмий иш ёзди<sup>57</sup>. Тадқиқотчи XV-XVI асрларга мансуб кўлёзма манбаларга (“Рашаҳот”, “Маноқиб Хожа Аҳрор”, “Мажмуаи мурасолот”) таянган ҳолда Хожа Аҳрорнинг сиёсий фаолиятини ёритишга уринди. Н.Набиев “Маноқиб Хожа Аҳрор” деб номлаган манбани биринчилардан бўлиб илмий асосда ўрганган бўлса-да, ундан Хожа Аҳрорни қораловчи ҳикоялар териб олинганга ўхшайди. Шу боис машҳур шарқшунос академик Е.Э. Бертельс олим Р.Н. Набиевнинг Хожа Аҳрорга нисбатан билдирган ўта салбий фикрларини кескин танқид қилади. У хусусан, шундай ёзади: Р. Набиевнинг маълумотига кўра, Хожа Аҳрор кунларнинг бирида Тошкент аҳолисини асоратли бўлган солиқдан ҳалос қилиб, 300 минг динорни<sup>58</sup> давлат хазинасига тўлади ва бу ўз халқига қилинган жуда катта ижтимоий ёрдами эди, аммо ушбу даромадларнинг манбасини салбий томонини кўрсатади. Олима О.Д. Чехович Хожа Аҳрорнинг вақф мулкига

<sup>55</sup> Бартольд В.В. Улуғбек и его время . Сочинения.Т. 2. Ч. 2. - М.: Наука, 1964. – С. 167.

<sup>56</sup> Иванов И. П. Хозяйство жуйбарских шейхов. - М. :1954. – С. 14.

<sup>57</sup> Набиев Р.Н. Из историй политико-экономической жизни Мавераннахра XVв.(Заметки о ходже Ахраре). Великий Узбекский поэт. - Ташкент, 1948. – С. 25-49.

<sup>58</sup> Изб. Труд Э.Е.Бертельс. Навои И Джами. - М.: 1965. – 61 с.

тегишли хужжатларни ўрганиб, унинг ёрликлари масаласига доир<sup>59</sup>номли мақоласини эълон қилган. Олим Б. Казаков ўз тадқиқотида номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Мақомоти Хожа Аҳрор” асарининг турли нусхаларини бир-бирига қиёслаб, уларни матншунослик жиҳатидан таҳлил қилади<sup>60</sup>. Аммо кейинги йиллардаги илмий тадқиқотлар Хожа Аҳрор ҳақидаги салбий фикрларни тўлиқ рад этади. Шўролар замонида мафкуравий босимга қарамасдан айрим тарихчи олимлар манбашунослик илмига содиқ қолган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бунга атоқли шарқшунос А.Н. Болдиревнинг асарлари яққол мисол бўла олади<sup>61</sup>.

А.Н. Болдирев Хожа Аҳрор Валийнинг барча асарларини синчковлик билан ўрганиб, бу улуғ шахс ҳақида холис фикрни баён этади. А.Н. Болдиревнинг фикрига кўра Хожа Аҳрор фаолияти В.В. Бартольд томонидан нохолис баҳоланган. Бир томондан, Хожа Аҳрорнинг оддий фуқаролар, ҳукмдорлар, амалдорлар ўртасидаги сиёсий-ижтимоий нуфузи, обрўси тан олинса, иккинчи томондан шайх Хожа Аҳрор Мирзо Улуғбек давридаги илғор маданиятни барбод қилишда айбланган. А.Н. Болдиревнинг фикрича, Хожа Аҳрор ва унинг фаолиятини баҳолашда нақшбандия таълимотининг моҳиятидан келиб чиқиб, муайян хулосалар чиқариш керак бўлади. А.Н. Болдирев тарихчи олима О.Д. Чеховичнинг Хожа Аҳрорга тегишли кўплаб хужжатларни ўрганиш ва нашр этиш соҳасидаги хизматларини эътироф қилгани ҳолда, унинг қуйидаги фикрларига мутлақо қўшилмайди: Хожа Аҳрор йирик мулкдор ва тараққиётнинг асл душмани, эзувчи синф вакилларининг кўмакчиси, феодал ҳукмдорларнинг меҳнаткашларни эзиш ва уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш йўлидан қилган ҳаракатини бостиришда ҳамкорлик қилган шахс<sup>62</sup>. Аммо ушбу давр тарихий манбаларига мурожаат қилсак, бу фикрларнинг қанчалик хато эканлигини билиб оламиз; Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифийн” асаридаги Хожа Аҳрорнинг ўз

<sup>59</sup> Чехович О. Д. К вопросу о грамотах ходжи Ахрора Исторический записки АН СССР.М - Л., 1951. - С. 236-243.

<sup>60</sup> Казаков Б. Ананимной житие ходжи Ахрара. Источниковедение и текстология средневекового Блежнево и Средново. – М, 1984. – С. 103-108.

<sup>61</sup> Ахмедов Б.А. Житие мусулманских святых. – Тошкен, 1994. - 209 с.

<sup>62</sup> Болдырев А. Н. Хожа Аҳрор ҳақида. – Тошкент, 2004. – Б. 14.

сўзлари; Бизга қадар халқ, яъни одамлар оддий фуқаролар манфаати йўлида амирлар ва подшоҳларга мурожаат қилмаганлар, биз бу ишни қилишни зарур, деб ҳисоблаймиз, ҳозирги алғов-далғов даврда Аллоҳ таолонинг иродаси билан биз мусулмонларнинг ҳимоячиси бўлдик. А.Н. Болдиревнинг юқорида келтирилган фикрлари ва мазкур парча тарихий ҳақиқатни тиклашга кўмаклашади. Яъни, Хожа Аҳрор эл-юрт манфаати йўлида мутлақо янгича, такрорланмас рол ўйнаган. Профессор А.Н. Болдирев Хожа Аҳрорга нисбатан мутлақо янгича ёндашиш пайти келганлигини тарихшунослик олдидаги долзарб масалалардан бири сифатида маноқиблар ва тасаввуф намояндлари ҳақида бор ҳақиқатни объектив тарзда ва мукамал тарихий тадқиқотлар орқали айтишга даъват қилади. Хожа Аҳрор Валий шахсини тадқиқ қилиш билан чет эллик мутахассислар ҳам шуғулланиб келмоқда. Жумладан, олим Жо Эн Гросс<sup>63</sup> (АҚШ), Девин Ди Уис (АҚШ), Эртуғрул Ўқтан<sup>64</sup> (АҚШ), немис олими Юрген Паул<sup>65</sup>, Александр Кныш<sup>66</sup>, Ж.С.Тримингэм<sup>67</sup>, Роберт Мак Черзни, Алексей Хисматулин<sup>68</sup> (Россия), Ф.Акимускин (Россия), Усмон Турар (Туркия)<sup>69</sup>, Наждат Тўсун (Туркия)<sup>70</sup>, тадқиқотларида Хожа Аҳрорнинг нақшбандийлик таълимотида тутган ўрнига доир маълумотлар берганлар.

Жаҳон олимлари, тадқиқотчилари илмий, адабий, тарихий асарлари ва изланишларига эътибор қаратилса, Хожа Аҳрор Валий ҳақида ижобий фикрлар қайд этилганлигини кўриш мумкин. Жумладан афғонистонлик олим Абдулхай Ҳабибий ўзининг “Жомий тариқати” номли мақоласида

---

<sup>63</sup> The Letters of Khavaja Ubayd Allah Ahrar and his Associates Jo-Ann Gross, Asom Urunbaev. Brill. Leiden-Boston- Koln. 2002. 469 p.

<sup>64</sup> Эртуғрул Ўқтан. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Абдурахмон Жомий муносабатлари (1473-1484 йиллар). Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз мавзудидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Бухоро, 2008. – Б. 63-66.

<sup>65</sup> Юрген П. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха ад-дина-Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.Хисматуллин. - Санкт – Петербург, 2001. – С. 114-193.

<sup>66</sup> Кныш Александр. Суфизм . Ислам. Историографические очерки .Под общ. ред. С.М.Прозорова.М., 1991-228 с.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история. - М.: Наука, 1992. – С. 206.

<sup>67</sup> Тримингэм Д.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского О.Ф.Акимускина. М.2002.- 328 с.

<sup>68</sup> Қаранг;Хисматулин Алексей. Суфийская ритуальная практика (на примере братства накшбандийа). Петербург, 1996. - 298 с.

<sup>69</sup> Усмон Турар.Тасаввуф тарихи. – Тошкент.: Истиқлол, 1996. – 105 б.

<sup>70</sup> Наждат Тўсун. Хожа Абдуҳолик Гиждувоний ва издошларининг тасаввуфий қарашлари. – Бухоро.: Нақшбандия, 2008. – Б. 22-27.

Саъдиддин Кошғарий ва Хожа Аҳрор ўз асрининг улуғ рухий пешволари эдилар деса, инглиз шарқшуноси Чарльз Амброуз Стори<sup>71</sup> ўзининг “Форс адабиёти” номли машҳур асарида, уни Йирик Валий Убайдуллоҳ Аҳрор деб, эҳтиром билан тилга олади. Немис олими Юрген Паул Хожа Аҳрор Валий фаолиятининг сиёсий-иқтисодий томонларини, америкалик олим Девин Ди Уис<sup>72</sup> ўзининг “Машойихи-турк ва Хожагон: яссавийлик ва накшбандийлик анъаналари ўртасидаги боғлиқликни қайта англаш” номли мақоласида икки тариқат вакилларига муносабатларини қиёслайди. Хожа Аҳрор Валий ҳақида куйидаги фикрларни баён этади: Хожа Аҳрор Туркистондаги Яссавий тариқати анъаналари билан яқиндан таниш бўлиб ижобий муносабатда бўлган. Ушбу тадқиқотларнинг илмий аҳамияти юқори баҳоланган, аммо уларда Хожа Аҳрор Валий ижтимоий – фалсафий қарашларида, инсонни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашдаги роли, фалсафий нуқтаи назардан алоҳида ўрганилмаган. Мустақиллик йилларида Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолияти, маънавий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Дастлаб Биринчи Президент И.А Каримов томонидан “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида, 2004 йил Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллик юбилейида ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш муносабати билан сўзлаган нутқида<sup>73</sup> Хожа Аҳрор Валий номи бутун ислом оламига машҳур бўлган шайхлар қаторига киритилган. Н. Комилов<sup>74</sup>, Б. Бобожонов<sup>75</sup>, Б. Бойқобилов<sup>76</sup>, Б. Валихўжаев<sup>77</sup>, А. Жузжоний<sup>78</sup>, Э. Каримов<sup>79</sup>,

---

<sup>71</sup> Стори, Чарльз Амброуз .Персидская литература: Био-библиографический обзор : в 3 ч. / Ч. А. Стори ; пер. с англ., перераб. и доп. Ю.Э. Брегель ; отв. ред. Ю.Е. Борщевский ; Кораническая литература. Всеобщая история. История пророков и ранний ислам. - Москва, 1972. – 693 с.

<sup>72</sup> Девин Ди Уис. Машаих-и турк и Хваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998) / Составитель и ответственный редактор А.Хисматуллин. - С.Пetersбург, 2001. - 394 с.

<sup>73</sup> Каримов И.А. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи. 2009. - 2 сентябр.

<sup>74</sup> Комилов Н.Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Т: Адабиёт ва санъат, 1999.; Комилов.Н. Тасаввуф. - Тошкент: Мовароуннахр. Ўзбекистон, 2009. – 446 б.

<sup>75</sup> Бобожонов Б. Ислом, тасаввуф ва ҳукмдорларга насихат масаласи // Ислом, тарих ва маънавият. -Тошкент: Мерос, 2000. – Б.83-84.; Бабаджанов Б. Надгробная эпитафия Мухаммад Йахйа скна Хаджа Убайдаллах Ахрара. Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. - Самарканд, 2000. – С.42-47.

<sup>76</sup> Бойқобилов Барот. Хожа Аҳрор Валий абадияти. Мулоқот, 2004. - № 5.- Б. 15.

<sup>77</sup> Хожа Аҳрори Вали(хужжатли эссе). – Самарканд: Зарафшон, 1993. – 76 б.

<sup>78</sup> Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. -Тошкент: Адолат, 2001. – 192 б.

<sup>79</sup> Каримов Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XVв. // Автореф. дисс.. на

К. Каттаев<sup>80</sup>, М. Кенжабек<sup>81</sup>, Р. Тиллабоев<sup>82</sup>, И. Султон<sup>83</sup>, З. Қутибоев,<sup>84</sup> Г.Н. Наврўзова, Р.Т. Шодиевлар<sup>85</sup> тадқиқотларида Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва маънавий мероси ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори” қабул қилиниши туфайли буюк ватандошимизнинг бой илмий ва маънавий меросини кенг, холисона ўрганиш, мутасаввифнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплаш, нашр этиш ҳамда оммалаштириш учун янги имкониятлар яратилди. Бу борада олимлар А.Ўринбоев<sup>86</sup>, М.Ҳасаний<sup>87</sup> томонидан амалга оширилган илмий - тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. 2004 йилнинг 17-18 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни<sup>88</sup> мавзуида тасаввуфшунос олимлар, ёш тадқиқотчилар иштирокида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишланган Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз мавзуидаги Республика илмий-амалий анжуманига тақдим этилган тезисларда<sup>89</sup> Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси масаласига жиддий эътибор қаратилган. Тарихчи олимлар Б.

---

соискание учёной степени кандидата исторических наук. -Ташкент: 1990.; Некоторые черты хозяйственной и политической деятельности Ходжа Ахрара. Узбекистан: страницы истории. -Ташкент: 1991.– С. 5-7.

<sup>80</sup> Каттаев К. Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари. Рисола. – Самарқанд.: Имом ал-Бухорий илмий- маърифий республика маркази нашри, 2004. – Б. 12-13.

<sup>81</sup> Мирзо Кенжабек. Дунёнинг муршиди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор: “Рисолаи волидийя” назмий таржимаси қисқа шарҳи. -Тошкент: Фан, 2004. – 91 б.

<sup>82</sup> Тиллабоев.Р. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI веков-как исторический источник. (Жития шейхов тариката нақшбандийа). Дис...док. ист. наук.Тошкент, 1994.- 56 с.

<sup>83</sup> Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. - Тошкент: 1994. - 88 б.

<sup>84</sup> Қутибоев З. Хожа Аҳрор Валий. - Тошкент: Фан, 1996. – 157 б.

<sup>85</sup> Шодиев.Р.Т, Бахриева.Д. Суфизм в духовной жизни народов Мовреннахра. – Самарқанд: 2018. – 118 с

<sup>86</sup> ЎринбоевА, ХасановМ. Навоий замондошлари мактубларида. - Тошкент: Фан, 1990.- Б.14-77.; Ўринбоев Асомиддин, Каримов Ғулом. Хожа Аҳрор Валий мактублари. - Тошкент: Ҳидоят, №12. 2004. – Б. 26.

<sup>87</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. Таржимонлар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – 385 б.; Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. -Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004. – 352 б.

<sup>88</sup> Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари. – Тошкент: 2004. – 100 б.

<sup>89</sup> Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз.Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро, 2008.; Ўша жойда: Усмонхон Алимов. Улуғ авлиёлар ҳаёти – ибрат мактаби. – 6 б; Ўша жойда; Ўша жойда: Гулчехра Наврўзова. Нақшбандияда ваҳдат ул-вужуд таълимоти.-51 б; Ўша жойда: Эртуғрул Ўқтан. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Абдурахмон Жомий муносабатлари (1473-1484 йиллар). – Б. 63-66.



Ахмедов<sup>90</sup>, Т. Саидкулов<sup>91</sup>, Б. Гафуров<sup>92</sup>, Ф. Қосимов<sup>93</sup>, Г. Ҳидоятлов<sup>94</sup>лар XV аср воқеаларининг тарихий моҳиятини очиб бериш жараёнида Хожа Аҳрор Валий тўғрисидаги маълумотларни келтирганлар. Хожа Аҳрорнинг шахсияти ва таълимотига нисбатан шўролар даврида айtilган уйдирмаларни барбод қилишда, машҳур мутафаккир инсоннинг Марказий Осиё тарихида тутган ўрнини белгилашда истиқлол олимларининг хизматлари ҳам катта бўлди. Сўнгги йилларда мана шундай саъй-ҳаракатларни таниқли олим Зокир Қутибоев “Хожа Аҳрор Валий” номли рисоласини тарихий манбалар, ҳужжатлар асосида янгича талқинда ёритиб берди, шу асосда “Хожа Аҳрор Валийни XV аср Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий маънавий ҳаётида тутган ўрни ва роли” мавзуда диссертация ишини ёқлади. Олим Э.Каримов Хожа Аҳрор Валийнинг олти юз йиллигига бағишланган рисоласида, “XIV-XV асрларда Мовароуннаҳрда Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-сиёсий ўрнини” белгилашга ҳаракат қилган. Х.Раҳматова “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”<sup>95</sup> мавзусидаги диссертация ишида Хожа Аҳрор Валий ҳаёт йўли, асарлари, ижтимоий-фалсафий ахлоқий қарашларини манбалар асосида ёритган. Манбашунос олим К.Каттаев “Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини” “Тасаввуф алломалари” номли рисолаларида, Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотларни келтирган. Бугунги илм-фан, манбашунослик, тарихшунослик ривожланган давр ҳар қандай масалага янгича ёндашишни, янгича фикрлашни ва тарихни холис ёритишни талаб этмоқда. Тадқиқотчи, олимлар томонидан Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти фаолияти, жамиятдаги иқтисодий-сиёсий ўрни ўрганилган бўлиб, нақшбандия-аҳрория тариқатининг ўрта аср жамиятидаги тасаввуфий ижтимоий-фалсафий қарашлари, маънавий-ахлоқий тарбиявий аҳамияти, фалсафий нуқтаи

<sup>90</sup> Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 257-259.

<sup>91</sup> Саидкулов Т. Очерки историографии истории народов Средней Азии. -Т.:Ўқитувчи, 1992. – С. 85-89.

<sup>92</sup> Гафуров Б. Таджики (прошлое и настоящее). - М.: Наука, 1972. – С. 493-494.

<sup>93</sup> Қосимов Ф. Темурийлар даврида Бухоро. – Бухоро.: Бухоро нашриёти, 1996. – Б. 59.

<sup>94</sup> Ҳидоятлов Г. Менинг жонажон тарихим. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 181-189.

<sup>95</sup> Раҳматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. – Тошкент: Адиб, 2014. – 120. б

назардан қисман ўрганилган. Машҳур шарқшунос олим Ҳ.Вамбери “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” асарида XIX асрда ҳали ҳам Хожа Аҳрорнинг шуҳрати унга нисбатан халқ эҳтиромининг гувоҳи бўлганман, деб ўз таассуротларини ёзиб қолдиради<sup>96</sup>. Ушбу таълимот ҳар томонлама халқчил бўлган, орадан етти аср ўтсада халқ орасида ўзининг руҳий, маънавий, ахлоқий, тарбиявий ўрнини йўқотмаган.

## **I.2. Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандийлик таълимоти ривожланишидаги ўрни**

Ўз даврига нисбатан илғор оқим бўлган нақшбандия таълимоти мусулмон ренессансининг фаол ривожидаврида Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Баҳоуддин Нақшбанднинг пири, уни увайсийлик йўли орқали тарбиялаган Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний ҳисобланади. Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг пиру муршиди Юсуф Ҳамадонийдир. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбандийлар даврида Хожагон-нақшбандия тариқати ғоялари Бухоро ва унинг атрофларида, Алоуддин Аттор ва Муҳаммад Порсолар давридан бошлаб Самарқанд, Тошкент ва Кошғаргача, Термиздан Балх, Ҳисор ва Ҳиротгача тарқалиб борди. Хожагон-Нақшбандия тариқати кейинчалик икки бўлинди; биринчи йўналиш Хожа Алоуддин Аттор орқали Хожа Яъқуб Чархийга, ундан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валийга бориб тақалса, иккинчи йўналиш Хожа Муҳаммад Порсо, ўғли Абу Наср Порсога ундан Низомиддин Хомушга, ундан Шайх Саъдиддин Кошғарийга етиб, кейинги даврларда аҳрория, хилватия, мужаддидия каби бир қанча тармоқларга бўлиниб кетди. Нақшбандия таълимоти аҳли сунна эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, “хуфий” (осойишта ҳолатдаги – жим) зикрга асосланган. Бу тариқат зоҳиран кўзга ташланадиган ҳатти ҳаракатлардан йироқ бўлиб, суҳбатга кучли эътибор берган. Тариқатнинг тўрт тамал асоси бўлиб, булар: Шариат билан зоҳирни (ташқи дунё) поклаш; Тариқат билан

---

<sup>96</sup>Валихўжаев.Б. Хожа Аҳрори Валий. - Тошкент, 1993. – Б. 23.

ботинни (ички дунё) поклаш; Маърифат билан Аллоҳнинг ўзига эришмоқ, Ҳақиқат билан Аллоҳ дўстлигига яқинлашмоқ. Бундан ташқари, тариқатнинг Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ишлаб чиққан ва Хожа Баҳоуддин амалиётга татбиқ этган асосий тамойиллари қуйидагилар:

- Ҳуш - дар дам, ғафлатга тушмаслик, ҳар лаҳза Аллоҳни ёдда тутиш.
- Назар бар қадам - инсон қалби, назари нопок нарсаларни кўрмаслиги.
- Сафар дар ватан - тариқат аҳли ёмон ахлоқдан яхши хулққа

вужудини тарбиялаши, яъни бир пири комил устоз топгунига ватанида саёҳат қилиши. Бу тамойил иродани чиниқтиради, комиллик йўли даражаларини босиб ўтишни билдиради.

- Хилват дар анжуман - зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш демакдир, яъни жамият ҳаётига халққа аралашиб, қалбининг доимо Аллоҳда бўлишдир.

Нақшбандияда бу зикрни бажаришнинг махсус қоидалари бор :

- Бозгашт: зикр қилиб бўлгач, Аллоҳим мақсадим сенсан, талабим-истагим сенинг розилигингдир, деган маънони қалбга нақш этишдир.

- Ёддошт: ҳар лаҳза Ҳақдан хабардор бўлиш демакдир.

- Нигоҳдошт: қалбдаги фикр ва хотиралар маъносини ўйлаб, дунё ҳавасини киритмаслик. Шу ҳолатни сақлай олган кишининг қалби тиниқлашиб, ижобий хислатлар шаклланади.

- Вуқуфи замон: солиқ ҳар лаҳза ўз ҳолидан хабардор бўлиши, вақтидан унумли фойдаланиши, шукр, тавба этиши, шунга кўра ҳатти ҳаракат қилиши демакдир.

- Вуқуфи ададий: зикрнинг саноғига риоя қилмоқ деганидир, шахс ўзини вақт билан ҳам назорат қилмоғи лозим. Бу унинг ҳаётининг тартиб-интизомли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

- Вуқуфи қалбий: қалбнинг Оллоҳдан хабардор бўлишидир. Бу даражада кўнгил Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайди. Вуқуфи ададий айни вақтда зикрнинг энг юқори поғонаси демакдир<sup>97</sup>.

---

<sup>97</sup> Раҳимов К. Ҳожагон Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2020. - Б. 43- 46.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари, жумладан Хожа Аҳрори Валий ислом шариати – Қуръони карим ва Расулulloҳ суннатига катъий риоя қилган ҳолда Ҳанафия фикҳи ва Мотуридия калом мактаби асосида тасаввуф таълимоти аскетизм(таркидунёчилик)дан жамиятнинг ижтимоий ҳаётига, инсон моҳияти ва ботиний оламига олиб кирдилар.

Нақшбандия таълимоти Кубравия ва Яссавиядан фарқи Нақшбандия асл моҳиятига кўра, тасаввуфдаги аскетизм, яъни таркидунёчиликдан воз кечиб одамларни меҳнатга чорлагани билан фарқ қилади, тариқатни мўтадиллаштиради, ижтимоийлаштиради. Яссавия таълимотида “мулк” комил инсонни тарбиялашда ҳалақит қилади, инсонни Худога етишишда тўсқинлик қилади, шунинг учун дунё нематларидан воз кечиш ғоясини илгари сурган. Яссавия таълимотида жамоа мулки илгари сурилган бўлиб, шу мулкдан жамоа қўллаб-қувватланган. Яссавия аҳли таркидунёчиликда яшаб, жамиятдан узиб қўйилган. Табиийки таркидунё қилган шайхнинг эътиқоди юқори чўққисига етади, шуҳрат топади ва ўз суҳбатини мадраса ва мактаб сабоғидан устун кўрган. Яссавияда Пир билан суҳбат Худони англашдаги энг муҳим шарт ҳисобланган. Нақшбандия таълимотида инсон меҳнат билан улуғланади ва хусусий мулк ғояси илгари сурилади. Нақшбандия таълимотида инсоннинг асосий маънавий қиёфасини ҳалол меҳнат ва ҳалол луқма ташкил қилади. Нақшбандийлар дабдабали иллатларга тўла ҳаётдан (худбинлик, хасислик, ғаразгўйлик, макр, риё, димоғдорлик, маккорлик, жоҳиллик) воз кечган, аммо ҳаёт учун етарли ҳалол меҳнат билан топилган ризқни қадрлаган. Ҳалолик, ахлоқий поклик, меҳнат қилиш бугунги жамиятимизнинг ҳам асосий ғояси бўлиши шарт. Нақшбандия таълимотида фақирлик (камтарлик, сидқ, қаноат) ғояси илгари сурилган. Фақирлик камбағаллик эмас, инсоннинг маънавий қиёфасидаги камтарлик ғоясини илгари сурган. Демак, Нақшбандия таълимотида инсоннинг кундалик фаолияти унинг ботиний ва зоҳирий олами билан диалектик алоқадор. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Қуръон ва сунна асосида тасаввуф қоидалари ва маросимларини маҳаллийлаштириб асосан арабча бўлган тасаввуф қоиди ва

тушунчаларни маҳаллий халқ учун тушунарли ишлаб чиқди. Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳр халқларининг чинакам маънавий мураббийси даражасига кўтарилди. Ундаги “асосий талаб – қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси билан курашиб руҳда чароғонлик топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикри хафий (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. “Ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш”, ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш Нақшбандиянинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган”<sup>98</sup>. Нақшбандийлик таълимоти XIV асрдан бошлаб Марказий Осиё халқлари маданияти, санъати, меъморчилиги ва адабиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Умуман сўфийлик бутун диний ва дунёвий форс, арабий, туркий шеъриятга Жалолиддин Румий, Санойй, Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ҳофиз, Жомий, Ансорий, Низомий, Алишер Навоийлар орқали сингиб кетган<sup>99</sup>. Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган, Нақшбандия таълимотининг энг йирик вакили, тарғиботчиси, Хожа Аҳрори Валий бўлиб, Ҳазрати Эшон номи билан машҳур бўлган. Буюк мутасаввифнинг тўлик исми-шарифи Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Махмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший Боғистоний Самарқандийдир. Яъни, у зотнинг ўз исми Убайдуллоҳ отасининг исми Махмуд, боболарининг исми Шаҳобиддин бўлиб, нисбатлари Шошнинг Боғистон қишлоғида туғилиб, Самарқандда яшаганлиги учун Шоший Боғистоний Самарқандий деб юритилади. Носириддин Убайдуллоҳ бинни Махмуд аш-Шоший (1404-1490 йй) йилда Шош воҳаси (ҳозирги Тошкентнинг Бўстонлик тумани)нинг Боғистон қишлоғида таваллуд топган. Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида Хожа Аҳрор Валийнинг туғилган вақти 1403 йил деб кўрсатилган<sup>100</sup>. Мазкур асарда Хожа Аҳрор Валий туғилиб ўсган жой Тошкент шаҳри, Абу

<sup>98</sup> Комилов Н. Нақшбандия. / ЎзМЭ, 6. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 294 б.

<sup>99</sup> Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф 1 - китоб. - Тошкент.: Ёзувчи, 1999. – 270 б.

<sup>100</sup> Абу Тоҳирхожа. Самария. - Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 76.

Бакр Қаффол мазорининг яқинида бўлиб, ота-бобосининг ёзлик экинзорлари Тошкент тоғларининг этагида бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида Хожа Аҳрор Валийнинг туғилган жойи ва ота-онаси ҳақида қуйидаги маълумотни беради: Аларнинг мавлиди Тошканддур ва оталари дарвеш киши эрмиш ва она тарафидан ҳамоноки, Шайхи Таҳурки, ул вилоятда мутааййин шайх эрмиш, анга етарлар ва ўзларида бу иш чошниси туфулият айёмидир бор эрмиш<sup>101</sup>. Академик Ботурхон Валихўжаев Муҳаммад Қозининг “Силсилат ул-орифийн” асарига таянган ҳолда, Хожа Аҳрор Валий хонадони вакиллари ҳақида аниқ маълумотларни келтирадилар. Хожа Аҳрор Валий “она томонидан шайх Хованди Таҳур ва унинг отаси шайх Умар Боғистоний авлодидан бўлса, ота томонидан эса Муҳаммад Номий Бағдодий авлодидан ҳисобланади”. Хожа Номий асли бағдодлик бўлиб, шошлик аллома Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффоли Шошийнинг муриди булган ва ҳазратнинг хизматига ўзини бахшида этиб, Шош - Тошкентга келиб шу жойда турғун яшаб қолади. Хожа Аҳрор Валийнинг оналари эса машҳур Шайх Хованд Таҳурнинг ўғиллари Шайх Довуднинг қизидир”<sup>102</sup>. “Рашаҳот”да зикр этилишича, “Хожа Аҳрор Валийнинг шажараси ота томонидан Абу Бакр Сиддиққа, она тарафдан Умар ибн Хаттобга бориб туташади. Унинг она томонидан айрим авлодлари саййидлар”<sup>103</sup>. Тадқиқотимиз давомида нима учун Пиру муршид Хожа Убайдуллоҳ Хожа Аҳрор Валий номи билан улуғланишига тўхталиб ўтамиз. Хўжа ёки Хожа (форс тилида устоз, ҳурматли ) тасаввуфда тариқат шайхларига улуғ пирларга берилган унвон. Биринчи бўлиб бу унвонни Юсуф Ҳамадоний, Хожа Муҳаммад Саммосий, Хожа Боҳоуддин Нақшбандлар эга бўлишган<sup>104</sup>. Аҳрор - арабча сўздан олинган бўлиб, ҳур, озод демакдир<sup>105</sup>.

<sup>101</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. 20 - жилдлик. 17-жилд. Нашрга тайерловчилар. С. Ганиева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайерловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. – Тошкент.- Фан, 2001. – Б. 279-280.

<sup>102</sup> Валихўжаев. Б. Хожа Аҳрорий Валий. - Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 32.

<sup>103</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ . - Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 223.

<sup>104</sup> Ислоҳ Энциклопедия. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 539

<sup>105</sup> Бобохонов Ш, Мансур А. Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фикристи. – Т: Мовароуннаҳр, 1993. –

Тасаввуфда уч хил озодликдан халос топган кишига ҳур деб ном берилади. Биринчиси, ҳайвоний ва шахвоний ҳис-туйғуларни енгиб, уларнинг асирлигидан қутулиш, иккинчиси, ўзининг барча хоҳиш ва иродасидан воз кечиб, фақат Оллоҳнинг иродасига таслим бўлишлик, учинчиси, анъана ва машғулликлардан дилни пок тутиш<sup>106</sup>. Хожа Аҳрор Валий шундай сифатларга эга бўлганликлари учун ҳам бу номга мушарраф бўлганлар. Валий<sup>107</sup> - арабча “яқин” яъни Худога яқин бўлиб, тасаввуфда Оллоҳнинг зоти ва сифатларини имконияти борича яхши билган, унинг амалларини бажариб, гуноҳ ишлардан ўзини сақловчи мўмин-мусулмон одамга айтилади<sup>108</sup>. Абдулҳай ибн Абул Ҳусайний Хожа Аҳрор Валийга қуйидагича таъриф берган: “Авлиёлар султони, ҳақиқатнинг мушкулотларини очувчи, дақиқ ўринларнинг мужмал жойларини ечувчи, муборак сўзлари машриғидан ботиний ва зоҳирий камолотнинг жилолари нурланувчи, афьоллари тулуғидан дунё ва охираат нурлари равшан бўлувчи, муршидлар таянчи, орифлар муқтадоси (пешвоси), раҳмоний нурлар мазҳари, субҳоний сирлар мажмуъи, Оллоҳнинг раҳмат денгизига ғарқ бўлган зот Ҳазрати Хожа Носириддин Убайдуллоҳ”<sup>109</sup>. Хожа Аҳрор Валий сиддиқ инсон эдилар. Сиддиқ (араб-чин дилдан тасдиқ этиб ишонувчи) тасаввуфда пайғамбарликдан кейин турадиган энг юқори Валийлик мартабаси. Бу мартаба биринчи бўлиб, халифа Абу Бакрга берилган. Абу Бакрга ислом динини ривожлантириши билан бирга, унинг шахс сифатида юксак ахлоқий покликка эга эканлиги, саҳийлик ва одамохунлик каби хислатлари эвазига берилган. Сиддиқ мартабаси Абу Бастомийга қадар сиддиқия, Бастомийдан Абдулҳолиқ Гиждувонийга қадар тайфурия, Гиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар хожагон, Нақшбанддан Хожа Аҳрорга қадар нақшбандия, Хожа Аҳрордан Имом Раббонийга қадар нақшбандия - аҳрория, Имом

---

Б. 109.

<sup>106</sup> Ислом. Энциклопедия. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 539.

<sup>107</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил – ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар, муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. - Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 352.

<sup>108</sup> Ислом. Энциклопедия. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 36.

<sup>109</sup> Абдулҳай ибни Абдулфатҳ. Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Нашрга тайёрловчилар: Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. – Тошкент.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 4.

Раббонийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар нақшбандияйи - мужаддия, Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холиди Бағдодийга қадар нақшбандияйи - мазҳарийя, Холиди Бағдодийдан кейин эса, нақшбандия - холидия дея тилга олинган<sup>110</sup>. Нақшбандийлик таълимоти Хожа Аҳроп Валийдан Имом Раббонийга қадар нақшбандияйи-аҳрория дея тилга олинган. Хожа Аҳроп Валий ёшлигида онасидан етим қолади. Ёш Убайдуллоҳнинг болалик ва ўсмирлик даври асосан Тошкентда ўтган, бошланғич билимни Тошкент мадрасаларида олган. Манбаларда келтирилишича, Хожа Аҳроп Валий жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом, суҳбати мазмунли, камгап, бошлаган ишини охирига етказадиган, сабрли иродали бўлган. Одамлар билан сўзлашиш унга малол келарди, чунки улар ўз фикрини жамлаш ва мушоҳада қилишига халақит берардилар. Бу даврда Хожа Аҳроп мулоқот қиладиган кишилар давраси тор бўлиб, у асосан дарвеш ва қаландарлар билан бажонидил суҳбатлашишни маъқул кўрарди<sup>111</sup>. Хожа Аҳроп Валий Тошкентда Абу Бакр Қафғол Шоший, шайх Зайниддин ҳазратлари, Шайх Хованд Тахурларнинг қабрларини зиёрат қилар, уларнинг илмий фаолияти, тасаввуф ва тариқат йўлларини яқиндан, чуқур ўрганар эди. Хожа Аҳроп Валийнинг аждодлари ўқимишли, маърифатпарвар кишилар бўлишган. Улардан бири Хожа Аҳроп Валийнинг тоғаси Хожа Иброҳимдир. Хожа Иброҳим жияни Хожа Аҳропни тахминан 24 ёшларида, 1427 йилларда Самарқандга Қутбиддин Садр мадрасасига олиб боради. Бу ҳақда маълумотлар “Рашаҳотда” Хожа Аҳроп Валий тилидан келтирилади; “Тоғам ўқишимни давом эттиришимни жуда ҳам истар эдилар. Шу мақсадда мени Шошдан Самарқандга олиб келдилар”. Бу йилларда Самарқандда Мирзо Улуғбек подшоҳлиги даври бўлиб, илм-фанга эътибор жуда кучайган, Самарқанд эса илмий марказлардан бири эди. Хожа Аҳроп Валийда зоҳирий илмлар таҳсилга нисбатан ботиний илмга бўлган қизиқиши кучли бўлган. Тоғаси уни бу машғулотдан қайтаришга уринган, аммо ҳар гал зоҳирий

<sup>110</sup> Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. - Тошкент: Истиклол. 1999. – 108 б.

<sup>111</sup> В.Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара. – Тошкент, - 692 с.



илмга юзланганда Хожа Аҳрор Валийда бир беморлик юз кўрсатаверган<sup>112</sup>. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий ўқишни мадраса дастури асосида эмас, балки мустақил тарзда давом эттирган. Ўша замоннинг машҳур алломалари Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Амир Саййид Қосим Анвор, Қозизода Румий, Саккокий, Бисотий, Саъдиддин Қошғарий каби етук шоиру мутафаккир ва алломалар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият юритаётган эдилар. Бу алломалар Самарқандда мавжуд мадрасаларда дарс берар, толиби илмлар билан доимий мулоқотда эдилар. Хожа Убайдуллоҳ Самарқандда тасаввуфга оид илк таҳсилни нақшбандия тариқатининг вакили шайх мавлоно Саъдиддин Қошғарийдан (Хиротлик) олади. Хожа Аҳрор Валий Самарқандда яшаган вақтда бетоб бўлиб ётиб қолди ва касаллик узоқ давом этади. Шунинг учун Хожа Аҳрор Валий жисмонан заифлашиб, мадрасада ўқишини давом эттира олмайди. Унинг тоғаси Хожа Иброҳим ижозатидан сўнг мадрасадаги ўқишини ташлайди. Бу ҳақда Хожа Аҳрор Валийнинг ўзидан шундай ривоят қилинган; “Бизнинг мадрасадан олган таълимимиз Масобих (Мишкат ул-масобих) китобининг бир варағини ўқишдан нарига ўтган эмас<sup>113</sup>. Шунинг учун бўлса керак, муҳолифлари унинг мадрасани тугатмаганини киноя қилишиб, ортидан *қишлоқи шайх* деб аташар эди. Хожа Аҳрор Валийнинг мадрасадаги илмий фаолияти тугаган бўлсада, Самарқанддаги етук алломалар ҳисобланган Хожа Низомиддин Хомуш, Саъдиддин Қошғарийларнинг суҳбатида иштирок этар ва Қуръони карим, ҳадис, фикҳ, фалсафа ва тасаввуф илмларидан ўз билим доирасини кенгайтириб борар эди. Хожа Аҳрор Валийда илм ўрганишга чанқоқлик, мукаммал билим олишга муштоқлик фазилати жуда ибратли бўлиб, ҳамиша устозлар ҳузурида шу чанқоқлик ҳиссини туйган. Шу сабабли бўлса керак Саййид Қосим Анвор (хиротлик) ўз дўстлари билан бўлган суҳбатларда ёш Хожа Аҳрор Валийни олқишлаб, унинг номига ижобий фикрлар билдирган. Бу ҳақда мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий шундай ҳикоя қилади: “Бир куни Хожа Аҳрор

---

<sup>112</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашахоту айнил – ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар; Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – 478 б.

<sup>113</sup> Ботирхон Валихўжаев. Хожа Аҳрор Валий. – Самарқанд.: Зарафшон, 1993. – Б. 50.

кетганидан сўнг Саййид Қосим Анвор менга мурожаат қилиб, шундай дедилар: агар сен саодатга эришмоқни истасанг, бу туркистонлик йигит (Хожа Аҳрор) этагини маҳкам тутгил. Чунки, ундан кўпгина хайрли ишлар содир бўлғусидир. Тез орада жаҳон унинг валийлик нури билан ёришади, ўлган кўнгилларни ўзининг суҳбатлари шарофати ила тирилтиргувчидир”<sup>114</sup>.

Хожа Аҳрор Валий Самарқанддаги уламолар суҳбатидан етарли илмни таҳсил олганидан сўнг Ҳиротга йул олади. У Ҳирот сафарида Бухорода ҳам қисқа муддат бўлиб, у ерда шайх Сирожиддин, Мавлоно Ҳасомиддин ва Алоуддин Ғиждувонийларнинг суҳбатидан тасаввуф илмига доир билимлар олди. Хожа Алоуддин Ғиждувоний Хожа Аҳрор Валийда жуда кўп фазилатлар мужассамлигини эътироф этиб, унга “етук шахс” деб баҳо берган. Ҳирот сафари чоғида у Баҳовуддин Нақшбанднинг шогирди хоразмлик буюк мутасаввуф Хожа Мусофир билан учрашади. Ундан Нақшбандий тариқатига доир тарихий маълумотларни ҳамда ул зотга оид билимларни ўрганади. У Ҳиротда Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий ҳамда Саййид Қосим Анвор ва Саъдиддин Қошғарийлар суҳбатида бўлиб, улардан шарият ва тасаввуфга доир илмлардан таҳсил олади. Хожа Аҳрор Валий Шайх Баҳоуддин Умардан “ваҳдат ул вужуд” таълимотига доир масалаларни ўрганган<sup>115</sup>. Тариқат сирларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1433 йил Чағониён (ҳозирги Сурхондарё ва қисман Қашқадарё вилоятлари чегарасида жойлашган)га, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси Мавлоно Яъқуб Чархий<sup>116</sup> (ваф. 1447 й.) қошига келган ва ундан нақшбандия тариқати асосларини ўрганган. Хожа Аҳрор Валийнинг Мавлоно Яъқуб Чархий билан мулоқоти ҳақидаги маълумотлар бир неча манбаларда қайд этилган. Шулардан бири Мир Абдул Аввал Нишопурийнинг “Масъмуот” (Эшитилган нарсалар)<sup>117</sup> асарида ёзилишича, Яъқуб Чархий Хожа Аҳрор Валийни катта илтифотлар билан кутиб олади. Хожа Аҳрор Валий Яъқуб Чархийни пир,

<sup>114</sup> Ботирхон Валихўжаев. Хожа Аҳрор Валий. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 57-58.

<sup>115</sup> Наврўзова. Г.Н., Рахматова. Х.Х. Хожа Аҳрор Валийнинг билишга доир қарашлари. “Фалсафа ва тасаввуф” илмий-назарий анжуман материаллари. - Бухоро, 2008. – Б. 112-115.

<sup>116</sup> Яъқуб Чархий “Рисолаи кудсийя”, “Рисолаи абдолийя”, “Шарҳи асмоуллоҳ”, “Рисолаи унсийя”, “Тафсири Чархий”, “Китоб ул-фароиз”, “Рисола дар манокиб ва ақойид” каби асарлар муаллифиди.

<sup>117</sup> Мир Абдул Аввал Нишопурий Хожа Аҳрорнинг дўсти, куёви ва сирдоши бўлган.

муршид сифатида тан олади, унга мурид бўлади. Яъқуб Чархий ҳузурига келган Хожа Аҳрор Валий тариқат ва шарият илмини мукаммал эгаллайди. Яъқуб Чархий ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ўртасидаги устоз ва шогирдлик уч йил давом этади ва ниҳоят унинг тиришқоқлиги ва илмга интилишини кўрган Яъқуб Чархий Хожага Ҳаққа етишиш йўлидан борувчи муридларга мустақил таълим берадиган *иршод* (Оллоҳга тўғри йўл) ҳуқуқини берувчи шогирдлик ҳуқуқини берди. Хожа Аҳрор Валийнинг айтишларига кўра, Мавлоно Яъқуб Чархий у кишининг қўлларини олганида, шундай деган эканлар: “Ҳазрати Хожа Баҳоуддин манинг қўлимни тутиб ойтдиларким, санинг қўлинг бизнинг қўлимиз турур, ҳар ким санинг қўлингни олди бизнинг қўлимизни олди. Агар бизнинг қўлимизни олсангиз, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин қўлларини олурсиз”. Демак, Хожа Аҳрор Валий Яъқуб Чархий воситасида Баҳоуддин Нақшбанд қўлларини олганлар. Мавлоно Яъқуб Чархий Хожа Аҳрор Валий ҳақида шундай фикр билдирган эканлар: “Толибеким, азизенинг суҳбатиға келур, мисли Хожа Убайдуллоҳдек бўлуб келмак керакким, чироғ ва фатила ва ёғ ҳаммасин муҳайё ва омода этиб турур, эмди бир гугурд тутмоқ керак эрди”<sup>118</sup> яъни барча тасаввуф илмлари мужассамлашган, деган фикрларни билдирган. Хожа Аҳрор Валий Яъқуб Чархийнинг “Рисолаи унсия” асарини мутолаа қилади ва унда хожагон тариқатини батамом баён этганликлари ҳақида айтади<sup>119</sup>. Ушбу воқеаларни Алишер Навоий ҳам ўз асарида қайд этган. Хожа Аҳрор Валийнинг “Иродат кўли Мавлоно Яъқуб тарбият услубли мукаммал ва комил пок доманларида эди”<sup>120</sup>. Бу ҳақда “Насойим ул-муҳаббат”да “Хожа Убайдуллоҳ йигит бўлгондин сўнграким, Хуросон машойихидин Ҳазрати Мир Саййид Қосим Анвор хизматларига етишибдурлар ва Шайх Баҳоуддин Умар мулозаматларига мушарраф бўлиб турлар ва Шайх Зайниддин Хавофийнинг суҳбатлариға етишибдурлар ва Мавлоно Муҳаммад Асъад ва Мавлоно

<sup>118</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаоту айнил-ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 315.

<sup>119</sup> Раззоқова Мавжуда. Мавлоно Яъқуб Чархий - Хожа Аҳрорнинг пири. Имом ал Бухорий сабоклари. 2004. – № 2. – Б. 110-111.

<sup>120</sup> Шарафуддин Роқимии Тарихи том. Форсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изоҳлар муалл Х. Бобобекков, Н Норқулов – Т.: Маънавият, 1998. – 45 б.

Саъдиддин Кошғарий бирла суҳбат тутубтурлар ва Мовароуннаҳр машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозаматлариға етибтурлар ва Хожа Абу Наср суҳбастиға етибтурлар ва Мавлоно Низомиддин Хомуш бирла суҳбат кўрубтурлар. Мавлоно Яъкуби Чархийдин иршодлар ва тарбиялар топибтурлар”<sup>121</sup> дея зикр этилган. Яъкуб Чархий Хожа Аҳрор Валийнинг иқтидорини юксак баҳолаб, уни “Хожа Убайдуллоҳ илохий сирлар донишманди, тариқат йўловчиси, ҳеч шубҳасиз, валийлик осмонининг қутби, ҳақиқатга интилувчиларнинг пушти паноҳидир”<sup>122</sup>, - деб таърифлаган. Бу вақтда Ҳиротда темурийзода Шоҳруҳ Мирзо султонлик қилар эди. Хожа Аҳрор Валий Ҳиротдаги беш йиллик илм йўлидаги сафаридан сўнг, тасаввуфдаги пиру устози Мавлоно Яъкуб Чархийнинг рухсати билан она шаҳри Тошкентга қайтиб, деҳқончилик билан шуғулланади ва 1450 йилгача кишлоқда бўлади. Бунинг сабаби узоқ-яқиндан Хожа Аҳрор Валий ҳузурига илм истаб келган муридларнинг хотири тирикчилик ташвиши билан беҳад паришон бўлмаслиги, уларнинг озиқ-овқат, кундалик эҳтиёжларни қондиришлари учун касб билан ҳам шуғулланишлари тақозо этилганида эди. Хожа Аҳрор Валий қайси ишга қўл урмасин, бош бўлмасин, ишлари бароридан келиб, ҳосиллар баракали, савдолар фойдали бўлган. Хожа Аҳрор Валийнинг иш кўзини билиши, уддабуронлиги, тадбиркорлиги, ҳожатбарорлиги Мовароуннаҳр ва Хуросонда таҳсинга сазовор бўлган, обрў-эътибори кундан-кунга ошиб, “валийлик” салоҳияти тилларда дoston бўлган. Бунинг замирида эса ҳалоллик ва тўғрилиқ ётган. У Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг илм-маърифат ва маънавият тараққий этган шаҳарларидаги пиру устозлардан шарият ва тасаввуф илмини мукаммал эгаллаб бўлган эди. Хожа Тошкентда замондошлари нақшбандия таълимотининг йирик намояндалари бўлган Мавлоно Низомиддин Хомуш ва Мавлоно Исмоиллар билан доим мунозарали суҳбатлар уюштирган. Хожа Аҳрор Валий Тошкентда бўлган вақтда обрўси муттасил ошиб бораверади ва табиийки унга

<sup>121</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мнн шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд /Нашрга тайерловчилар. С.Ғаниева, М.Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайерловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. - Т: - Фан, 2001. – Б. 139-140.

<sup>122</sup> Исоқова Замира. Хожа Аҳрор Валий. –Т: Ўзбекистон, 2016. – Б. 16-17.

муҳолифлар ҳам пайдо бўлади. Бундай муҳолифотга барҳам бериш мақсадида у Тошкентдан Фурқатга ( Шош атрофи қадимий шаҳарча) кўчиб ўтади. Ўша йилларда темурийлар ўртасидаги зиддиятлар Мирзо Улуғбек ва Абдуллатифларнинг ўлдирилишига олиб келди. Самарқанд тахтини Мирзо Улуғбекнинг куёви Абдуллоҳ Мирзо эгаллайди. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий Самарқандга келиб, Абдуллоҳ Мирзо билан учрашмоқчи бўлади. Аммо Абдуллоҳ Мирзо уни ҳузурига киритмайди. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий Тошкентга қайтиб кетади. Орадан бир муддат ўтиб Хожа Аҳрор Валий Тошкент ҳукмдори Султон Абу Саид Мирзо эътиборига тушади. Султон Абу Саид Хожа Аҳрор Валийнинг ноёб қобилият соҳиби, Аллоҳнинг назари тушган авлиё, валий эканлигини пайқаб, уни ўзига пирумуршид (устоз) сифатида қабул қилади ва ҳожанинг маслаҳатлари орқали ҳокимиятни бошқаради. Абу Саид Эшонга шариат қоидаларига бўйсунуш, оммага ёрдам кўрсатишга ваъда берган. “Рашаҳот” муаллифининг ёзишича, Хожа Аҳрор учрашув сўнгида ҳукмдорга қуйидаги сўзларни айтган: “Шариат паноҳида боринг, хоҳишу истакларингиз амалга ошади”<sup>123</sup>. 1451-1452 йилларда Абу Саид Мирзо Хожа Аҳрор Валийнинг кўрсатмасига биноан Самарқандга юриш қилиб, уни ўз тасарруфига киритади. Бу юришда Хожа Аҳрор Валий ҳам Абу Саид Мирзога руҳий ҳомий – раҳнамо сифатида иштирок этади. Хожа Аҳрор Валийнинг кароматлари сабабли Абу Саиднинг кам сонли кўшини Абдуллоҳ Мирзонинг кўп сонли кўшини устидан ғалаба қозонади. Султон Абу Саид шайхнинг каромати сабабли, унга бўлган ихлоси янада кучаяди, ҳатто ҳокимиятни бошқаришда ҳазратнинг фикрларига суянар ва салтанат ишларини унинг розилигисиз амалга оширмас эди. Хожа Аҳрор Валий Самарқандда тасаввуф қоидалари ва шартларини тўла-тўқис қабул қилиб, аста-секинлик билан баҳсу мунозараларда ўзини теран тафаккур, ўткир ақл эгаси эканлигини, шариат ва тариқат илмида бошқалардан устунлигини намоён қила бошлайди. Унинг обрўси Ислом уламолари орасида, нафақат Мовароуннаҳрда, ҳатто Хуросону Ироқда ҳам сезиларли

---

<sup>123</sup> Рашаҳот. Лакҳнав-Ҳиндистон нашри, 1910. - Б. 289-290.

нуфузга эга бўла бошлайди. Хожа Аҳрор Валийга мутлақ боғланиб қолган Абу Саид Мирзо уни 1452 йилда Самарқандга бутунлай кўчиртириб олиб келади. Шундан сўнг Хожа Аҳрор Валий умрининг охиригача Самарқандда муқим яшайди<sup>124</sup>. Хожа Аҳрор Валий Самарқандда ҳукмдор маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Шу туфайли бу ерда Хожа Аҳрорнинг обрў ва мартабаси тез фурсатда жуда ортиб кетди ва у ўзининг “олий мақом илоҳий сирларнинг орифи ва мазҳари”, “давлат ва дин шарафи” каби юксак унвонларга лойиқлигини кўрсатди. Хожа Аҳрори Валийга, Оллоҳ томонидан подшоҳлар кўнглини сайд этиш каромати, қудрати ҳада этилган. Хожа Аҳрор Валий давлат арбоби сифатида кўплаб эзгу ишларни амалга оширди, ўзаро ички урушларни тинч йўл билан ҳал этиш, урушларни тўхтатиш, адолат тантана қилиши учун бор кучини аямай, эзгу ғояларни амалиётга татбиқ этишга эришди: “сўфий ўзини халос этмайди, балки у дунёни ҳам қутқаради, дунёни қутқариш учун сўфий унинг устидан ҳукмронлик қилиши лозим бўлади, дунёнинг устидан ҳукмронлик қилиш учун у билан фаол муносабатда бўлиши керак”<sup>125</sup>. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ибн Хожа Маҳмуд 1490 йил 21 февраль 89 ёшида Самарқанд яқинидаги Камангарон қишлоғида вафот этади. Хожа Аҳрор Валийнинг муборак жасадлари у ердан Кафшгар маҳалласидаги қабристонга дафн этилади. Кейинчалик бу маҳалла Хожа Аҳрор маҳалласи, деб юритилади. Бу қабристонга авлиёнинг яқинлари ва кўплаб уламолар ҳамда султонлар дафн этилган. Бу мазор шаҳар ташқарисида, ундан икки чақирим узоқда жойлашганлиги ҳақида Абу Тоҳирхожа Самарқандий ёзади<sup>126</sup>. 1630 йили Бухоро девонхонасининг бошлиғи Нодир Девонбеги меъмор Дўст Муҳаммадга Хожа Аҳрор Валийга бўлган буюк эътиқод рамзи сифатида шайх мазори ёнида мадраса қуришни буюради. Абу Тоҳирхожанинг ёзишича, Ҳожанинг қабрига юзланган кишига

---

<sup>124</sup> Буюк юрт алломалари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 344.

<sup>125</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Таржимонлар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 143.

<sup>126</sup> Абу Тоҳирхожа Самарқандий. Самария. - Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 46.

янги тириклик ва сонсиз қувонч бағишлайди<sup>127</sup>. Хожа Аҳрор Валийнинг тарбиялари увайсий бўлиб, ёшлигида шайх Абу Бакр Қафғол Шошийнинг мазоротларига борганида тушида ҳазрати Исони кўради. “Ҳазрати Исо айтдилар: ғам ема, биз сенинг тарбиянгни ўз зиммамизга олганмиз. Бу тушимнинг таъбирини айримлардан сўраганимда, улар: Сенинг тушингни сен саломат-соғлом бўлғайсен, - деб таъбир қилурмиз, деб айтдилар. Мен бу таъбирдан рози эмасдим. Уларга шундай дедим: Сизнинг таъбирингиз менга маъқул эмас. Мен уни бошқача таъбир қиламан; ҳазрати Исо уйғотиш ва тирилтириш мазҳаридирлар. Қайси бир авлиёда ўйғотиш-тирилтириш сифатлари учраса, уларни исавий ал машҳад дебдурлар. Ҳазрати Исо менинг тарбиямни ўз ихтиёрларига олган эканлар, демак, менда ўлик қалбларни ўйғотиш - тирилтириш сифати намоён булғай”. Тез орада айтганларим икки марта тасдиғини топгач, кўпгина одамлар ундан баҳраманд бўлдилар деб, унинг ўзи бу ҳолни хотирлайди<sup>128</sup>.

Бундан маълум бўлдики, Хожа Аҳрор Валий нафсга (мол-дунё, давлатга, кибру-ҳавога) берилиш туфайли ўлган қалбларни тирилтирувчи мақомидаги шайх бўлган эканлар. Худди шу каби тушида Ҳазрати Муҳаммад Пайғамбарни, Баҳоуддин Нақшбандни кўрганлиги Хожа Аҳрор Валийнинг увайсий<sup>129</sup> лигига аниқ ишорадир. Манбаларда кўрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий-руҳий устозлари бўлганлар ва бутун ҳаётларида у кишининг ибратли йўлларида боригашга, бу йўлни давом эттиришга интиланлар. Шу сабабли, ҳозирги кунга қадар бутун мусулмон олами Хожа Аҳрор Валийни нақшбандийлик тариқатининг етук давомчиси, деб билади. “Рашаҳоту айнул-ҳаёт”да келтирилган қуйидаги фикрлар Баҳоуддин Нақшбандни Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий пири деб билишимизга сабаб бўлди: “Ҳазрати Эшон ойтур эрдиларким: Мабодийи ҳолда Ҳазрати Хожани бузруг Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруҳуни тушимда кўрдумким, бир кечда келдилар ва манинг ботинимга тасарруф этдилар,

<sup>127</sup> Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария. – Тошкент.: Камалак, 1991. – Б. 47.

<sup>128</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнул-ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар; Махмуд Ҳасаний, Бахриддин Умрзоқ. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 478.

<sup>129</sup> Увайсий - руҳий-маънавий устоз.

ондоғким оёқларим суст бўлди. Ондин сўнг равон бўлдилар ва ман ҳам ҳар  
важҳ била қувватим борича ўзумни Ҳазрати Хожа Баҳоуддинға етуштирдим.  
Орқалариға қараб ойдилар: Муборак бўлсун”<sup>130</sup>. Яъни Хожа Аҳрор Валий  
тушларида Баҳоуддин Нақшбандни кўрадилар ва у кишидан руҳий қувват  
оладилар, ўзларини қўлга олиб, Баҳоуддин Нақшбандга етдилар. Баҳоуддин  
бу ҳолатни кўриб, Хожа Аҳрор Валийни муборакбод этди. Алишер Навоий  
ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” номли асарида Хожа Аҳрор Валийнинг қуйидаги  
мисраларини келтиради;

*Руқъалари етса не шаҳ қошига, Иш ани қўймоғлик ўлуб бошига*

*Англаб ани бош уза тожи яқин, Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин*<sup>131</sup>.

Хожа Аҳрор Валий бу мадҳияни Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаган  
бўлиб, унинг ғоявий тарғиботчиси, таълимотини халққа ёйган ва ҳаётга  
татбиқ этган мутасаввифдир. Хожа Аҳрор Валий суҳбатлари катта аҳамиятга  
эга бўлиб, уларда ҳамма баробар қатнашар, бу эса нақшбандия тариқатининг  
ўзига хос хусусиятларидан далолат берар эди. Баҳоуддин Нақшбанд ўз  
тариқати ҳақида гапирганда, “бизнинг тариқатимиз суҳбатдир, агар бу йўл  
соликлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракат, деб бежиз  
айтмаган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг увайсий шогирдларидан  
бўлмиш Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор “Фақарот” асарида фано ва бақо  
мартабаларига фақат ҳазрати пайғамбарга, тасаввуф йўлида илгарилаш учун  
аҳли сунна эътиқодига риоя қилиш лозимлигини<sup>132</sup> қайд этган. Агар Хожа  
Убайдуллоҳ Аҳрордан; хожагон яъни нақшбандия тариқати дарвишларининг  
эътиқодини сўрасалар, улар аҳли сунна вал жамоа эътиқодига амал  
қилишини таъкидлаган. Нақшбандия-аҳрория тариқати маросимлар аҳамият  
бермайди, тариқат аҳлини қўл меҳнати билан кун кечиришга аҳамият беради.  
Эл қатори бир инсон каби юриш, тариқат белгисини билдирувчи махсус  
кийим киймаслик ва шуҳратдан сақланиш<sup>133</sup>.

<sup>130</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 289.

<sup>131</sup> Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. МАТ, 7-том. – Тошкент.: Фан, 1991. – Б. 48.

<sup>132</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изох муаллифлари - М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 50.

<sup>133</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изох



Нақшбандия-аҳрория тариқати аҳли хилватда шуҳрат бор, шуҳратда офат фикри билан хилватга кўп аҳамият бермаганлар ва халқ орасида Ҳақ билан бўлиш, дея таърифланган хилват дар анжуман қондасини қабул қилганлар. Жамият орасида танҳо бўлиш, деган маънони билдирувчи хилват дар анжуман атамаси сўфийнинг бир чеккада ўтирмасдан, халқ орасида бўлиши, лекин жисман одамлар орасида бўлса ҳам, ботинан Аллоҳ билан бирга бўлишини билдиради. Даст ба кору дил ба Ёр – кўл ишда, кўнгил Ёрда, тан дар бозору дил ба Ёр<sup>134</sup>. Булар хожагон – нақшбандия шайхларининг халққа хизмат қилишга кўрсатган аҳамиятларидан далолат беради. Алишер Навоий эътироф этганидек, “...аларнинг шариф вужудлари баракатидин бу шариф силсиланинг (нақшбандлик тариқати) илтиём (бирикиш) ва интизоми (тартиби) ила явмил қиём (қиёматга қадар) имтидод топқай (давом этади)”<sup>135</sup>.

Маълумки, хожагон-нақшбандийлик тариқати шариат руҳсат берган даражада ҳалол касб воситасида мулк орттириш ва фуқаролар манфаати учун яшаш тамойилига амал қилганлар. Хожагон – нақшбандия шайхлари ишсиз инсонларни шогирдликка қабул қилмаганлар, ўзлари албатта бирор касб – хунар билан машғул бўлганлар. Хожа Али Ромитаний тўқимачи, Муҳаммад Бобо Саммосий боғбон, Амир Кулол кулол, Баҳоуддин Нақшбанд наққош – тўқимачи, Амир Кулолнинг ўғли Амир Ҳамза овчи, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор зироатчи бўлишган<sup>136</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд таваккул ҳоли ҳалол меҳнат қилиш билан бирга бўлмоғи лозим, деган эди. Баҳоуддин Нақшбанд – валий инсон, улуғ руҳоний мураббий, кўпдан-кўп покиза хислатли одамларни тарбиялаган, янги тариқат силсиласини вужудга келтирган зот. Шунга қарамай, ниҳоятда камтарона ҳаёт кечирган, тақво, ҳалоллик, ҳақгўйлик, адолатлиликда намуна бўлганлар. Ўзларига тегишли ерда деҳқончилик қилиб, баъзан ота касб - кимхобга нақш солиб, лўқмаи ҳалол билан рўзғор ўтказган. Аллоҳ ёдини дилда сақлаш, бандаликни бир нафас унутмаслик,

---

муаллифлари - М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 61-63.

<sup>134</sup> Рахимов К. Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 46-47.

<sup>135</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд /Нашрга тайёрловчилар. С. Ғаниева, М. Мирзаҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. - Т.: Фан, 2001. – Б. 133-135.

<sup>136</sup> Рахимов К. Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 46-47.

хамма вақт, ҳамма ерда, истаган шароитда ўзини огоҳ деб билиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаш улуғ фазилатдир. Демак, Хожагон – нақшбандия таълимотининг ушбу хислатлари Хожа Аҳроп Валийнинг дунёқарашига таъсир қилган, буюк мақом соҳиби бўлса ҳамки, ҳокимиятни олишга интилмаган, аксинча, мавжуд жамиятни соғломлаштиришга ва ахлоқий етукликка даъват этган. Бу тамойил Хожа Аҳроп Валий томонидан янада ривожлантирилган бўлиб, бундан кўзланган мақсад тариқат манфаатларини халқ манфаатлари учун хизмат қилдириш, тўпланган бойликни халқнинг энг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун сарфлашдан иборат эди ва бу инсонпарвар ғоялар қуйидаги мисраларда ўз аксини топган: Зоҳирий - халққа, ботин - Ҳаққа. Хожа Аҳроп Валий ҳукмдорлар онгига адолат мезони шариат қонунларига риоя қилишда экани, яъни қайси ҳукмдор солиқ ва одил инсон бўлиб, халқни ўйлаган ва оқиллик билан давлатни бошқарган бўлса, шу мамлакат обод бўлиши, фуқаролар муҳтожлик кўрмай, фаровонликда яшаши ҳақидаги фикрни ҳамisha олдинга суриб келган. Хожа Аҳроп Валий таъкидлашича ҳамсуҳбатнинг инсон камолотидаги ўрнига муҳим ҳисобланиб, содиқ кишилар билан бирга бўлишни тавсия этади. Инсонни яхши ҳамсуҳбат эзгулик, илоҳийликка томон тортса, ёмон ҳамсуҳбат таназзулга олиб келишини уқтиради. Бу фикрларда устоз – шогирд қарашларида, инсон камолотида суҳбат етакчи рол ўйнаши хусусида мулоҳаза юритилади. Бу ўғитлар таълим-тарбиявий аҳамият касб этади. Яъни шогирд то унга қадар қай даражада бўлган ва келажакда қай даражага эриша олади – шуни била оладиган муршид чин маънодаги устоздир. Шундай устозлар сабоғини олган шогирдлар замонасининг илғор кишиси бўлишига шубҳа йўқдир. Англашимизча, Хожа Аҳроп Валий асарларида илк сўфийлардан Боязид Бистомий, Жунайд Бағдодий, Шиблий, Абдуллоҳ Тустарий, Мансур Халлож, Абул Ҳасан Нурий тилга олинганлиги мутасаввифнинг улар меросидан хабардорлигидан далолат беради. Шунингдек, тасаввуф назариётчилари машҳур шайх ва мутасаввуфлар Фаридуддин Аттор, Муҳйиддин ибн Арабий, Муҳаммад Порсо фикрларидан

борлиқ моҳияти “Ваҳдат ул-вужуд” масаласини ёритишда мисоллар келтирганлар. Олима Г.Н. Наврўзова ҳам ўз тадқиқотларида Ваҳдат ул-вужуд таълимоти ҳақида қуйидаги фикрларни келтиради; “Ваҳдат - ягоналик” тушунчаси бўлиб, “вужуд” -“борлиқ” маъносини англатиб, “Ваҳдат ул вужуд” - вужуднинг бирлиги демакдир<sup>137</sup>. Хожа Аҳрор Валийдан сақланган 206 та рашҳадан 6 тасида Ибн Арабий тилга олинган. Хожа Аҳрор Валий Ибн Арабий илгари сурган “ваҳдат ул-вужуд” таълимот ва ғоялари билан таниш бўлганлигини “Фуқарот ул-орифийн”, “Фуқроту Аҳрорийя” асарларида мисоллар келтирганидан билиб оламиз. Тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, Хожа Аҳрор Валий тасаввуф тарихида жуда машҳур бўлган Ибн Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотидан хабардор бўлган. Тасаввуфий ғояларни таҳлил этишда Хожа Аҳрор Валий Ҳужвирий, Ҳаким Термизий, Абул Саид Абул Хайр, Ғавсул Аъзам-Абдулқодир Гилоний, Аҳмад Яссавий, Шаҳобиддин Сухравардий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Али Ромитаний, Алоуддин Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ғоялари ва ўғитларини тилга олган ва таҳлил этган<sup>138</sup>. Хожа Аҳрор Валий Нақшбандия таълимотидаги “хилват дар анжуман”даги суҳбат инсонни фақр, шикасталик, ниёзмандлик ҳолатига етказиши ғояси ҳақидаги Румий байтларидан илҳомланган. Алишер Навоий “Насойим-ул муҳаббат” асарида Хожа Аҳрор Валийнинг жамият тўғрисидаги, инсонпарварлиги ҳақидаги ғоялари Хожани нафақат Мовароуннаҳр, балки Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, ҳаттоки Рум ва Миср, Хитой ва Ҳиндистонда машҳур валий, ориф, муршид, шайх ва тасаввуф таълимотининг йирик билимдони сифатида тан олганлар. Асарда шундай дейилади: Мулкка ажаб исило ва салотин ва мулукка ғариб исрофу ҳукм, Мовароуннаҳр салотини ўзларин аларнинг муридзодалари ва маҳкуми ҳукми тугорлар эрди. Йўқки, ёлғиз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки бир соридин Рум ва Мисрғача ва бир соридин Хито ва Ҳиндғача барча мулук ва салотин ўзларин Хожанинг маҳкуми ҳукми ва

<sup>137</sup>Наврўзова Г.Н. Бухорода Нақшбандия-Мужаддия таълимоти. - Бухоро, 2007. – Б. 9.

<sup>138</sup>Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-хаёт (Оби хаёт томчилари).Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ . - Т: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 526-533.

маъмури фармони тутарлар эрди ва рукъалари бу салотинга онча муассир эрдиким, аларнинг аҳкоми ўз худдомига бўлмағай ва Ҳазрат Хожага зохир жамияти барча абнои замондин кўпрак воқеъ эрди<sup>139</sup>. Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандийлик таълимотини дунёга тарқатишдаги хизматлари эътиборли ва олимларни қизиқтирадиган масаладир. Айнан у ва унинг издошлари орқали Нақшбандия таълимоти Мовароуннаҳр ҳудудларидан чиқиб, Хуросон, Шимолий Кавказ, Усмонли турк, Ҳиндистон (ҳозирги Покистон билан бирга) ҳудудларигача кириб борди ва халқаро характер касб этиб, турли давлат ва миллат вакиллари ягона мафкура ва эътиқод атрофида бирлаштириш воситасига айланди. Профессор Александр Кньш нақшбандийликнинг Эрон ва Туркияга кириб келишида Хожа Аҳрор Валийнинг ролини алоҳида қайд этади. Эроннинг Қазвин шаҳрида Хожа Аҳрор Валийнинг муриди Шайх Али Курдий<sup>140</sup>, Туркияда Хожа Аҳрорнинг халифаси Мулла Абдуллоҳ Илоҳий Самовийлар нақшбандия-аҳрория тариқатининг ёйилишида муҳим рол ўйнаган<sup>141</sup>. У киши Самарқандда Хожа Аҳрор Валий қўлида таҳсил топган ва Истамбулда учта нақшбандийлик марказига асос солинган, Марказий Осиёдан келадиган сўфийлар ушбу марказларда жойлашиб, тариқатнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшганлар.<sup>142</sup> Бухоро, Қашғар, Ўзбеклар деган жой номлари бугунги кунга қадар ҳам сақланиб қолган. Нақшбандийлик тариқатининг Ҳиндистонда тарқалиши Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқдир<sup>143</sup>. Мирзо Бобур Хожа Аҳрор Валийни Ҳазрат Убайдуллоҳ пирим, деб атайти. Мирзо Бобур ўз эсдаликларида оталари Умаршайх Мирзо нақшбандия тариқатининг

---

<sup>139</sup>Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббатмин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. 20-жилдлик. 17-жилд. Нашрга тайерловчилар. С. Ганиева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайерловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. - Т:- Фан, 2001. – Б. 280.

<sup>140</sup> Кньш. А.Д. Мусулманский мистицизм. - Москва – Санкт-Петербург: Диля, 2004.- С. 254.

<sup>141</sup> Рахматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. - Тошкент: Адиб, 2014.- Б. 23.

<sup>142</sup> Кньш. А.Д. Мусулманский мистицизм. Краткая история. - Москва – Санкт-Петербург: Диля, 2004. – С. 258.

<sup>143</sup>.Маматов М.А Вопросы национально-этнической идентичности и толерантности в политике и творчестве Захириддина Бабура. Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность. Московский государственный университет имени М.В. Ломоносова институт стран Азии а Африки. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференция. - Москва. 2020 год. – С. 311-315.

пешвоси Хожа Аҳрор Валийнинг муриди бўлганлиги ва ўзлари мутасаввифни маънавий пир, деб билганлиги, ул зотдан руҳий мадад олганликлари ҳақида ёзадилар. Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолайи Волидийа” ёки “Мухтасар” номли насрий асарининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан қилинган таржимаси “Рисолайи Волидийа” Ҳиндистонда нашр этилган<sup>144</sup> ва ҳозирги кунда ҳам тасаввуф тариқатини ўрганаётган олимлар учун муҳим қўлланмадир. Ўз даврининг суронли шиддатига дош бериш, бу билан чекланмай, унга таъсир кўрсата билиш Хожа Аҳрор Валийнинг чинакам буюк тариқат пешвоси эканининг далилидир. Унинг сиймосида фидойилик ва донишмандлик, фақрлик ва хокисорлик, бадавлатлик ва ғарибпарварлик, инсофу тавфик, меҳру мурувват ва саховатпешалик мужассам бўлган. Хожа Аҳрор Валий Хожагон-Нақшбандия тариқатини давом эттирибгина қолмай, унинг сиёсий-ижтимоий асосларини мустаҳкамлашга ҳам эришди. Айнан унинг саъй-ҳаракатлари натижасида Нақшбандия таълимоти темурийлар сулоласининг бошқарув тизимини ҳам ўз таъсири остига олди. Нақшбандия ғоялари минтақадаги барча халқларнинг турли ижтимоий табақаларигача кириб борди. Хожа Аҳрор Нақшбандия таълимотини маълум даражада ислоҳ этиш ва ижтимоийлаштиришга эришди ва унинг таркибида ўзининг “Аҳрория” номли тариқатини вужудга келтирди.

### **I боб бўйича хулоса**

1. Инсоният тарихида маънавий ахлоқий камолот йўли анчагина қадимий бўлсада унинг етуклик даражаси тасаввуф таълимотида акс этди. Тасаввуф таълимоти ислом дини бағрида вужудга келиб бутун мусулмон дунёсига кенг тарқалди, шуҳрат топди. Тасаввуф тариқатлари Мовароуннаҳрга кириб келиши билан маҳаллий шароитларга мослашган ҳолда ривожланди ва Хоразмда “Кубравия”, Туркистонда “Яссавия”, Бухорода “Хожагон-Нақшбандия” таълимотлари шаклланди.

---

<sup>144</sup> Рахматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. – Тошкент.: Адиб, 2014. – Б. 23.

2. Хожагон-нақшбандия таълимотининг қуйидаги хислатлари Хожа Аҳроп Валийнинг дунёқарашига таъсир қилган; Хожагон-нақшбандия таълимоти ва унинг издошлари, ислом шариати – Қуръони карим ва Расулуллоҳ суннатиға қатъий риоя қилган ҳолда Ҳанафия фикҳи ва Мотуридия калом мактаби асосида шаклланди ва ривожланди. Ушбу таълимот инсоннинг ниҳоятда содда, камтарона ҳаёт кечириш, иймон, эътиқод, адолат, ҳалоллик, ахлоқий поклик, ростгўйлик каби ғоялари билан жамиятни соғломлаштирди, ахлоқий етукликка даъват этди ва ушбу омиллар Хожа Аҳроп Валийни таълимот давомчисига айлантирган.

3. Хожа Аҳроп Валийнинг XV асрда Нақшбандийлик тариқати ривожига, шу давр маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётиға кўрсатган таъсири, назария ва амалиёт соҳасидаги фаолияти объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар натижасидир. Хожа Аҳроп Нақшбандия таълимотини маълум даражада ислоҳ этиш ва айниқса, ижтимоийлаштиришға эришди ва унинг таркибида ўзининг “Аҳрория” шахобчасини вужудға келтирди.

4. Нақшбандия-аҳрория тариқати, асосий эътиборни инсоннинг ўзига қаратиш, бунинг учун жамият ичида бўлиш ва зоҳирда барча қатори ҳалол меҳнат билан кун кечириш, аммо ботинда, қалбда Аллоҳ таоло ёдини сақлаш, Нақшбандия таълимотининг асосий шиори - “Дил ба Ёру даст ба кор”нинг мазмун-моҳиятини ифода этиб, инсоннинг ахлоқий камолотини белгилайдиган тамойилларға айланди.

5. Художўйлик, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, меҳнатсеварлик ва бағрикенглик каби кўплаб олийжаноб ғояларни ўзида мужассамлаштирган нақшбандия-аҳрория тариқати, ўз даврининг етук алломалари, ҳукмдорларни ўзига мафтун этди. Нақшбандия-аҳрория ғоялари минтақадаги барча халқларнинг турли ижтимоий табақаларигача кириб борди. Хожа Аҳроп Валий ва унинг издошлари орқали Нақшбандийлик таълимоти ва аҳрория шахобчаси, Мовароуннаҳр худудларидан чиқиб, Хуросон, Шимолий Кавказ, Усмонли турк, Ҳиндистон, Покистонгача кириб борди.

## II БОБ. ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ВА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАЛҚИНИ.

### II.1. Мутасаввиф маънавий меросида фалсафий - тасаввуфий қарашлар ривожлантирилиши

Марказий Осиё тафаккур тарихини Ислом дини ва тасаввуф таълимотисиз тасаввур қилиш, моҳиятини англаб етиш қийин. Халқимизда қадимдан шаклланиб келган шарқона миллий қадриятлар ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ меъёр ва мезонлари аслида ана шу таълимотдан сарчашма олади. Тасаввуф таълимотига биноан коинот, коинотдаги ва ундан ташқаридаги бутун борлик, мавжудот, ягона қудратли Оллоҳ томонидан яратилган.

Яратилганларнинг энг аълоси инсонда барча тушунчалар уйғунлаштирилган тафаккур ётади. Демак, фалсафий тафаккур Аллоҳ таолони таниш, бутун оламнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилиш демакдир. Марказий Осиёда ислом фалсафасининг юксак даражада ривожини теурийлар ҳукмронлиги даври билан боғлиқдир. Бу даврда тасаввуф фалсафаси, табиатшунослик фалсафаси, мантиқ ва ахлоқий таълимотлар кенг миқёсда ривожланган<sup>145</sup>. Муҳаммад Ҳавофий, А.Навоий, А.Жомий, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Қози, Махдуми Аъзам ва бошқалар ислом фалсафасининг ривожига улкан ҳисса қўшганлар.<sup>146</sup> Ушбу бобда Хожа Аҳрор Валий асарларида тасаввуфий ва ахлоқий қадриятлар талқини мантиқий мисоллар билан таҳлил этилган. Маърифат орқали нарсаларнинг яширин (сирли) моҳияти, илоҳийлиги англашилади. Илм ўқиш, ўрганиш орқали эгалланса, маърифат Аллоҳнинг хос кишиларига марҳамати, инъоми ҳисобланади. Ҳадисда “Кимки ўзини яхши таниса, Парвардигорини ҳам, албатта танийди”<sup>147</sup> дейилганки, инсон ўзининг тузилиши, мураккаб таркиби, жисмоний ва руҳий вужудини ўрганса, Аллоҳ ҳикмати ва беқиёс қудратининг буюклигини англайди, шу билан бирга ўзидаги камчилик ва

<sup>145</sup> Тўраев Б. Фалсафа тарихининг қисқача баёни. // Имом ал-Бухорий сабоқлари, №.1.2011. – Б. 50.

<sup>146</sup> Рахматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”: Монография. –Тошкент: Адиб. 2014. – 120. б.

<sup>147</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмо ал Бухорий. Ал-жомий ас-сахих.1-жилд. – Тошкент, 1991. – Б. 156.

хатоларни қанча с теран идрок этса, Аллоҳнинг бенуқсон комил зот эканига ишонч ҳосил қилади. Зеро, “Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида беҳисоб ҳикматлар ва сир-асрорлар бордир”<sup>148</sup>. Фалсафанинг асосий йўналишларидан бири инсон муаммоларини тадқиқ қилиш, ўрганиш ҳисобланади. Фанлар нуқтаи назаридан олиб қарасак, антропологлар инсоннинг келиб чиқиши, пайдо бўлиши, ривожланишини ўрганса, социологлар инсоннинг жамиятда тутган ўрнини ўрганишга ҳаракат қилади. Рухшунослар инсоннинг руҳиятини ўрганса, файласуфлар инсонни, унинг руҳияти, ижтимоий ўрни, тафаккур ва маънавиятини бирликда ўрганади. Хожа Аҳрор Валий инсонни таърифлар экан, оламдаги бутун илоҳий даража ва мартабада унинг вужудига ўхшаши йўқ ва барча кўринишлар унда акс этган, таълим беради. Унинг “Рисолаи Ҳавроийя”, “Фақароту ул-орифийн”<sup>149</sup> номли асарларида инсон, инсонийлик тушунчаларига махсус эътибор берилган. Фахриддин Али Сафий “Рашаҳот” асарида Хожа Аҳрор Валийнинг куйидаги байтини келтирган:

*Одами дийд асту боқий нўст аст,  
Дийд он бошад, ки дийди дўст аст*<sup>150</sup>.

Мазмуни:

*Одамий, яъни ҳақиқий инсон кўздир, бошқаси ҳаммаси нўстдир,  
Кўз агар дўст кўзи бўлса, шундагина кўз бўлади.*

Хожа Аҳрор бу билан инсон қалби оинаси бўлган кўздан фақат бутун борлиққа дўстона назар, меҳр-муҳаббат порлаб турсагина, ҳақиқий инсон номига уйғун бўлади каби фалсафий фикрларни таъкидлаб ўтади.

Хожа Аҳрор Валий инсонларни иккига бўлади: бири ўз аслини унутиб, куфру исён йўлига ўтади, икинчиси пайғамбар ва авлиёлар ёрдами туфайли иймон нури билан мунаввар бўлганлар. Хожа Аҳрор Валий инсоннинг тана ва руҳдан иборат илоҳий мавжудот эканлиги, руҳ танага кирганда ўз асли

<sup>148</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. Таржимон Ғ.Жалол. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б.148.

<sup>149</sup> Бобохонов.Ш., Мансур.А. Накшбандийя тариқатига оид қўлғезмалар фихристи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1993. – Б.24-25.

<sup>150</sup> Рахматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” // Монография. – Тошкент: Адиб нашриёти, 2014.- Б. 77.



Оллоҳ жамолидан пардалар билан тўсилиши, инсон ўлимидан сўнг руҳлар асл ҳолатларига қайтишга интиласалар ҳам ҳақиқий танасига қайта олмайдилар каби тана, руҳ, инсон ҳақидаги фалсафий фикрларини асарларида келтириб ўтади. Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолайи Ҳавроиййа” асари, инсон, унинг моҳияти, руҳи, танаси, ўлим, илоҳий ишқ ҳақидаги тасаввуфий, фалсафий тушунчалар моҳиятини англаш имконини беради. Қалбнинг ўзидан олисдаги нарсаларни билиши, сезиши ақлнинг хайратланишига сабаб эканлигини айтади, кўнгилни жаннат билан киёслайди<sup>151</sup>. Руҳ танага кириб, моддий оламда ўз ўрнини топиб вафот этганида қалб жаннатга айланиши, моддий оламдаги руҳан соғлом ҳаёт руҳ камолоти учун нақадар муҳимлигини айтиб ўтади. Бобур Мирзо Хожа Аҳрорнинг “Рисолаи Волидия” номли рисоласини мағзини баён этиб, инсоннинг руҳан, жисман ва амаллари билан покиза бўлишини назарда тутиб, инсондаги бу сифатлар унинг ботинида, бутун вужудига сингиб кетган бўлиши лозимлигини уқтирган:

*Ғийбату ёлғону музий сўздин,  
Эҳтироз эт, йироқ этгил ўздин.  
Ҳар ямон қавлни ўздин дур эт,  
Тилингда бир нимани мазкур эт.  
Бўлгай аҳволу каломинг бу сифат,  
Кўнглунгда боис нури оният.  
Зоҳиру ботин адаб маръи тут,  
Беадаблик равишу роҳин унут<sup>152</sup>.*

Хожа Аҳрор Валий тана ва руҳнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг бирлиги инсон тириклигининг асоси эканлигини таъкидлайди, аммо инсон тана эҳтиёжларига қул бўлиб қолмаслиги керак. Тана руҳ ва қалбга бўйсунуши керак. Хожа Аҳрор Валийнинг, фикрича оламни ҳис қилиш руҳнинг дастлабки манзили, бўлиб, руҳият тўғрисидаги қарашлари анча кенг

<sup>151</sup> Қўшмоқов М. Бир рубойи Амир Темур ва Хожа Аҳрор эстетик талқинида. Соғлом авлод учун. 2007- №4.- Б. 24.

<sup>152</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия .М.Бобур таржимаси. Т.: Тошкент ислом университети , 2004. – 17 б.

ва чуқур таҳлил этилган. Мутасаввифнинг фикрича, инсон руҳиятининг моҳияти аввал ўз нафсини, ўзлигини англаш, сўнгра Оллоҳни таниш ва англашдан иборат. Бу билан Хожа Аҳрор Валий қалбнинг ҳис қилиш, англаш билиш даражаси чексизлиги ва ақлнинг билиш даражаси чегараланганлигини айтиб ўтади. Бу билан Хожа Аҳрор Валий Баҳоуддин Нақшбандга асосланиб, тасаввуф илми қалб ҳолати билан боғланганлигини айтиб, асосий эътиборни нарса ва ҳодисанинг мазмун-моҳиятига қаратиш лозимлиги, уни тўла қабул этиб, улғайиш кераклигини таъкидлайди. Оллоҳ инсонни ўзини англаши учун яратган, инсоннинг қалби Оллоҳнинг гўзаллигини мушоҳада этади. Тасаввуф таълимоти билимни эгаллаш учун қалб масаласига махсус эътибор беради. Баҳоуддин Нақшбанд қалб оламини махсус ўрганган<sup>153</sup>. Хожа Аҳрор Валий рисолалари, мактублари ва рашҳаларида инсон қалби масаласига асосий эътибор қаратган. Сўфийлар Оллоҳнинг уларга марҳамати бўлмиш маърифатни қанчалик пинҳон сақламасинлар, унинг нури юзлари, кўзлари, сўзларида акс этиб туради. Дилдан ташқаридаги бу инъикосни яна ақл нурлари ихота этади ва муҳофаза қилади. Шунинг учун маърифатли инсон юзидаги нурни ҳамма ҳам кўра олмайди. Худди шунингдек, агар қалб хасталанса, инсон бу дунёдан кейинги абадий ҳаётини бой бериб қўйиши мумкин. Чунки жисмоний дард ўткинчи бўлиб, касаллик тезда маълум бўлади, даволаниши ҳам анча осон кечади. Ёмон хулқ, ёмон нафс сабабли хасталанган қалб дарди эса тезликда ошкор бўлавермайди, бундай дард замирида аксари ахлоқий тубанликларнинг таъсири билан боғлиқ кечинмалар ҳам ётади. Шу боисдан барча тасаввуф алломалари ҳар бир ақл эгаси ўз қалби ҳолидан доим хабардор бўлиб туриши лозимлигини уқтирадилар. Хусусан, Имом Ғаззолий бирор инсон фарзанди қалб хасталигидан холи бўлмаслигини қайд этади. Унинг таъкидига кўра, агар қалбга эътибор сусайса, ботиний иллатлар кўпаяди ва улар аста-секин йиғилиб, ҳатто зоҳирда кўрина бошлайди. Хожа Аҳрори Вали ёшликлариданоқ ўзларини кўнгил кўриқчиларининг табиби эмас, балки дил уйининг табиби сифатида

---

<sup>153</sup> Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. –Тошкент.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 96-100.

башорат этадилар чунки инсон бўлишдан мақсад маърифат эканлигини англаб етганлар. Фахруддин Али Сафийнинг ҳикоя қилишича, Хожа Аҳрор ёшлик вақтларида Шайх Абу Бакр Қаффоли Шоший мазорларида Ҳазрати Исо пайғамбарни тушларида кўрадилар ва ўзларини уларнинг қадамларига ташлайдилар. Ул зот Ҳазратнинг бошларини тупроқдан кўтариб, Ғам емагил, биз сени тарбият этурмиз, дейдилар. Бу туш таъбири ҳақида баъзи дўстларига сўзлаганларида, улар сенга тиб илмидан насиба бўлади, дейдилар. Ҳазрат бу таъбирга рози бўлмайдилар ва шундай дейдилар: Сизларнинг таъбирингизга розилигим йўқтур, ман важҳи дигар била таъбир этдим, ва ул таъбир ул турурким, Ҳазрати Исо пайғамбар мазҳари эҳё била зоҳир бўлса, айтурлар Исавий ал-машҳад турур. Вақтеким, алар бу фақирнинг тарбиятини ўзларига олдилар, бу фақирда қулуби маййитларни эҳё этмак сифати ҳосил бўлур<sup>154</sup>. Қулуби маййита ўлик қалбларни эҳё этмак – тирилтирмақ табобатнинг асл мақсадидир. Ҳазрат Хожа табобатнинг қуйи даражаси, яъни, тана шифокорлиги билан шуғулланишга қаноатланмай, Яратган тасарруфида бўлган инсонлар қалбларига эътибор қилишга, ўлик қалбларни тирилтиришга ҳаётларини бағишлаганлар. Рашаҳотда келтирилишича, Ҳазрати Хожа ўн икки ёшларда эканларида ҳамма огоҳлик билан ҳаёт кечиради, деб ўйлар эканлар: Гумон этар эрдимки, Ҳақ субҳонаҳу таоло халқларнинг ҳаммасини бул важҳда яротуб турурким, ондин ғофил бўлмаслар<sup>155</sup>. То шарият жиҳатидан балоғатга етмагунларича, шундай фикрда бўлганлар. Аммо, кейинроқ ул зотга маълум бўладики, огоҳлик Яратганнинг инояти бўлиб, бу мартаба баъзиларга махсус, баъзиларга риёзат ва баъзиларга кўп ҳаракат ва меҳнат билан муяссар бўлар, баъзиларга умуман муяссар бўлмас экан. Хожа ҳали нақшбандия тариқатига расман кирмаёқ, ёшликлариданоқ, ғофил қалбларни уйғотиш ва уларда маърифатни заргарона нақш этишни ният қиладилар. Ҳазрат маърифат тарбиясида қалб ҳолига алоҳида эътибор

<sup>154</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари).Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ - Т: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт, 2004. – Б .298.

<sup>155</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ - Т: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт, 2004.- Б. 298.

қаратадилар. Ўзларининг “Рисолаи Ҳавроиййа” асарида қалбни жаннат боғига қиёс қиладилар: Дилга жаннат номи берилган хабарлар бунга далилдир, зеро, ҳақиқатан дилни жаннатга қиёсласа бўлади. Аммо дил биҳиштига табиат дўзахидан ўтмагунча етмайсан<sup>156</sup>. Инсон шундай яратилганки, дейдилар Ҳазрат “Волидия” асарида, унинг қалби тааллуқсиз эмас. Яъни, унда Оллоҳ бўлмаса, ғайр бўлади, ғайр кетса Оллоҳ қолади. Кўнгил бўш турмайди. Хожа Аҳрор Валий қалб илоҳий ишқу муҳаббатга гирифтор бўлиши керак; “Маънавий давлат шулки, ўз дилингни шалоғили кавнайдан холи қилмоғингдир”<sup>157</sup> яъни қалб икки дунё боғланишларидан фориғ бўлиши лозимлигини таъкидлайди. У “Қалб ул-мўъмин Аршуллоҳил аъзам” – “Мўъмин банданинг қалби Аршуллоҳдан ҳам аъзам”дир ҳадисини келтиради. Хожа Аҳрор қалбни тозалашга эътиборни қаратиб шундай ўғит беради: “Ўзингни фаррош сингари тутмоқ керак. Дилни кавний тааллуқотлар хасу хашагидан тозаламоқ даркор.”<sup>158</sup> Хожа Аҳрор фаррошнинг супургиси деб, зикр, яъни Ҳақни эслаш эканлигини уқтиради ва шу маънода ёзади:

*Зикр гў, зикр то туро жон аст,*

*Зиндагийи дил ба зикри Яздон аст.*

*Чун ту фоний шави зи зикр ба зикр,*

*Зикри хуфияки, гуфтаанд он аст*<sup>159</sup>

Мазмуни:

*Зикр айт, зикр, то танангга жонинг бор,*

*Қалб тириклиги Яздон-худо зикри биландир.*

*Сен зикрдан зикргача фоний бўлсанг,*

*Хуфия зикр айтганлари шудир.*

Хожа Аҳрор фикрича, қалб Ҳаққа огоҳ бўлиш шарафига мушарраф бўлса, дилда ҳеч нарсага ўрин қолмайди у ғафлатдан уйғонади. Огоҳлик ҳақиқийликка далилдир, деб Хожа Аҳрор: “Ҳақиқий саодат мана шу

<sup>156</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроиййа. / Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоҳ, Ҳ.Амин. – Тошкент: Адолат, 2004. –Б. 24.

<sup>157</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрориййа. / Табаррук рисоалар.- Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 130.

<sup>158</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрориййа. / Табаррук рисоалар.- Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 138.

<sup>159</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрориййа. / Табаррук рисоалар. - Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 133.

огоҳликдан бошқача бўлмайди”<sup>160</sup> - деган ғояни таъкид этади. Бу саодатга эса инсонни Хожа Аҳрор фикрича хожагон-нақшбандия таълимоти етаклашини айтиб ўтади. Хожа Аҳрор Валийнинг ўттиз иккинчи рашҳалари инсон қалбига Оллоҳ нури тажаллий (акс) этиши, унинг ирода ва талабини зиёда бўлишига асос бўлиши ҳақидадир. Ҳақ субҳонаҳу кўнгилга васфи ирода била тажаллий этмаса, ул кўнгулга Ҳақ субҳонаҳуни талаб ва ирода этмак истейдоди ҳосил бўлмас<sup>161</sup>. Хожа Аҳрор Валий бу рашҳалари орқали Оллоҳ инсон кўнгида тажаллий этгандан кейин инсон Оллоҳни таниш, маърифатли бўлиши учун истейдод берилган бўлиши лозим демоқдалар. Хожа Аҳрор Валий ўттиз тўққизинчи рашҳаларида айтганлар: Тил кўнгулни ойнаси эрур, ва кўнгил руҳнинг, ва руҳ ҳақиқати инсонийнинг ва ҳақиқати инсоний Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг ойнаси турур. Ҳақоқи ғайбийя ғайбдин мунча масофати баъидани қатъ этиб, тилга келур ва ул жойдин суврати лафз қабул этиб, мустаъидларнинг ҳақиқатларининг самъларига етишур. Хожа Аҳрор Валий инсонийлик тил орқали намоён бўлиш ва у кўнгилнинг ойнаси, кўнгул эса руҳнинг ойнаси, руҳ инсондир, инсон илоҳийликдир ва Оллоҳга етишишдир. Хожа Аҳрор Валий эллик иккинчи рашҳада сўз айтиш ҳар кимга ҳам раво эмас деб, сўз айтмоқ вақти раво бўлурким, мутакаллим ул даражага етушган бўлсаким, онинг тили кўнгулнинг ноибни бўлуб, Ҳақ субҳонаҳунинг ноибни бўлгон бўлса<sup>162</sup>, яъни мукамал инсон, фаросатли, одоб-ахлоқли тўлиқ билимларга эга бўлса, умр кечирса, илоҳийлик қалбдан чиққан сўз эшитишга муносибдир. Сўфийларни нафси ўлик, қалби тирик деб таърифлаганлар. Хожа Аҳрор Валий ҳам нафсга шундай таърифлар берган: Ҳар нарса то тирикдур тозадур. Вақтеки ўлса, нопок бўлур, магар нафски тирик бўлса, нопокдур ва ўлса покдур, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло буюрурки, Ва аъриз анил-жоҳилийн, яъни юз ўгиргил нодонлардин. Нафс нодонларнинг нодонроғидир, керакдурки, андин юз ўгирсанг ва хилофин олсанг. Тасаввуфнинг мақсади инсонни комилликка

<sup>160</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя. Табаррук рисоалар. - Тошкент: Адолат нашриёти, 2004 – Б.134.

<sup>161</sup> Ас-Сафий, Фахр ад Дин Али ал Кошифий .Рашахот айн ал-ҳаёт. Локноу1905. – Б. 365.

<sup>162</sup> Ас-Сафий, Фахр ад Дин Али ал Кошифий .Рашахот айн ал-ҳаёт. Локноу1905. – Б. 374.

етаклаб нафсни тарбиялайди. Мутасаввифнинг фикрича, инсонда қалб ҳамда нафс бор. Комил одам учун энг катта душман нафс, кўролмаслик эканлигини тушунтириб, бу икки нарса шундай истеъдодга эгаки, қаҳр ва лутф сифатлари уларда акс этади. Нафснинг Оллоҳ томонидан эҳтиёжларини кондириш учун берилганлиги ва шунинг учун керагидан ортиқча, меъеридан ошган нафс зарарли эканлигини мисоллар билан тушунтиради. Меъеридан ошган нафс нафақат инсон, балки жамият учун ҳам зарарлидир. Мутасаввуф нафс масаласини ёритишда хулқ ахлоқ ва одобга эътибор бериб инсон нафси унинг хулқ, ахлоқида акс этади деб таърифлайди. Чунки одами нусхаи жомиъа турур, ондоғким, малакий сифатлари бор турур ва сабий ва баҳимий сифатлардан ҳам холий эрмастур<sup>163</sup>. Хожа Аҳрор Валий фикрича, инсонда фаришталарга хос сифатлар мавжуд, шу билан бирга ҳайвонлар каби нафс иллатлари ҳам борлигини таъкидлайди. Хожа Аҳрор Валийнинг фикрича, дунёдан кийиниш ва маскандан зарурат миқдорида кифояланмоқ керак. Маскани ўзига кифоят қилса, ейиш агар оёқдан қолмайдиган миқдорда бўлса, қаноат бисёр яхшидир. Кийиниш агар иссиқ совуқдан асрайдиган миқдорда бўлса, етарлидир. Хоҳиш ва истакларнинг баъзиси мустаҳаб, баъзиси вожиб ҳамдир<sup>164</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб қуйидаги фикрларни айтган; Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман<sup>165</sup>. Инсонда нафснинг мавжудлиги зарурат, унинг истаклари табиийдир аммо уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан поклаб туриш инсоннинг ўз қўлида экан. Чунки инсондаги нафснинг табиий истаклари бажо этилаверса, у ҳаддидан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади. Ҳар қандай жамиятнинг асосида меҳнат ётибди, чунки меҳнат инсонни моддий ва маънавий қиёфасини шакллантиради. Хожа Аҳрор Валий 23-рашҳаларида нақшбандия таълимотининг моҳиятини ёритган. Унда айтилганки, “Хожа Абдулҳолик

<sup>163</sup> Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби Ҳаёт томчилари). Муаллифи М.Ҳасаний. - Т. Абу Али ибн Сино, 2003. – Б 344.

<sup>164</sup> Хожа Аҳрор. Фикроти Аҳрориййа. Табаррук рисолалар. М.Ҳасаний ва У.Баҳриддин таржимаси. - Т: Адолат, 2004. – Б. 62.

<sup>165</sup> Наврӯзова Г.Н, Раҳматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. - Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010. – Б. 85.

Ғиждувоний қуддиса сирраҳу ойтибдиларким, халқдин оғурлик кўтармак керак ва бу муяссар бўлмас, магар ҳалол касб била, “даст ба кор, дил ба Ёр”, деган сўз хожагон қаддисаллоҳу таъоло арвоҳаҳум тариқларида амри муқаррар турур”<sup>166</sup>. Ушбу рашҳада нақшбандия таълимотининг асосий мақсади оммани оғирини енгил қилиш эканлиги, бунинг учун ҳалол меҳнат қилиш лозимлиги айтилиб, машҳур “Даст ба кор, дил ба Ёр” ғояси келтирилган. “Дил ба Ёр”лик ҳолати инсонни меъёрда сақлаб, тана ва руҳ уйғун камол топади. Инсонда моддий ва маънавий томонлар уйғун бўлса, тўлақонли ҳаёт кечириб, оиласи, жамият учун керакли ва фойдали одам бўлади. Бу рашҳа инсонда динийлик ва дунёвийликни уйғун бўлишига ва икки томонга ҳам меъёрда муносабатда бўлишга олиб келади<sup>167</sup>. Шунинг учун ҳам Хожа Аҳрор Валий Баҳовуддин Нақшбандий айтган “Даст ба кору, дил ба Ёр”лик ғоясини алоҳида рашҳа сифатида ўғит қилиб қолдирди. Хожа Аҳрор Валий “Жавомиъул калим” асарида айтишича ҳар нарсанинг меваси бордир. Ҳилмнинг меваси баландлиғдур ва қаноатнинг меваси роҳатдур ва тавозуънинг меваси муҳаббатдур. Ҳар ким ҳилмга одат қилса, улуғ бўлади ва тўғрилиқни одат қилса, мартабаси баланд бўлади. Солиқнинг нафсининг истагига қарши бориши, барча истаклардан воз кечиб, ейиш, ичишда қаноат қилиши, оз ризққа қаноат қилиши кам амалини ҳам поклайди, юксак мақомга кўтаради. Адаблилик, ўзини барадан паст тутиш, хокисорлик ва камтарлик илоҳий муҳаббатга йўл очади. Хожа Аҳрор Валийнинг нафс масаласида фалсафий қарашларига қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин. Хожа Аҳрор Валий нафсни жиловлашда энг самарали усул сабр-қаноатдир, яни жисмоний-руҳий, ижтимоий тушқунликларнинг давоси сабрдир. Нафс инсонда мавжуд бўлган, тана эҳтиёжлари асосида юзага келадиган, тана ва руҳнинг биргалиқда пайдо бўладиган моддий ва руҳий эҳтиёждир. Нафс эҳтиёжлари меъёрида қондирилса, инсон учун зарур ва аҳамиятли ҳисобланади. Инсонда онг, ақл, ахлоқ, одоб, сабр, илм, тажриба нафсни

---

<sup>166</sup> Ас-Сафий, Фахр ад Дин Али ал Кошифий .Рашаҳот айн ал-ҳаёт. – Локноу, 1905. – Б. 346.

<sup>167</sup> Наврўзова Г.Н, Рахматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. - Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010. – Б. 89.

тарбияловчи асосий мезонлар ҳисобланади. Хожа Аҳрор Валийдаги мукамал инсоний фазилатлар ислом нури, шариат мутобаати ва тариқат шафоати туфайлидир. Хожа Аҳрор Валий кексайиб, куч-қувватдан қолганида ҳам одоб ва муомалани тарк этмаган. Жисман кучсиз бўлса ҳам, унинг руҳи тетик, иродаси мустаҳкам, заковати ўткир, хотираси кучли, фаҳми сезгир ва хушёр бўлган. Зеро, миллий маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этган буюк мутасаввиф зот Хожа Аҳрор Валийнинг маънавий мероси яна асрлар оша ўзликни англаш, қалб ва руҳни поклаш, жамият равнақи, мамлакатимизнинг барча соҳаларида жадал олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлиги учун хизмат қилади. Хожа Аҳрор Валийнинг борлик, билиш, вақт ҳақидаги фалсафий қарашлари, тасаввуфий нуқтаи назардан талқин қилинади. Тасаввуф таълимотида ваҳдат тушунчаси илоҳий ҳақиқатни англаувчи фалсафий ва ирфоний моҳиятдан иборатдир. Нақшбандия таълимотида ҳам борлиққа оид ғоялар бор. “Рашаҳот айн ил-ҳаёт”, “Нафаҳот ул-унс” манбалари маълумот беришича Хожа Аҳрор Валийни Ваҳдат ул-вужуд фалсафаси доимо қизиқтириб келган масалалардан бири бўлган. Хўш тасаввуф таълимотидаги илгари сурилган “Ваҳдат ул-вужуд” ғоясининг фалсафий моҳияти нимани англатади”? Ваҳдат ул-вужуд назариясига кўра, Мутлақ Зот-Ҳақ таолода, ўз хусну жамоли, қудрат, сифатларини намоён этиш истагидан пайдо бўлган ва ўз-ўзини танитиш учун Ўзидан Борлиқни яратди. Борлиқ гўё кўзгу бўлиб, Ҳақ жамоли, илму ҳикмати унда акс этади, жиқоланади. Шу асосда Ваҳдат ул-вужуд таълимотнинг асоси “тажаллий”(акс этиш) ғояси ҳам келиб чиқди. Ҳақиқий ва абадий вужуд Унинг Ўзи, яратилган моддий олам эса - абадий эмас, у фоний ёки Мутлақ Руҳнинг хаёли, холос. Демак ваҳдат - ягоналик, бирлик Ҳақ таолого хос, олам, борлиқ ҳам шу ягона Руҳи Мутлақ билан бирдир. Ибн Арабий таълимотида вужуд (борлик) билан олам икки алоҳида, мустақил фалсафий-ирфоний категория ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, олам вужуд бўлолмайди. Демак, у Мутлақ Вужуддан бир нарсадир: “Олам Ҳақнинг айни ўзи эмас. У бутунлай Ҳақ вужудида зоҳир бўлган бир нарсадир”.



Тушунишимизча “вахдат ул-вужуд” деганда моддийликдан, шаклу шамойилдан холи, аммо ана шу Ўзи яратган оламлар билан доимий бирга бўлган, уларнинг моҳиятини қамраб олган, уларга муҳит (шароит) бўлган Оллоҳнинг ягона вужуди тушунилади. Хулоса қилсак; Тасаввуфнинг назарий асосини ташкил этувчи вужудиюн таълимотига кўра, Аллоҳ таолони таниш бутун оламнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилиш демакдир.

Тасаввуфда Аллоҳни табиатда жилолантиришдан мақсад унга шак келтириш эмас, балки унинг улуғворлигини ҳис этиш маъносида тушунилади. Хожа Аҳрор Валийнинг бу ғояга амал қилиши Вахдат ул-вужуд фалсафасининг Нақшбандия таълимотига бемалол кириб келиши учун кенг йўл очиб берди. Инсоннинг ҳақиқий моҳиятни топиш, илоҳий ишқ, ўлимни эслаш, фоний ва боқий, ўзгарувчан ва абадий нарсаларни билиш инсонни ҳар қандай давр ижтимоий ахлоқий, маънавий фалсафий тафаккур тарихи учун муҳимдир. Инсон борлигининг муҳим томони унда тана, руҳнинг уйғунлиги, нафснинг меъёри ва қалбдир. Қалб огоҳлиги инсонни бутун борлиқ ва Оллоҳ билан боғлиқлигини айтиб ўтади. Хожа Аҳрор Валий *тавҳид* – қалбни Оллоҳдан бошқа барча нарсдан поклаш, *вахдат* – Оллоҳдан ўзгани билишдан қалбни асраш, *иттиҳод* – Оллоҳга тўлиқ ўзини топшириш каби тасаввуфий фикрларни билдиради. Хожа Аҳрор “Малфузоти Аҳрор” асарида Нақшбандия тариқатидаги робитаи (боғланиш, алоқа қилиш) Ҳақ, робитаи муршид ва таважжуҳ тушунчаларини ҳам Ибн ал-Арабий қарашлари асосида тушунтиради: “Робита ва муҳаббат тарзи дилнинг барча хаёллар ва тааллуқотлардан пок ва озод бўлиши учун керакдир. Зероки, муҳаббат камолга етгач, муҳиб маҳбубнинг яғонасига айланади ва нимаики маҳбубнинг муроди бўлса, матлуб муҳибнинг муродига айлангай. Муҳиб Аҳадият тажаллийсининг мазҳари бўлгай”<sup>168</sup>. Хожа Аҳрор Валий оламини, табиатни *лоҳут* – илоҳий, *носут* – моддий қисмларга бўлиб, инсон иккаласига ҳам эга эканлигини, носут олам инсон учун яралганини айтиб ўтади. Хожа Аҳрор Валий оламини касрат ва вахдат номлари билан атаган.

<sup>168</sup> Холмўминов Жаъфар. Вахдат ул-вужуд фалсафаси ва нақшбандия таълимоти. Монография. – Тошкент.: Тафаккур, 2020.- Б. 158.

Касратни (моддий олам, борлиқ) Оллоҳ жамолининг *тажаллийси*( акси) деб атаган. Хожа Аҳрор Валий оламдаги нарсаларни касрат-вахдат, фоний-боқий, ўзгарувчан-ўзгармас каби тушунган. Вахдати вужудни нақшбандийлар ҳамма Удир (Оллоҳдир), бутун олам илоҳий борлиқдан иборат деб тушунадилар. Вахдати вужуд таълимоти орқали Хожа Аҳрор Валий инсонни, моддий олам, табиатни, мавжуд ҳаётни, ундаги мавжуд нарсаларни илоҳий, дея кадрлашга чақирган. Демак, Оллоҳ асосий олам бўлиб, бор мавжудотлар ва нарсалар унинг акси ва кудратини акс эттиради инсон барчасини авайлаб асраш керак. Хожа Аҳрорнинг “Фақарот ул-орифийн” асарида баён этилишича тасаввуфдаги олам Оллоҳ тажаллийсидир. Ушбу асарда инсон доимо Худога интилиши, Оллоҳ қуёш, борлиқдаги нарса ва одамлар унинг зарралари деб тушунтирилади. Ушбу зарралар инсон қалбини ёритади, танасига тириклик ато қилади. Инсонда зарра тугаши билан унинг тириклигидан ҳеч қандай асар қолмайди. Қўлдаги кудрат, оёқдаги равонлик, кўздаги кўрувчанлик кулоқдаги эшитувчанлик ўшал тажаллий таъсирисиз маҳол. Хулоса шулки, ҳамма У билан ҳамма, Усиз ҳамма ҳечдир<sup>169</sup>. Ушбу жумлаларда Оллоҳ, Борлиқ, Инсоннинг ўзаро мувозанати, боғлиқлигини мутасаввуф теологик, гносеологик, фалсафий таҳлилар орқали тушунтиришга ҳаракат қилган. Баҳоуддин Нақшбанд шогирди Яъқуби Чархийни Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф икки илмни эгаллаган шахс, албатта иймон топади, юқоридаги сўзлари учун шогирдини мақтади ва бу амалларини қабул этдилар. Хожа Аҳрор Валий ва Баҳоуддин Нақшбанднинг бу ўғитлари ва рашҳалари шундан далолат берадики, улар бутун борлиқдаги барча нарсалар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига таъсир этади, деб билганлар. Шу билан инсонлар доимо тупроққа ҳам, сувга ҳам, ўсимлик ва бутун борлиққа эзгу, хайр ният билан, меҳр-муҳаббатли муомала билан муносабатда бўлиши лозим демоқдалар. Хожа Аҳрор Валий борлиқ, дунёнинг яратилиши ҳақида фикр билдириб, Оллоҳ оламдаги ҳамма нарса ва воқеаларни боғлиқликда (диалектика, кетма-кетликда) яратганлигини уқтиради. Бу ғоя

<sup>169</sup>Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фақароту-л-орифийн. Табаррук рисоалар. Таржимонлар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 56.

инсонпарварлик, ҳаётни қадрлаш, бутун заминни асрашни тарғиб этувчи умуминсоний таълимотдир. Хожа Аҳрор вақтга алоҳида эътибор қаратиб, “Кунларни беҳуда ўтказмаслик керак. Умрни шундай нарсага сарф қилмоқ лозимки, сендан мақсад шул бўлсин. Сенинг камолнинг ўшандадир”<sup>170</sup> - деб, у ҳар бир инсон ўз ҳаётининг мазмун-моҳиятини, жамиятда ўз ўрнини топа олиши лозимлигини уқтиради. Инсон буларни англаб, шукроналик билан меҳнат қилса вақтни абадиятга боғлайди, ғафлат билан бўлса, вақтни ўлдиради, йўқотади ва умрини зое ўтказади. Хожа Аҳрор Валий вақт масаласида “Ли маъ Оллоҳу вақтун” – “Оллоҳнинг мен учун вақти бор” ҳадисини<sup>171</sup> келтириб ўтади. Бу вақт жуда муқаддас ва азиз демакдир. Оллоҳ инсонга марҳамат этадиган вақт барча вақтлар ичида энг азиз ва муқаддасдир. Хожа Аҳрор Валий бу рашҳалари орқали инсон вақтини Муҳаммад пайғамбаримизни суннатларини доимий бажариб, гўзал ахлоқлари билан безаниб, у кишининг мислсиз сифатларини олса, Оллоҳ билан ҳам боғланган бўлади, дейди. Бу боғланиш қалбда сезилади. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи замоний – замон, вақтдан огоҳ бўлишни асосий тамойил сифатида киритган<sup>172</sup>. Хожа Аҳрор Валий ўттиз тўққизинчи рашҳасида Шайх Абу Саид Абул Хайрнинг шундай ҳикматли сўзларини келтирадилар: Машойихи тариқат қуддисОллоҳу таоло арвоҳаҳумдин етти юз тан (яъни киши) тасаввуфнинг моҳиятинда сўз ойтиб турурлар. Ул сўзларнинг ҳаммасининг тамомроғи ва яхшироғи бу турурким: Ал-тасаввуфу сарф ул-вақти бима ҳува авла биҳи, яъни тасаввуф сарфи вақт турур вақтига лойиқ ва муносиб бўлгон нимарсаким, муқтазойи вақтдир эрди. Демак, тасаввуф таълимоти вақт тақозо этадиган, шу вақтга муносиб ишга вақтни сарфлашни ўргатади. Буюк инсонлар, олиму фузалоларнинг қайси ҳаётлик даврида илму маърифатларидан, касбу ҳунарларидан баҳраманд бўлиши, вақтни, фурсатни тўғри сарфлашдандир. Аммо улар тириклигида вақт, фурсатни ғанимат билмаслик пушаймонлик келтиради,

<sup>170</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. – Табаррук рисоалар. – Т: Адолат, - Б. 120-121.

<sup>171</sup> Рахматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” Монография. – Тошкент: Адиб, 2014.- 120 б.

<sup>172</sup> Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. - Бухоро: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 104-109.

каби фикрларини берган. Хожа Аҳрор вақт тўғрисидаги қарашларида таъкидлашича; ўтган вақтларни ҳисоб-китоб қилиш энг яхши амаллардир. У инсоннинг тана ва руҳини илоҳий меъёрга солади. Вақтни орқага қайтариб бўлмас. Бу унинг ўзига хос хусусиятидир. Умрни, вақтни беҳуда сарфлаш инсонни асл моҳиятдан тўсади. Инсон ўзига берилган умр, вақт, нафас, имкониятни боқий абадий нарсаларга бағишласин. Бундай кишиларни Хожа Аҳрор баланд ҳимматли деб таъкидлайди “Баланд ҳиммат кимса шулки, ўзининг идрок қилувчи қудратини кучи етгунча Ҳақ субҳонаҳу билан машғул қилади. Зеро, фурсатни ғанимат билиб, ҳар бир нафасини худовандга сарф қилмоқ даркор”<sup>173</sup>. Яъни илоҳий сифатли бўлмоқ, нафс истакларидан ғалаба қилмоқ керак. Мутасаввуфнинг фикрича ҳеч ким билим эгаси бўлиб туғилмайди балки илм ўрганиш таълим олиш билан, олим, комил инсон даражасига кўтарилади. Инсонда қалб кўриқчиси ақл ва у фикрлаш манбаи ҳисобланади. Инсонда кўриш, эшитиш, сезиш, таъм-ҳид билиш, англаш, тушуниш, таҳлил, хулоса барчаси умумий ақлда жамланади ақл тушунчасида мужассамлашади. Хожа Аҳрор таъкидлашича тажрибалардан ҳосил бўладиган илм ақлдир. Нарса ва ҳодисаларни умумий тарзда билиш учун ақл ва тафаккур шарт ҳисобланади. Инсон тафаккурининг самараси билим, илм кўринишида ҳосил бўлади. Илм инсонни улуғлайди ундан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди. Илмли кишини олим деб атайди ва илм қилиши учун баҳс-мунозара зарурлигини таъкидлайди: Олим керакки, амалга қўшиш қилса, наинки дунё йиғмоқга васила қилсаки, илм тузатмоқ учундур, на дунё йиғмоқ учун: Олимга дуруст эмаски, омини беодоблигин ҳилм бирла ўткарсаки, икки тарафга зиёни бордур: олимнинг ҳаёбати йўқолур, омининг беодоблиги кўпаяр: Олим жоҳилни танийдур, ки олим ҳам вақтида жоҳил эрди ва жоҳил олимни танимас. Зероки, ҳаргиз олим бўлмағондир: Олим бўлсанг, амал қилғилки, амалсиз олим мевасиз дарахтдир<sup>174</sup>. Мутасаввифнинг фикрича жамиятда олимнинг ўрни уни жоҳил одамлардан фарқи, олим

<sup>173</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. Табаррук рисоалар. - Т: Адолат, 2004. – Б. 60.

<sup>174</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъул-калим. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ.Амин. -Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 338.

илмига амал қиладиган киши бўлишини айтиб ўтади. Тараққиётнинг барча давларида буюк алломаларимизни билиш, илм масалалари қизиқтирган. Маърифат кўнгилдаги илм, мушоҳада ва мақсад бўлиб, Оллоҳни таниш йўлидаги энг юксак даража ва энг яқин йўл. Аммо бу даража Оллоҳни танишдаги қуйи даражалар ибодат, шариат илми, ақл-идрок зоҳирий, нақлий илм туфайли ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, қалбдаги маърифатнинг асоси ибодат ва зоҳирий илм қудратидир. Хожа Аҳрор Валий ўзининг, “Анфоси нафийса” (Нозик латиф иборалар фикрлар) асарида инсон бор ғайратини Ҳақ-Худони Ҳар вақт, балки ҳар лаҳза ёдда сақлашга сарф этиши зарур, дейди<sup>175</sup>. Хожа Аҳрор Валий айтган рашҳаларда шундай байт сақланган: Як ҳамлаи мардонаи мастона бикардам, Аз илм гузаштаму ба маълум расидам<sup>176</sup>. Мазмуни: Мардона, мастона бир ҳамла қилдим, Илмдан ўтдим, маълумга етдим. Мутафаккир бу байтда илм ва маълум тушунчаларини қўллаб, илмдан маълумга томон бориш мумкинлиги, маълум илмдан юксак поғонада туришини, маълумга етишиш учун кучли ҳаракат лозимлигини таъкидламоқда. Хожа Аҳрор Валий “Волидия” асарида шундай ёзади: Муфассирларнинг айтишларича, оятдаги ибодатдан мақсад маърифатдир, чунки, ибодат зоҳирий амалларга тааллуқлидир. Аммо, уни зоҳирга таъйин қилинса, тўғри бўлмайди, чунки, хилқат (яратиш)дан мурод фақат зоҳир амаллар эмас, балки зоҳирий амаллар маърифатга тобеъдур ва мақсуд аслида шудур”<sup>177</sup>. Демак инсон эгаллаган билиминини, илмга айлантириб, ундан яшаш учун фойдаланиши керак. Бугунги кун ёшлари ҳам илмни фақат онгга эмас, қалбга сингдиришга уринишлари лозимдир. Хожа Аҳрор Валий илм бор жойда тараққиёт бўлишини таъкидламоқда. Ислом оламида ўзининг “Футуҳоти Маккия” (Макканинг кашфи), “Фусус ул-ҳикам” (Ҳикматлар гавҳари) асарлари билан тасаввуф фалсафасига буюк ҳисса қўшган Ибн Арабий инсон билимларини учга бўлган: биринчиси ақлий-ҳиссий билимлар,

---

<sup>175</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Анфоси нафийса. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари. М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Т: Адолат, 2004. – Б. 38.

<sup>176</sup> Фахриддин Али Сафий . Рашахот (Оби ҳаёт томчилари). М.Ҳасаний. - Т.: Абу Али ибн Сино, 2003. – Б. 339.

<sup>177</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидийа (Отага аталган рисола). - Т : Янги аср авлоди, 2004. – Б. 8.

зоҳирий фанлар билан шуғулланадиган кишилар, иккинчиси ҳол илми (ҳолат илми) мартабасига кўтарилган сўфийлар илми, учинчиси сирру асрор авлиёлар илми. Мутасаввуф Ибн Арабийнинг фикрларини таҳлил этиб шундай деган: тараққий амали била турурким, илмдан ноший бўлса, яни илм ва амал бирга, амалда қўлланилиб, тараққиётга сабаб бўлади. Хожа Аҳрор Валийнинг фикрига мувофиқ, инсон баркамолликка эришмоғи учун ўз билимларини узлуксиз ошириб бориши зарур. Шунингдек, у мадрасалардаги таълим-тарбияни, ўқитиш услубларини янада такомиллаштириш тарафдори бўлган. Муҳаммад Қози шундай ёзади: Хожа Аҳрор айтур эдиларким, ёшлар таҳсил билан шуғулланганларида уларнинг вақти нахву сарф (морфология ва синтаксис) қоидаларини ўрганишга кетади. Қандай тадбир кўрмоқ лозимки, уларнинг зеҳни ўзгармай, ғализлик пардасига ўралмай қолса. Ақобирлар айтмишдиларким, бунинг таъбири шуки, устод таълим ва шарҳ беришдан сўнг бу олий тоифанинг (тасаввуф аҳлининг) сўзлари ва шавқу завқ келтирувчи ўғитларидан келтирилиб, уларга амал қилишга тарғиб этмоқ даркор. Шундай қилинганда ёшларнинг зеҳни койимайди ва ўткирлиги сақланади<sup>178</sup>. Хожа Аҳрор Валий илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдиргувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак<sup>179</sup>, - деган ибратли фикрни айтиб ўтган. Хожа Аҳрор Валий инсон камолоти учун зарур нарсалардан бири илмдурки, риёзатга солур, то анинг тўғри ва мулойим қилур, деганда инсон илм билан тўғри – покиза ва мулойим бўлишини таъкидлайди. “Бадбахт улдирки, анга илм берсалар, амал бермасалар<sup>180</sup>, илмни ҳурмат қилмайдиган инсонлар ҳақида айтиб ўтган. “Рашаҳот”да қайд этилишича, бирон жойда толиби илм бор, деб эшитса ёки кимнидир касал, деб овоза қилинса, тез таъсирланиб, ўшаларга ёрдам беришга интилар, ўз мулозимларини уларнинг истиқболга юбориб, аҳволини билишга ва кўмак беришга шошилар, ўз вақф мулкидан нафақа тайинлаб, асҳобларидан тез-тез хабар олишни тайинлар эди. Хожа Аҳрор Валий асарларининг моҳиятидан

<sup>178</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор. Уйдирма ва ҳақиқат. Мулоқот 1991.№-3. – Б. 58.

<sup>179</sup> Ботирхон Валихўжаев . Хожа Аҳрор Вали. - Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 106.

<sup>180</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъул-калим. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 328.

шунинг билиш мумкинки, замон ва макон, вақт ҳақида Ибн Арабийнинг куйидаги фикрини келтиради, замон ва маконнинг барчаси Ҳақ ихтиёрида. Бирор макон унинг ихотасидан ташқарида эмас. Шунинг учун инсон қайси маконда ва қайси замонда талабда бўлса ҳам Ҳақ ундан огоҳдир<sup>181</sup>. Илоҳиёт илми ақлга сиғмайдиган, ақл ўлчовларидан юқори турадиган илмдир. Ибн Арабий айтадики: Худо ҳақида ҳам ақл тили билан гапириш мумкин, лекин ақл кучи билан Уни билиш мумкин эмас. Ақл исботни талаб қилади, Оллоҳнинг борлиги, зоту сифатларини далил орқали исботлаш мушкул. Маърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир, деб ёзади Ибн Арабий. Худди шундай фикрларни Хожа Аҳрор Валий ҳам билдиради; амаллар мажмуасидан мақсад дилда Ҳақнинг борлик зикрини тозалашидир.<sup>182</sup> Хожа Аҳрор Валий “Жавомиъул калим” асаридан илм, адаб ҳақида калимаи ухро; Бадбахт улдурки, анга илм берсалар, амал бермасалар. Тавфиқ берсалар, ихлос бермасалар ва яхшилар суҳбатига йўл берсалар, қабул бермасалар. Бундан англашиладики, тариқат аҳлининг адаби ўзига хос бўлиб, улар кўнгил адаби, кўз адаби, қулоқ адаби, тил адаби, кўл адаби, қорин адаби, оёқ адабидир. Адаби бўлмаган кишининг илми йўқ, у бадбахтдир. Шунга кўра, ҳар бир тариқатга кирган солиқ унинг мақомини тўла босиб ўта олган эмас, чунки руҳий-маънавий мартабаларга кўтарилиш, риёзат билан қалбни Аллоҳ висолига тайёрлаш, энг асосийси, ҳамида ахлоқ эгаси бўлиш, эзгу ишларга чоғланиш, инсонларнинг мададкори бўлишга, жавонмардлар расму русуми билан яшаш сабр-тоқат, кучли иродани талаб этган. Хожа Аҳрор Валий эътирофича, комилликнинг моҳияти, инсоннинг Оллоҳни англаб етишидан иборат ва шу ҳолат инсоннинг асосий мақсадини ташкил қилади. Хожа Аҳрор Валий таъкидлашича, зоҳирий илм инсонни дунёвий ҳаёти мезонларини белгилайди, ботиний илм эса руҳий камолотга етказувчи илм ҳисобланиб ҳар иккала илм ҳам инсонни қалбан ва жисман баркамол қилишини таъкидлайди. Бундан ташқари ҳар қандай ботиний ёки

<sup>181</sup> Наврўзова Г.Н., Рахматова Х. Х. Накшбандия тушунчалари генезиси. - Бухоро.: Бухоро нашриёти, 2010. – Б. 138.

<sup>182</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа .Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 50.

зоҳирий илмлар устозлар ёрдамида ўргатилишини айтиб ўтади. Комил инсон ҳақиқий илмни эгаллаган ва ўзгаларни ҳам комил инсон бўлишга ёрдам берувчи олимдир каби барча замонларга мос келувчи доно фикрларни қолдирган. Хожа Аҳрор Валийнинг айтишича илм икки турур: илми варосат ва илми ладуний<sup>183</sup>. Илми варосатни шундай илм дейдиларки, у мерос қолади, амал билан ҳосил бўлади, инсон ўз ҳаёти давомида, тажриба ва амаллари билан устоз сабоғи орқали ҳосил этилиб, ақлий оддий билим ҳисобланади. Хожа Аҳрор Валий иккинчи хил илм мураккаб ҳисобланиб тасаввуфдир, яъни ладуний илм – илоҳий илм, бу илмни қабул этиш учун ўзига хос истеъдод ҳам берилишини айтади. Тасаввуф илмини Хожа Аҳрор Валий – баҳси вужуддир деб айтади. Бу илм инсон танаси ва руҳияти ҳақида баҳс этади. Хожа Аҳрор Валий тасаввуф илмини инсоншунослик илми, барча илмларнинг асл мақсади инсон, унинг бахт-саодати эканлигини таъкидлайди. Мутасаввуфнинг тасаввуф илмига юқори баҳо бершига сабаб шуки, бу илм инсонга инсонийлик ҳақиқатини англаш, ўз нафсини таниш, нафс ёмонликларига қарши курашиш йўлларини ўргатади. Хожа Аҳрор Валийнинг тасаввуфни илмлар қаторига киритиши уни ўрганиши, асосий тушунчаларини таҳлил этиши, тасаввуфнинг бошқа илмлардан фарқини билишни тақозо этади. Тасаввуф таълимоти билан шуғулланган уламолар тасаввуфни сунний ва фалсафийга бўлганлар. Фалсафий тасаввуфни барча йўналиш аҳллари қоралайдилар ва инкор қиладилар, Қуръон ва суннатга асосланган сунний тасаввуфни қувватлайдилар. Фалсафий тасаввуф кейинчалик пайдо бўлиб, турли фалсафалар таъсири остида исломга ёт бўлган фикр ва эътиқодларни олға сурган<sup>184</sup>. Тасаввуфга, умумий илм сифатида таъриф берилганда, инсонга ўз қалбидаги салбий иллатлардан халос бўлиш йўлларини, инсон дилига эзгу-хислатларни қўлга киритиш йўлларини кўрсатувчи, маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксак шахс “комил инсон” даражасига эришиш қоидаларини ўргатувчи, ниҳоят, тавҳид (Оллоҳ

---

<sup>183</sup> Рахматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. - Тошкент: Адиб, 2014.- Б. 60 .

<sup>184</sup> Ислом манбашунослиги. - Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – Б. 220.



ягоналиги, бирлиги) сирларини баён этувчи, ўргатувчи илм сифатида қараш тўғри ҳисобланади. Хожа Аҳрор ўз асарларида муайян фикрни ифода этиш ва асослаш учун ҳадиснинг мазмун ва моҳиятини ифода этувчи қисмидан фойдаланган. Жумладан: “Рисолаи волидия” асарида шундай дейди: “Кимки билганига амал қилса, Аллоҳ таъоло билмаган илмини ҳам билдиради, ҳақиқий мусулмоннинг қўлидан ҳам, тилидан ҳам мусулмонлар озор топмайдилар”<sup>185</sup>. Тасаввуф инсон онги, ақли, руҳияти, тарбияси, жамиятда тутган ўрни, ҳақида фалсафий фикрларнинг йиғиндисидир. Тасаввуфни илмлар тизимига киритиш, илмларни таснифлаган бошқа мутафаккирларда ҳам учрайди. Аҳмад ибн Яҳё ибн Муҳаммад ал-Ҳафиз ал-Ҳиравий илмлар таснифида ҳам шаръий илмларни ўн иккига бўлган ва тўққизинчисини тасаввуф илми деб номлаган<sup>186</sup>. Хожа Аҳрор Валий илмлар ичида устун қўйган тасаввуф илми, бошқа мутафаккирларнинг ҳам эътиборини тортиб, бу илмга оид махсус таснифий ёки диний асарлар ёзиб бу илмнинг муҳимлигини таъкидлашган. Барча ҳақиқат ҳақида сўз юритувчилар бир фикрдаларки, маърифат Пайғамбаримизга тобеъликсиз ҳосил бўлмайди. Тобеъ бўлиш эса тобеъ бўлиш зарур бўлган нарсани билишга боғлиқ. Пайғамбар алайҳиссаломнинг эса сўзлари, феъллари ва ҳоллари бор. Ул зоти шарифнинг сўзлари тилга боғлиқ, феъллари зоҳирга (ташқи дунёси) боғлиқ, ҳоллари эса ботинга (ички дунёси) боғлиқ. Демак, камолотга интилган инсон дилида Оллоҳнинг ягона комил фарзанди ва унинг барча сифатларини касб этиш учун интилиш бўлмоғи лозимдир. Тасаввуф асосига мувофиқ равишда Хожа Аҳрор Валий ҳам билишнинг объекти Оллоҳнинг ўзи, билишнинг субъекти эса Оллоҳ томонидан яратилган одам, мақсад – мутлақ Ҳақиқатни англаш, яъни мутлақ мавжудлик одам сифатида намоён бўлади ва ўзини англайди. Буларнинг барчаси тасаввуф намояндалари томонидан “ақл-оқил-

---

<sup>185</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидийя. Масъул муҳаррих ва сўз боши муаллифи Б.Абдуҳалимов. Форс тилидан таржима, сўз боши ҳамда изоҳ муаллифлари Маҳмуд Хасаний, Дилдора Ражабова. - Т: Янги аср авлоди, 2004 йил. – Б. 7-8.

<sup>186</sup> Наврўзова Г.Н., Каримов Б.Х. Ўрта аср мусулмон Шарқида илмлар таснифи. - Бухоро: Истеъдод, 2008. – Б. 36.

маъкул” ибораси билан тушунтирилади<sup>187</sup>. Хожа Аҳрорнинг мана шу ўринда қадимдан мадрасаи олияларда мавжуд бўлган ўқитиш усуллари – илми шарх, илми қироат, илми таҳлил, нотиклик, воизлик йўлларида яхши хабардорлиги унинг ўз замонасининг маърифатпарвар кишиси эканлигидан далолат беради. Хожа Аҳрор бутун умр давомида илм истаб, илм ўрганиш, жаҳлдан узоқ туришни насихат қилдилар. Хожа Аҳрор увайсий устози Боҳауддин Нақшбанднинг қуйидаги насихатини: Пайғамбар қаерда бўлманг, илм талабидан узоқлашманглар ва агар обу оташ ичра ғарқ бўлсангиз ҳам, ғаввос бўлиб кечиб ўтинглар ва илм ўрганинг ҳадисини муридларига такрор-такрор уқтириб турган. Хожа Аҳрор Валий фалсафий қарашларида инсонни фалсафий тарифи нафақат жисм балки онг, ақл, идрок, ирода, илм, қудрат жамланмаси бир бутундир илоҳийдир ва уларни боғлаб турувчи мувозанат инсон қалбидир. Қалб бутун инсон танасини бошқаради. Мутасаввифнинг инсон, тана, рух, қалб, нафс, ақл, билим, билиш, борлик, англаш, ҳақидаги қарашлари инсон тафаккурининг маҳсули деб ҳисоблайди. Хожа Аҳрор Валий инсоннинг гносеологик моҳиятини ҳис-туйғу, сезгилар, ақл ташкил қилишини, улар орқали англаш, билиш, сезиш, тушуниш, идрок этишини таъкидлайди.

## **II.2. Хожа Аҳрор Валий асарларида ахлоқий кадриятлар.**

Тасаввуф таълимоти ислом оламида кенг тарқалган, диний-маърифий оқимдир. Бугунги миллий ғоя ва мафкуранинг асосий мақсадларидан бири бўлган баркамол шахс тарбияси учун чуқур диний-маърифий таълимотлар ўрта асрлар учун муҳим эди. Ўрта асрларда тасаввуф таълимоти ислом шариати сингари инсонлар амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалар йиғиндиси махсус дастури сифатида жамиятда риоя қилган. Биламизки, тасаввуф ислом дини кириб борган барча Шарқ давлатларида инсон фикри – тафаккури даражасида ва жамият маънавий тараққиётига боғлиқ ҳолда турли тариқатлар шаклида ривожланган, ижтимоий-сиёсий ҳаётга, илм-фан

---

<sup>187</sup> Мухаммедходжаев А. Ходжа Аҳрор (жизнь и учение) . - Канибадам, 2000. - С.29.

тараққиётига таъсир кўрсатган. Тасаввуф тариқатлар воситасида инсонларда Пайғамбаримиз амал қилган ахлоқни тарбиялаб босқичма-босқич олий камолот даражасига етказди. Эътиқод, иймон, ибодат инсонни руҳан поклайди, қалбига ва руҳига осойишталик бахш этади. Тариқатга кирмасданок, шариат талабларини бажарган инсон маънавияти етук шахс бўлиб шаклланиши мумкин. Ўрта аср Марказий Осиё худудларида масжид, мадрасалар асосан йирик шаҳарларда, пойтахтларда, беклик марказларида фаолият кўрсатган, аммо узоқ қишлоқ, овулларда, кўчманчи аҳоли ўртасида исломни тушуниш паст даражада эди. Шунинг учун аҳоли ўртасида диний маданиятни ёйишда тариқатчиларнинг ўрни аҳамиятли ҳисобланган. Юксак инсоний сифатларга эга бўлган одам, Оллоҳнинг сифатларини чуқурроқ идрок этиш, англаш, ҳикматларини тушуниш учун тасаввуф тариқатига кириш учун эҳтиёж пайдо бўлган. Тариқат аҳли узоқ дашту, чўллардаги манзилгоҳларда, қишлоғу овулларда шариат асосида исломни оммага тасаввуф ва тариқат асосида тушунтириб илмли шогирдлар чиқарган.

Тасаввуф таълимоти ва сўфийларнинг асосий мақсади суҳбат эмас, балки жамиятда йўқолиб бораётган, этиқод, инсонийлик, поклик ҳалолликни сақлаб қолишни тарғиб қилиш эди. Шу мазмунда, хусусан, нақшбандия тарафдорлари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этадилар<sup>188</sup>. Тасаввуф жамиятда диний-ахлоқий муносабатларини энг тўғри, энг яхши, манфаат туйғусидан йироқ бўлган ҳолда тартибга солгани, таълим бергани учун ҳам севилади. Ахлоқ тарбиясини тасаввуф таълимотидан ўрганиш мумкин. Жамиятда комил инсон тарбиясида сўфийлар иймонсизликка, муқаддас маънавиятимизга ҳурматсизликка, инсон дилининг ранжишига, умуман жамики адолатсизликка қарши курашувчи тарғиботчилар бўлган.

Хожа Аҳрор Валий нақшбандия таълимоти ва аҳрория шахобчасини ривожлантиришга оид бир неча муҳим асарлар ёзган;

*Рисолаи Ҳавроийя* (Хурлар ҳақида рисола). Ушбу рисола Хуросон тасаввуф мактабининг асосчиси йирик мутасаввиф Абу Саид Абул Хайрининг

---

<sup>188</sup> Муршиди комил ҳикматлари. Доктор, профессор, Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон ҳикматларидан сайланма. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 17-39.

инсон руҳи ҳақидаги рубойисига Хожа Аҳрор Валийнинг шарҳидир. Абу Саид Абулхайрнинг бу рубойисига Хожа Аҳрор Валийгача бешта шарҳ ёзилган деган маълумотлар манбаларда қайд этилган. Мутасаввуфлардан “Сайид Неъматуллоҳ Вали, Амир Саид Қосим Анвор, шайх Озарийлар рисолалар ёзган эдилар”<sup>189</sup>. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Амир Темур бу рубойини билганини ёзган. Хожа Аҳрор Валийни рубойига илгари ёзилган кўплаб шарҳлар қониқтирмаган. Шунинг учун Хожа Аҳрор рубойига тасаввуф тили билан шарҳ<sup>190</sup> ёзиб, тушунмовчиликларга барҳам берган. “Ким эшикни тақиллатаверса, шаксиз, эшик очилади” сўзининг тақозосига кўра, Ҳазрати Файёз (яъни Аллоҳнинг Хожа Аҳрор дилига солишига кўра ) бу фақир кўнглига маъноларни илҳом қилдики, дарров ундан таскинлик ҳосил бўлди<sup>191</sup>. Бу рисола Шарқшунослик институтининг олимлари М.Ҳасаний, Б.Умрзоқов, Ҳ.Абдуллаевлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган<sup>192</sup>. Рисолаи Ҳавроййа (Хурлар рисоласи) Абу Саид Абулхайр томонидан ёзилган, бемор кишига ўқилса шарофатли ҳисобланган.

*Ҳавро банозараи нигорам саф зад,*

*Ризвон з -таажжуб кафи худ бор каф зад.*

*Он холи сийаҳ бар он руҳон мутраф зад,*

*Абдол з-бийм чанг дар Мусҳаф зад*<sup>193</sup>.

Рубойининг биринчи қаторидаги “Ҳавро банозараи нигорам саф зад” (Хурлар нигоримга қараб саф тортдилар) мисрасидаги “ҳавро”дан мурод инсоннинг беморлик, жони узилаётган ҳолатда унинг тепасидаги турадиган хур ва бошқа фаришталардир. “Нигор”дан мурод инсон руҳидирки, у маҳбублик мақомидадир”. Рубойининг иккинчи қаторидаги Ризвон з-таажжуб кафи худ бор каф зад (Ақл таажжубдан кафтини кафтига қўйди)

<sup>189</sup> Валихўжаев Ботирхон. Хожа Аҳрори Вали. - Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 103.

<sup>190</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи хавроййа ёки Шарҳи рубойи Шайх Абу Саид Абу-л Хайр. ЎзРФА ШИ Қўлёзмалар фонди. 507/1, 514/Н, 890/У, 516/И, 1883/П сонли қўлёзмалар.

<sup>191</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи хавроййа/Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқов, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – 22 бет.

<sup>192</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор.Табаррук рисолалар.Таржимонлар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқов, Ҳамидуллоҳ Амин.- Т.: Адолат, 2004. – Б. 21-26.

<sup>193</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи хавроййа/Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқов, Ҳ.Амин. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 21.

мисрасидаги “Ризвон”дан мурод эса дил боғи (жаннат)ни қўриқловчи ақлдир.

Дилга жаннат номи берилган хабарлар бунга далилдир. Аммо дил беҳиштига табиат дўзахидан ўтмагунча етмайсан. Рубоийдаги “таажжуб” эса руҳ чиқаётган вақтда дилнинг ўзидан узоқ нарсаларни билиб қолишидир. Рубоийнинг учинчи қаторидаги Он холи сийаҳ бар он руҳон мутраф зад (Ўшал каро хол руҳларга хурсанд бўлди) мисрасидаги “Холи сиёҳ”дан мурод ўлим вақтида зуҳурга келадиган хорлик, мазаллат ва камтарлиқдир. Рубоийнинг тўртинчи қаторидаги Абдол з-бийм чанг дар Мусҳаф зад (Абдол, яъни бадал қилинган, ўринбосар, етти иқлимга маънавий посбонлик қилувчи валийлар кўрқинчдан Мусҳаф (яъни Қуръони каримга чанг солдилар) мисрасидаги “Абдол”дан мақсад нафсоний қувватдирки, у инсон моҳиятида турли ўзгаришлар ясайдиган нарсадир. “Мусҳаф”дан мурод эса “кулл мазҳари” жамлик нусхаси бўлган инсон ҳақиқатидир. “Чанг солиш” эса ўзларининг рутбаси пасайиб, руҳ мартабаси олий бўлганлигидан руҳга ёпишишдир. Мана шу бу фақир (Хожа Аҳрор Валий) нинг хотирига келган рубоий маъноларидир. Рубоийни қалбида Оллоҳнинг муҳаббати бор бемор бошида ўқилса, бемор ҳам бу рубоий маъноларини фаҳмласа, у кетаётган вақтида, албатта, шод бўлади. Зеро, муҳаббат шартлариданки, ҳеч бир лаззат муҳиб (ошиқ)нинг маҳбуб билан учрашишидан оладиган лаззат янглиф бўлмайди, бўла олмайди<sup>194</sup>. Алишер Навоий рубоийнинг шифобахшлик хусусиятига таъриф бериб, “Ҳамул дастур била бу рубоийни сойир маразига ўқурлар ва нафъ еткурурлар”<sup>195</sup>, - дейди. Аслида қазони бергувчи ҳам, қайтаргувчи ҳам Аллоҳнинг ўзи, бироқ орифларнинг дуоси Ҳақ ҳузурида мустажоб бўлади. Хожа Аҳрор Валийнинг Абу Саид Абулхайрнинг Рисолаи Ҳавроийа асарига шарҳидан инсон, унинг моҳияти, руҳи, танаси, ўлим, илоҳий ишқ ҳақидаги тасаввуфий-фалсафий тушунчаларни англаш имконини беради. Бу албатта, Аллоҳнинг ўз муҳибларига инъом этган

<sup>194</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроийа. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари - М.Ҳасаний, Б.Умрзох, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 24-25

<sup>195</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббатмин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17 - жилд Нашрга тайёрловчилар. С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. - Т.: - Фан, 2001. – Б. 125.

маърифати мевасидир.

*“Рисолаи Волидийя; Хожа Аҳрор Валий отаси Хожа Маҳмуднинг илтимосига кўра “Рисолаи Волидийя”<sup>196</sup> асарини ёзган. Аҳлуллоҳ (тарикат машойихлари) сўзларидан бизга андан ёзиб бергинки, токи биз ҳам олий мақомларга етишиш ва ҳақиқий илмлар ҳосил қилиш шарафига муяссар бўлайлик, чунончи, Расулulloҳ алайҳиссалом ҳадисларида дейилмишки: ҳар ким билган илмига амал қилиб борса, Аллоҳ таоло унга бошқа билмаган илмларни ҳам билдириб боради<sup>197</sup>. Хожа Аҳрор Валий отасининг амрига бўйсунини ўзига вожиб деб билиб, шундай изоҳлайди: “Ҳақ таолонинг бу фақирга илтифоти, аввало, уларнинг, яъни отанинг воситаси туфайлидир.*

*Отаси қилган учун таклифе, Қилди онинг отига таълифе*

*Толиб эл тилига мазкурдурур, Волидийя била машхурдурур<sup>198</sup>*

Кимки Парвардигорнинг кўмагини қабул қилган бўлса, бу кўмак таъсири туфайли у (отанинг) таъзимини вожиб деб билади. Чунки бу таъзим ҳам “ва илайҳи туржаъ ул-умур” (“Ва барча ишлар Унга қайтарилур”) ҳукми бўйича ул Ҳазрат (ота)га тегишлидир<sup>199</sup>. Маърифат (Аллоҳни таниш) ботиннинг, инсон руҳий оламининг амаллари деб эътироф этилади: “Маърифат ботиннинг аъмолидур”<sup>200</sup>. Асарда маърифатни эгаллаш тобеликсиз бўлмайди ва бу тобелик пайғамбаримизга бўлиши керак, деб таъкидланган. Мутасаввиф маърифатга, ҳақиқатга эришиш учун пайғамбаримизнинг сўзига, феълига, амалларига тобе бўлмоқ, у кишидан ўрганмоқ кераклиги ҳақида шундай деганлар: “Ҳазрати Рисолат (с.а.в.)га тобе бўлмай туриб, улуғ мартабалардан бирорта мартабага, етиб бўлмайди. Бас, билмоқ керакки, унга мукамал тобе бўлиш дилни Ҳақдин ўзгага боғлиқ

---

<sup>196</sup> Отага аталган рисола.

<sup>197</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. З.М. Бобур таржимаси. - Т.: Тошкент ислом университети, Т: 2004 - Б. 10.

<sup>198</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. З.М. Бобур таржимаси. -Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 9.

<sup>199</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. З.М. Бобур таржимаси. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 26.

<sup>200</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. З.М. Бобур таржимаси. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 5.

бўлмаслигидадир”<sup>201</sup>. Тасаввуфнинг моҳияти, мақсади бўлмиш маърифатуллоҳ – Аллоҳнинг илоҳий қудрати ва зотини англаш, Унга етишиш муҳаббат билан бўлади. Шунга кўра тасаввуф муҳаббат асосига қурилган, деб айтиш мумкин. Ҳақиқий ишқ – Аллоҳни таниш, билиш, англаш ва У билан бирлик туйғусидир. Хожа Аҳрор Валий Оллоҳни қалбда кўп зикр қилиш орқали Оллоҳни дўст тутиши, бу дамда Оллоҳдан бошқасининг фикри қолмаслиги, ҳаттоки севимли бўлган нарсалар ҳам унутилиши, ва ниҳоят, муҳаббат салтанатининг меҳмони бўлиш насиб этишини зикр этган<sup>202</sup>. Ҳақ ва халқ одобини сақламаган инсон камолотга эриша олмайди. Хожа Аҳрор Валий Рисолайи Волидиййа асарида инсон комиллигининг талаблари, деб қуйидагиларни билади: инсоннинг оммага ёрдам бериши, комилликни севиш билан Оллоҳ муҳаббатини қозониши, қалбни Оллоҳнинг кўзгуси деб билиши, шукур қилиб яшаши, доимо огоҳ бўлиши, вақтнинг қадрига етиши. Мутасаввиф одамларни ёмон, гуноҳ ишлардан қайтаришни фазилат деб биладилар. Хожа Аҳрор “Рисолайи Волидиййа” асарида инсоннинг Оллоҳга етишиши учун пайғамбаримиз ва тариқат амалларига риоя этиш ҳақида қуйидагиларни билишимиз мумкин: Пайғамбар сўзи, феъли ва ҳолини ўзлаштириш, шариат ҳукмларини бажариш ва ёмон сўзларни гапирмаслик, зоҳирда шариат одобига, ботинда нафс дил ва сир ҳукмларига риоя қилиш, Оллоҳ тажаллийсидан иборат, унга интилиш лозим, илоҳий маърифат нури бор жой, зоҳир ва ботинни одоб билан безаш, фаолиятда зоҳирда халқ билан, ботинда эса Оллоҳ билан бўлиш<sup>203</sup>. Ушбу рисола ўз вақтида ва ундан кейинги давр маърифат аҳли учун ниҳоятда қимматлидир. Хожа Аҳрор Валий шоҳларни тасаввуфга киритиш йўли билан жамият барқарорлиги ва тараққиёти учун йўл очган. Бу билан у ҳукмдорларнинг қалбан дарвеш бўлиши кифоядир, деган ғояни илгари сурган. Бундай дарвишлик Оллоҳ ҳукмини адо этишлик билан амалга ошган. Хожа Аҳрор Валий

---

<sup>201</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. З.М. Бобур таржимаси. - Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – Б. 31.

<sup>202</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи волидия. З.М. Бобур таржимаси. - Т.: Тошкент ислом университети, - 2004. - Б. 33-34.

<sup>203</sup> Жуманиёзова Д. Бобур ва Хожа Аҳрор муносабати. Жаҳон адабиёти. - Т: 2004. № 10. – Б. 141.

ҳуқумдорларнинг дарвишлигини ўз иродасини Оллоҳ иродасига бўйсундирмоқликда кўрмоқда. Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи Волидийя” ёки “Мухтасар” (Қисқартирилган рисола) номли насрий асарини Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1528 йилда форсий тилдан туркий тилга ўттирган ва 245 байтлик назмий рисолага айлантирган.<sup>204</sup> Рисоланинг ўзбек тилидаги таржимаси 2004 йилда Тошкентда нашр этилган<sup>205</sup>. З.М. Бобур эътиқодининг шаклланишида Хожа Аҳрор Валий шахсияти ва нақшбандия тариқати муҳим аҳамият касб этган<sup>206</sup>. Унинг тасаввурида Хожа Аҳрор руҳий мададкор валий кифоасида гавдаланган<sup>207</sup>. Бобурномада ёзилишича, Бобур Рисолайи Волидийя асарини таржима қилиш фикрида бўлганида оғир касал бўлган ва таржимани бошлаши билан касалдан тезда тuzалган. Бундай ҳолни Бобур Хожа Аҳрорнинг руҳий нажоти, қуввати деб билган<sup>208</sup>. Бобур Мирзо асардаги ирфоний ғоялар, зоҳидлик, парҳез қилиш, ҳайвоний нафсларни тийиш тўғрисидаги мисраларини таржима қилар экан, асар Бобур Мирзога шу қадар кучли таъсир этадики, ҳукмдор мартабасидаги шахсдан, нақшбандия тариқатига ихлос қилган муридга айланади. Бобур Мирзо Рисолайи Волидийя асари таржимасидан пири устози Маҳдуми Аъзамга юборади. Маҳдуми Аъзам Бобур Мирзо юборган Рисолайи Волидийя асарини ўқиш жараёнида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг руҳий кечинмаларини ҳис қилиб, ўзи ҳам чуқур таъсирланади. Ана шу таъсир натижасида Маҳдуми Аъзам ўзининг “Рисолаи Бобурия” асарини ёзади<sup>209</sup>. Рисолаи Бобурия асарида Маҳдуми Аъзам давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тариқат йўлига кириб, ўз ҳукмдорлигини руҳан камтарлик либосига алмаштиргани билан қутлайди. Асарда нақшбандия тариқати тушунчалари ва

---

<sup>204</sup> Раҳматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. – Тошкент.: Адиб, 2014. – Б. 31.

<sup>205</sup> Қаранг; Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидийя. Таржимонлар М. Ҳасаний, Д. Ражабова. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 17 б.

<sup>206</sup> Нуриддинов. А. Маҳдуми Аъзамнинг “Рисолаи Бобурия” асари хусусида. Фалсафа ва ҳуқуқ, № 1, 2009. – Б. 37-38.

<sup>207</sup> Раҳим Воҳидов. Бобур Мирзо ва Нақшбандийлар. Нақшбандия. Нишона сон. 2008. – Б 15-17 ; Жуманиёзова Д. Бобур ва Хожа Аҳрор муносабати. Жаҳон адабиёти, № 10, 2004. – Б. 138-141.

<sup>208</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – 318 бет.

<sup>209</sup> Раҳматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. – Тошкент.: Адиб, 2014. –Б. 34.



рухий фалсафий фикрларга шарҳ берилган. Афғонистонлик олима Шафиқа Ёркин 1983 йилда Хожа Аҳрор Валийнинг Рисолайи Волидиййа асарини афғон тилига таржима қилиб<sup>210</sup>, шундай ёзган эди: Темурийлар ва Ўрта Осиё сўфийларининг пир ва муршиди Хожа Аҳрор Валийнинг Рисолайи Волидиййа насрий асарининг мазмуни инсон зоҳири ва ботинини покиза қилмоқдан иборат бўлиб, Абул Фазл Алломий уни маърифат денгизининг дурдонаси деб билади<sup>211</sup>. Бу китобни ўқиб туриб, ўртада мени кўрмасинлар, фақат сўзга диққат қилсинлар, чунки бу сўз Ҳақдан етган илоҳий хикматдир<sup>212</sup>. Буни Хожа Аҳрор Валийнинг “Биз илмларимизни мангу ўлмайдиган абадий тирик Зотдан олдик, ориф инсон сўзловчининг ўзига эмас, балки унинг сўзига қарайди” деган доно сўзлари ҳам тасдиқлайди. Хожа Аҳрор Валийнинг” Рисолайи Волидиййа” асарини ўрганиш жараёнида шундай хулосаларга келамиз: рисолада инсон ва унинг камолотга етиш йўллари, инсоннинг зоҳиран ва ботинан ахлоқли бўлиши, ижтимоий адолат, одамийлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ғояларини сингдиришда муҳим ўрин эгаллайди. “*Фақарот ул-орифийн*” (Маърифат аҳли ҳаётидан лавҳалар)<sup>213</sup> асари Хожа Аҳрор Валийнинг бошқа асарларига нисбатан анчагина катта ва маърифат масалаларини кўпроқ қамраб олганлиги билан муҳимдир. Асар аслида “Фақарот ул-орифийн” деб номланган бўлсада, олимлар томонидан “Фақарот, Фикроти Аҳрориййа, Рисолаи Фақарот, Фақароти Аҳрорий, Воридот” (хотирга келган нарсалар, тушунчалар) деб ҳам аталган. Асар кўпроқ “Фақароти Аҳрориййа” номи билан кўпроқ учрайди. Ушбу асарни ёзишда Хожа Аҳрор Валий Ибн Арабийнинг “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ғояларидан фойдаланган<sup>214</sup>. Асарда кўплаб тасаввуфга оид масалалар тушунтирилади. Бу асардаги мулоҳазалардан Хожа Аҳрор Валий

<sup>210</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидиййа. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таржимаси. Ношир: Саидбек Ҳасан. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 2.

<sup>211</sup> Валихўжаев Ботурхон. Хожа Аҳрор тарихи. - Тошкент: Ёзувчи, 1994. – Б.75.

<sup>212</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидия. З.М.Бобур таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. - Б. 6.

<sup>213</sup> Фақарот ул-орифин / ЎзРФА ШИ Қўлғезмалар фонди. 507/П, 507/ХШ, 2967/П, 84/У, 2480/1, 516/Ш сонли қўлғезмалар.

<sup>214</sup> Раҳматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. - Т: Адиб, 2014. – Б. 22.

хақида мақомот ёзган муаллифлар фойдаланганлар<sup>215</sup>. Жумладан Алишер Навоий Ҳайрат ул-аброр асарида Хожа Аҳрор Валийни улуғлаб, камтарлиги ва халқпарварлиги ҳақида қуйидаги мисраларни келтиради;

*Токи жаҳон касрининг имкони бор,*

*Устида онинг фалак айвони бор.*

*Қўймасун айвони жаҳонни тухи,*

*Дабдабаи кўси Убайдуллоҳи.*

*Ҳимматидин бизни ҳам этсун Худой,*

*Фақр йўлида ганий, иймонга бой<sup>216</sup>.*

Хожа Аҳрор Валийнинг “Фақарот ул-ориғийн” асари нақшбандлик тариқатининг рукнлари, тил ва дил билан бирга зикр қилиш, шу пайтда хотирани паришон қилмаслик, Аллоҳдан бошқани ёдга келтирмаслик, бир нафасда калимаи тоййибани бир неча бор айтиш, дилни ғафлатдан сақлаш ҳар бир нафасни ҳушёрлик билан олиш, ҳар бир қадамни эҳтиёткорлик билан босиш, ўз ватанида, уйида ўтирса ҳам, фикран бутун коинот ва мавжудот ҳақида фикр юритиш, ўзи халқ ичида, анжуманда бўлса ҳам, хилватда ўтиргандек фикру зикрини Аллоҳга қаратиш каби усулларида намуналар ҳамда тариқат аҳли ҳақида бўлиб, “Фикроти Аҳрорийя” номи билан машҳур бўлган.

*Гар надорам аз шукр жуз номи баҳр,*

*Ин баса беҳтарки андар коми захр.*

*Осмон нисбат барш омад фуруд,*

*Вар на бас олийст пеши хоки туд<sup>217</sup>.*

Таржимаси:

*Агар Унинг номи учун шукр айтмайдиган бўлсам,*

*захр (аждарҳо) коми бундан яшироқдир.*

*Осмон Арига нисбатан настга тушиди, настда яратилди.*

*Ари бўлмаганда бир тўда тупроқ олдида осмон олий кўринган.*

<sup>215</sup> Валихўжаев Ботурхон. Хожа Аҳрор тарихи. - Тошкент: Ёзувчи, 1994. – Б. 74.

<sup>216</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр Ҳамса. - Т.: Фан, 1960. – Б. 50.

<sup>217</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя .Табаррук рисолалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 136.

Хожа Аҳрор Валий “Фақарот ул - орифийн” асарида инсон ва инсонийлик тушунчасини кўп ишлатган ва алоҳида эътибор берган. У инсонийликнинг энг катта мақсади зоҳирни ёмонликлардан халос қилиш, буйруқларга итоат қилиш ҳамда ботинни ўй-фикрлардан тозалашдир, токи дилга Ҳақнинг салтанати тажаллий қилсин, дилни ғайрнинг шууридан озод айласин<sup>218</sup> деб, асарни ёзишдан мақсад башарият алоқаларидаги ифлосликлардан дил ва бадан тозаланишига сабаб бўлиши деб таъкидлайди. Унинг назарида туғилишдан мақсад халқ учун, инсон учун хизмат қилишдир. Инсонийликни одоб сақлаш ва имондан кейинги шарт деб билган Хожа Аҳрор Валий бу ҳодисани ҳимматсиз содир бўлмайди, деб таъкидлайди. Ҳиммат унинг назарида бутун борлиғи билан мақсадга етишга интилиш, уни топиш ва халқ хизматига бўйсундиришдир.

Дарҳақиқат, Хожа Аҳрор “ўз манфаатларидан воз кечиб, ўзгалар манфаати учун яшаш улуг ишдир” деганида ана шуларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас. Тасаввуфнинг мавзуи бўлган эҳсон ҳақида шундай дейилган: “Имоннинг ҳақиқати эҳсондур, яъни, инсон ишониб эътиқод қилган нарса унинг учун зоҳирий ҳавас билан (яъни, сезги аъзолари орқали) сезиладиган нарсалардек ишонарли бўлсин, яъни, ибодат қилишда Худо кўриб тургандек унга сиғиниш эҳсон демақдир. Ушбу мақомга эришгандан сўнг, Худодан бошқа нарсалар муҳаббат пардаси, ҳақиқат нури орқали ўртадан кўтарилиб, инсон ҳақиқий яратувчидан бошқа нарсани унутиш шарафига ноил бўлгандан кейин Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан бошқа ҳеч нарса қолмай, унинг (банданинг) назарида фақат бир зот қолади. Шу орада шоҳидлик ва машҳудлик (шоҳид – кўрувчи, яъни, банда, машҳуд-кўрунувчи, яъни, Оллоҳ) сифатлари ўртадан кўтарилиб, “Ла яърифиллоҳа иллаллоҳ” (Аллоҳни Аллоҳдан бошқа таний олмайди) маъноси аён бўлади, қалам инжо расиду сар бишкаст (Бу ерга келиб қаламнинг учи синди)”<sup>219</sup>.

Демак, шоҳидлик ва машҳудлик сифатлари орадан кўтарилгандан

<sup>218</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари. М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 51.

<sup>219</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 103.

кейин ҳар иккала томон бир бўлиб, ораларида масофа қолмайди, яъни бирлашади. Бу эса ваҳдат ул- вужуд масаласининг ёрқин ифодасидир. Хожа Аҳрор шу ерга келиб қаламнинг учи синди, яъни ортиқча ёзиш мумкин эмас, деб сўзини тугатади. Хожа Аҳрор Валийнинг таъкидлашича, инсоний вужуддан умумий мақсад бандалик вазифаларини адо қилиш бўлиб, зикр ҳақиқатидан иборатдир. Зикрдан мақсад ҳақиқатан ҳам мазкурни (Аллоҳни) топишдир<sup>220</sup>. Бунинг учун дил, фикр, туйғуни Аллоҳга йўналтириб, Аллоҳ билан илоҳий ришта боғланади ва Унинг исмларини зикр қилиш орқали Аллоҳнинг чексиз қудрат, гўзаллиги идрок этилади. Зикр камолот мақомларининг ўзаги ва тамали бўлиб, орифларнинг таоми ҳисобланади. Зикрнинг ибтидоси Ҳақдан ўзгасини унутиш, интиҳоси – зокирнинг зикр ичида зикрдан ғойиб бўлишидир. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, зокир Ҳақни давомли зикр этгани ҳолда Унинг зикр этганини мушоҳада этади. Зокирнинг зикри Аллоҳнинг зикрида йўқ бўлиб кетади. Фақат Аллоҳнинг зокирни зикр этгани қолади, орада макон ҳам, замон ҳам бўлмайди. Бу эса ҳақиқий саодатдир. Хожа Аҳрор Валий мардларга яна шундай таъриф берган: Мардлик улдурки ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қил, ва ҳар ким сендан узулса, ёпишғил, ва ҳар ким сени ноумид қилса, анга эҳсон қил<sup>221</sup>.

Демак Хожа Аҳрор Валий мардлар деб илоҳий сифатларга эга булган кишиларни айтиб ўтган. Хожа Аҳрор Валий фикрича, инсон инсонийлик даражасида бўлиши учун ғафлатга қолмаслиги, нафс ва шайтондан огоҳ бўлиши лозим. Бу асар Шарқшунослик институти олимлари М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Аминлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган<sup>222</sup>. Хожа Аҳрор ўзининг Фақарот ул-орифийн<sup>223</sup> асарида нақшбандия таълимотига оид маърифатли бўлишга ундайдиган ғояларни кенг тушунчалар билан ёритиб берган. Хожа Аҳрор Валий “Фикроти

<sup>220</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фикроти Аҳрорийа .Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б.96-97.

<sup>221</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъул-калим.Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004.- Б.330.

<sup>222</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар/ Нашрга тайёрловчи ва таржимонлар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – 385 б.

<sup>223</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Фақароту-л-орифийн (Маърифат аҳли ҳаётдан лавҳалар). ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси: № 507/II.; иккинчи номи “Фақароти Аҳрорийя”дир.

Ахрориййа” асарини ёзишдан мақсад асл инсон, унинг ботинини илоҳий даражага юксалиши эканлигини таъкидлайди.

*Рисолаи “Анфоси Нафийса”*; Хожа Ахрор Валий машҳур араб файласуфи Ибн ул-Арабий назариясидан таъсирланган ҳолда Рисолаи “Анфоси Нафийса” (Дурдона сўзлар) асарини ёзади ва ушбу асарда Ваҳдат ул-вужуд ғояларини сўфиёна илгари суради. Ваҳдат ул-вужуд ва Ваҳдат уш-шухуд қарашлари ўртасида турган нақшбандийлик таълимотини кўпроқ Ваҳдат ул-вужуд томонга йўналтиради. Тасаввуф таълимотидаги “Ваҳдат ал вужуд” тушунчаси бир бутунлик, бирлашиб кетиш маъноларини билдириб, моддий олам Оллоҳнинг ойнадаги аксидир. Ваҳдат уш-шухуд арабчадан шахд, шоҳид, гувоҳликлар бирлиги, деган маънони англатади. Бу таълимотга кўра, Оллоҳ таоло покиза инсон қалбида ўзини мушоҳада қилади (кузатади) ва ўз навбатида тариқатда камолга етган сўфий қалбида Ҳақ таолони мушоҳада қилади. Тариқат йўлидаги солиқнинг амал қилиши зарур бўлган масалаларнинг баёнига бағишланган “Анфоси нафийса”<sup>224</sup> (Дурдона сўзлар) нозик фикрлар жамланмаси бўлиб, унда тариқат ва маърифат йўли, муриднинг покланиши, нафл ибодатларини адо этиш тартиблари, ўқиладиган зарурий дуолар батафсил баён қилинган. Маълумки, тариқат манзиллари нафснинг нафси аммора (ёмонликка буюрувчи нафс, ширк, куфр, жаҳл, ғафлат, гуноҳи кабира, кибр, хирс, бахиллик, шахват, ғазаб, ҳасад, адоват), нафси лаввома (пушаймонлик, қилган гуноҳ учун ўзни қойиш), нафси мулҳима (кўнгилни эзгулик, гўзаллик, билан тўлдириш), нафси мутмаъинна (сабр, ризо, ишонч, хотиржамлик, таваккул) ҳолатлари билан ўзаро боғлиқдир. Хожа Ахрор Валий кундалик зарурий ўқиладиган дуоларни ўқиш жараёнида солиқнинг руҳиятида бўладиган ўзгаришларни таҳлил этган: толибнинг бу ишлари гўё беморнинг парҳезига ўхшаган бўлиб, бемор иллатга сабабчи бўлган моддани суриб чиқаришга тайёргарлик кўради, сўнг сурги дорини қабул қилади ва сурги дори жон ва табиатга ўрнашиб олган

---

<sup>224</sup> Рисолаи анфоси нафийса . ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 5414-сонли қўлёзма.

бузуқ моддаларни ҳайдаб чиқаради ва уни (беморликдан) халос этади<sup>225</sup>.

Хожа Аҳрор Валий тариқат йўлида юрган кишининг ножинс (тариқат йўлида бўлмаган, дунё ишлари билан овора, нодон, жоҳил кишилар) билан суҳбат куришдан қайтариб, муридларига бундай кишилардан қочиш лозимлигини тайинлаган<sup>226</sup>. Хожа Аҳрор Валий солиқларни пири муршидининг измидан чиқмаслиги, кундалик вирд ва ибодатларни оғишмай бажариши, доимо таҳоратда юриши, ёмон улфат суҳбатидан юз ўгиришни талаб этадики, бундан кўзланган мақсад илоҳий маърифат сарчашмаларидан баҳрамандлик ва ҳақиқат сирларидан огоҳликдир. Бу мақомда Ҳақ йўлчиларининг Аллоҳни мушоҳада қиладиган ғайб пардалари очилиб, илоҳий сирлар кашф этилади ва улар барча илмларни ҳеч ўлмайдиган, доимо тирик зот, яъни Аллоҳдан олишади. Аллоҳ сирларининг қўриқчиси бўлган ҳақиқий ориф ўзини Аллоҳдан ўзгага муҳтож деб билмайди, фуқародан бирор нарса таъма қилмайди ва сирларини Аллоҳдан бошқага ошкор этмайди, бутун борлиғи ва меҳру муҳаббатини Аллоҳга бахш этади. Зеро, Аллоҳ “Ўз илми билан барча нарсани қамраб олгандир”<sup>227</sup>.

*Жавомиъул калим*; Хожа Аҳрор Валий Юсуф Муҳаммад ибн Юсуфнинг ҳикматларга бағишланган “Лавомиъул анвор” асарини форс тилидан туркий тилга таржима қилиб унга “Жавомиъул калим” деб ном берган. Шарқшунос олим М. Ҳасаний томонидан ўзбек тилига таржима қилинган “Жавомиъул калим” асарида 182 та калима келтирилган<sup>228</sup>. Ушбу кўлэзма Ўзбекистон Республикаси ФАШИда 441-рақам билан сақланмоқда. “Жавомиъул калим” асарининг ўзига хослиги шундаки, унда Хожа Аҳрор Валий томонидан кўплаб оят, ҳадис ва шайх ул-машойихларнинг ижтимоий ҳаётга оид ҳикматли сўзлари жамланган.

*Хожа Аҳрор Валий “Жавомиъул калим” асаридан калимаи ухро; (ухро*

<sup>225</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Анфоси нафийса. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари. М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Т: Адолат, 2004. – Б. 47.

<sup>226</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Анфоси нафийса. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари. М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Т: Адолат, 2004. – Б. 38.

<sup>227</sup> Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Тоҳа сураси, 98-оят. – Б.318.

<sup>228</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи ва таржимонлар М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 325-343.

– ибратли гаплар ёки умрини охирида авлодларга қолдирган ибратли фикрлари).

- Солиққа тўрт нарса керакдир: илмдурки, риёзатга солур, то ани тўғри ва мулойим қилур. Зикрдурки, анга мунис ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда даҳшат олмас. Парҳезкорликдурки, ани тўхтоткувчидурки, то ҳар ношойистага қарамағой. Яқиндурки, анга маркаб ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмағай. Бундан англашиладики, солиқ тарикдунёни ихтиёр қилиб, руҳий покланиш йўлига кирган. Илм, зикр, парҳезкорлик, илми яқинга мушарраф бўлган солиқда Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми унинг сифатларига айланади.

- *Хожа Аҳрор Валий “Жавомиъул калим” асаридан калимаи ухро:* Зухд улдурки, дунёдин юз ўгурсанг, Худойи таоло берганига рози бўлсанг ва ўз амалинг миқдоридин зиёда сўзламасанг. Зухд таркидунёчилик, парҳезкорлик, дунёга илтифот қилмасдан, тоат-ибодат билан кун кечириш, Аллоҳга маъқул нарсаларни севиш, Аллоҳ таъқиқларидан воз кечиш, иймон нури билан охират жамолини мушоҳада қилиш, дунёни қабих деб билиш, унинг барча лаззатлари ва зийнатларидан воз кечишдир. Валийларнинг уч аломати уларни оддий кишилардан ажратиб туради. Бу улуғликда -тавозуъ, бойликда -зоҳидлик, куч-қувватда - инсофдир. Эътиборга молик жиҳати шундаки, Хожа Аҳрор Валий ҳақ йўлчиларининг ўз амаллари даражасида сўзлаши лозимлигини таъкидлаган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқа муаллифлар хожагон-нақшбандия тариқатининг назарий асосларини ҳаётнинг турли соҳаларида амалда қўллабгина қолмай, уни назарий томондан ривожлантирганликларидан ҳам дарак беради.

*Мажмуаи мурасалот ёки Навоий альбоми;* Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари устида тадқиқот олиб борган олима Х.Рахматованинг, таъкидлашича Хожа Аҳрор Валийнинг мактублари XV аср дипломатиясининг нодир дарслиги ва намунаси десак арзийди. Чунки бу мактубларда мутасаввифнинг давлат бошқаруви, давлатчиликнинг нозик жиҳатлари, мураккаб сиёсий ҳолатлардан чиқа олиш маҳорати, жангларни

муроса – мадора, сулҳ ҳужжатлари билан алмаштириш каби юксак моҳирлиги ўз аксини топган<sup>229</sup>. Хожа Аҳрор Валий томонидан ўз замондошларига ёзилган мактублари ҳам бугунги кунгача етиб келган бўлиб мутасаввифнинг жамиятдаги тутган ўрни руҳий, ижтимоий, сиёсий дунёқараши ҳақида малумотлар беради. Улардан энг муҳими Мажмуайи муросалот (Ўзаро ёзишмалар) номли асар бўлиб<sup>230</sup>, олим Маҳмуд Ҳасанийнинг маълумотларига кўра, Навоий альбоми номи билан машҳур бўлиб, ЎзР ФАШИ қўлёзмалари фондида сақланмоқда. Манбада Мовароуннаҳр ва Хуросондаги тасаввуф шайхлари, мударрислар ва зиёлиларга мансуб 594 та дастхат мактублар жамланган. Бу мактубларнинг асосий қисми Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқарога йўлланган бўлиб, Ҳирот кутубхонасида сақланган ва Алишер Навоийнинг буйруғига асосан китоб ҳолатига келтирилган. Мажмуайи муросалотда Хожа Аҳрор Валийга тегишли 128 та мактуб мавжуд. Бу мактублар ҳақида Алишер Навоий “Насойим-ул муҳаббат” асарида шундай деганлар: “Аларнинг бу ҳақир ила кўп илтифотлари бор учун ваҳйи осорруқбалари била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилур эрдилар, ул руқбаларни мураққаб ясаб, жазвал ва тақаллуфот била асрармен”<sup>231</sup>. Алишер Навоий билан Хожа Аҳрор Валийнинг яқинлиги Хожа Аҳрорнинг вафотига қадар давом этган бўлиб, уларни бир-бирлари билан боғлаган жиҳат айнан тасаввуф экани маълум. Навоийнинг Хожа Аҳрор Валийга бўлган меҳру муҳаббати ва юксак эҳтироми “Мажолис ун-нафоис, Ҳайрат ул-аброр, Насойим ул-муҳаббат, Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” каби асарларида акс этган. Алишер Навоий Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандийлик тариқатининг назарий ва амалий жиҳатдан мукаммаллашуви учун қилган саъй-ҳаракатларини таърифлаб, “Аларнинг шариф вужудлари баракатидин бу шариф силсиланинг илтиём ва интизоми

---

<sup>229</sup>Раҳматова Х. “Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”. Монография. – Тошкент: Адиб, 2014. – Б. 38.

<sup>230</sup> Руқъоти Ҳазрати Хожаи Аҳрор. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси: № 526.V.

<sup>231</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мнн шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд /Нашрга тайерловчилар. С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайерловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. – Т: Фан, 2001. – Б. 280.



ило явмил қиём имтидод топқай”<sup>232</sup> - деб эҳтиром билан зикр этган. Хожа Аҳрор Валийнинг Руқаёт мактублари машҳур бўлиб, ўзбек ва чет эллик олимлари томонидан ўрганилган. А.Ўринбоев америкалик олима Нью Жерси университетининг профессори олима Жо Энн Гросс билан ҳамкорликда Хожа Аҳрор Валийнинг мактубларини рус тилига таржима қилдилар. Бу китоб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг муридлари томонидан ёзилган мактублар номи билан босмадан чиққан. Хожа Аҳрор Валий ва унинг муридлари, ўғиллари, куёвлари томонидан темурийларнинг Ҳирот саройига ёзилган руқбалар Мажмуайи муросалот асосида (258 дона хат) 2002 йили Голландиядаги Брилл нашриётида чоп этилди<sup>233</sup>. Хожа Аҳрор Валий руқбаларининг форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўгирилмаганлиги ҳисобга олиниб, улар Алишер Навоийнинг “Мажмуайи муросалотида” келган тартибда таржима қилинган. Мазмун жиҳатидан Хожа Аҳрор Валийнинг мактубларини Асомиддин Ўринбоев уч туркумга бўлади.

*Биринчи тур мактублар;* Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган темурий ҳукмдорлар Султон Маҳмуд, Султон Аҳмад, ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаролар орасидаги сиёсий, ҳудудий муносабатларга доир хатлар.

Уларда Хожа Аҳрор Валий темурий ҳукмдорлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йул билан ҳал қилиш, урушлар туфайли аҳолининг жонига ва мулкига зарар етказмаслик каби талабларни қўяди ва буни амалга оширишни Навоийдан илтимос қилади<sup>234</sup>. Хожа Аҳрор Валийнинг Султон Аҳмад ва Султон Маҳмуд ўртасидаги муносабатларни аҳиллик, тинчлик томонга буриш мақсадида йўллаган мактублари ҳам эътиборга моликдир. Ушбу мактуб Хожа Аҳрор Валийнинг ўша даврдаги сиёсий ҳаётда катта нуфузга эга бўлганликларидан далолат беради. Хожа Аҳрор Валийнинг сиёсий нуфузга эга мактублари Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Ҳусайнийнинг Ҳазрати Хожа Аҳрори Вали насабномаси асарида

<sup>232</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мнн шамойим ул-футувват. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд / Нашрга тайерловчилар. С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайерловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. – Т.: Фан, 2001. – Б. 156.

<sup>233</sup> Ислом энциклопедияси. – Тошкент.: Давлат илмий нашриёти, 2017.- Б. 538.

<sup>234</sup> Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси. Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси. - Тошкент.: Ижод пресс, 2020. – Б 238.

маълумот берилган. Бу мактубларда Хожа Аҳроп Валийнинг адолат, халқпарварлик, тинчлик, осойишталик ўрнатишга доир муносабатлари ёритилган. Ал-Ҳусайнийнинг Ҳазрати Хожа Аҳроп Вали насабномаси асари мутасаввифнинг авлоди олим Аҳропхон Усмонов томонидан мустақиллик йилларида форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган<sup>235</sup>. Абдулхай ибн Абдулфатҳ ал-Ҳусайнийнинг маълумотларига кўра, Ҳазрати Хожа Аҳроп Вали насабномаси китобига киритилган мактублар ас-Сафийнинг Хожа Аҳроп Валий ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот берадиган “Рашаҳот” китобига киритилмаган бўлиб, дастлабки дастхатлар асосида ёзилган.

*Иккинчи туркум хатларда;* Хожа Аҳроп Валий шариат қонунларини мустаҳкамлаш орқали мамлакатда адолат ўрнатиш ва оммани, мусулмонларни ҳимоя қилишга, солиқлар азобидан қутқаришга қаратилган, бўлиб, ҳуқумдорларни, амалдорларни ёрдам кўрсатишга даъват этади.

Темурийлар давлатининг инқирози натижасида оддий халқнинг аҳволи оғирлашиб, шариат томонидан белгиланган солиқлардан ташқари тўловлар сони ўттиз хилдан ошиб кетади.

*Учинчи туркум хатлар;* Хожа Аҳроп Валий ҳамда яқин муридлари Хуросон ҳудудида олиб борган хусусий, хўжалик ҳамда савдо-сотик ишларига оиддир. Бу хатларда Хожа Аҳроп Валий ўз даврининг йирик тадбиркори ва мулк эгаси сифатида гавдаланади. Бу турдаги хатларнинг мазмуни ўзи ва яқин кишиларининг, оддий фуқороларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган. “Рашаҳот” муаллифи Фаҳруддин Али Сафийнинг гувоҳлик беришича: Хожа Аҳроп Валий ҳар куни ҳуқумдорларга ва унга қарашли амалдорларга йигирмадан ортиқ руқъа, мактуб ёзар, улардан мамлакат ва айрим кишилар ҳаётига оид муаммоларни ҳал этиб беришни сўрар эди, ...ҳеч аҳдийга ул мажол бўлмас эрдиким, анинг руқъасининг мазмунидин тажовуз кўргай<sup>236</sup>. Ҳуқумдор ва амалдорлар эса унинг айтганини

---

<sup>235</sup> Абдулхай ибн Абдулфатҳ ал -Ҳусайний. Ҳазрати Хожа Аҳроп Вали насабномаси. А.Усмонов таржимаси. - Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 248.

<sup>236</sup> Султон Иззат. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. - Т: Фан, 1994.- Б. 69.

рад этолмай, бажарар эдилар. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва бошқа тасаввуф аҳлининг Мажмуа-йи муросалотда жамланган дастхат руқъалари XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда мавжуд бўлган маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт тарихини фалсафий ўрганиш учун муҳим манбалар ҳисобланади.

*Рашҳалар*; Буюк мутафаккир, алломалар томонидан айтилган фикрлар, ҳикматлар – рашҳалар деб аталади<sup>237</sup>. Рашҳа арабча томчи-ҳикмат деган маънони англатади. Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандлар тариқат сўфийлари амал қилиши зарур бўлган хулқ-одоб қоидаларини ишлаб чиққанлар ва уларни “рашҳа” деб атаганлар<sup>238</sup>. Хожа Аҳрор Валий рашҳаларини маъно мазмунига кўра қуйидагича тарифлаш мумкин;

- Қуръони Карим оятларининг тафсири берилган 16та рашҳалар.
- Ҳадисларнинг маъносига доир 8та рашҳалар.
- Авлиёларнинг ибратли сўзларига изоҳлар 8та рашҳалар.
- Буюк шайхларининг муқаддас сўзлари шарҳига доир 52 рашҳалар.
- Хожа Аҳрор Валийнинг ўзлари айтиб юрган 120та рашҳалар.
- Хожа Аҳрор Валийнинг рашҳалари жами 206 тадан иборат.

Хожа Аҳрор Валийнинг бунёдкор, жамият тараққиёти учун зарурий фикрга келишида Баҳоуддин Нақшбанднинг инсон ҳақидаги қарашларининг таъсири кучли бўлган. Хожа Аҳрор Валий рашҳаларининг ўн саккизинчисида Баҳоуддин Нақшбанд Ҳажга борганда ҳиммати жуда баланд ва жуда паст икки кишини кўрганлар. Ҳиммати паст деб, Баҳоуддин бир кишини тавофда кўрдимки, кўлини хонаи Каъбанинг ҳалқасига урубдур, шундоғ шариф жойда ва шундоғ азиз вақтда Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин ғайри Ҳақ субҳонаҳу таолони талаб қилур эрди, дебдилар. Ҳиммати баланд киши ҳақида Минонинг бозорида бир йигитни кўрдимки, эллик минг тилло олмоқ ва сотмоқ савдо этдиким, ул фурсатда бир лаҳза кўнгли Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин ғофил бўлмади, ул йигитнинг ғайратидин манинг ичимдан қон

<sup>237</sup> Ориф Усмон. Хожа Али Ромитаний. Мулоқот., № 6. – Б. 34.

<sup>238</sup> Сафарова Н. Хожагон тариқати. – Тошкент, 2003. – Б. 44.

кетди<sup>239</sup>. Биринчи одамни ҳиммати паст, дейилишига сабаб, у фарзни адо этиш учун Маккада бўлсада нафсидан ғолиб бўлмаган, нафси истагининг талабида юрибди. Иккинчиси савдо қилаётган бўлса ҳам, кўнглида Оллоҳни унутгани йўқ. Уни савдо-сотик ҳам йўлдан уролмаган. Хожа Аҳрор Валий йигирма тўққизинчи рашҳасида Баҳоуддин Нақшбанд меҳмонхонасида икки киши иймон-эйтиқоддан баҳс қилардилар. Уларнинг сўз баҳслари узокқа чўзилгач, Баҳоуддин уларнинг сўзларини эшитиб, ёнларига келиб айтдилар: “Агар манинг суҳбатимни хоҳларсизлар сизларга иймондин ўтмак керакдур<sup>240</sup>”. Улар хайратда қолиб, неча муддат изтиробда эдилар, то охир бу сўз маъноси уларга зоҳир бўлди. Бу ерда иймондин ўтмак керак, деганда сўзлар иймонни зоҳиран тушунадиган чегарадан ўтиб, асл иймон ҳолига тушиш кераклиги назарга олинади. Бу билан Хожа Аҳрор Валий ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам, инсон “Даст ба кору, дил ба Ёр”да бўлиши, ҳалол меҳнат қилиши учун тана ва руҳ талаби бўлган таом ейиш ва ухлашга меъёردа муносабатни зарурий деганлар. Хожа Аҳрор Валийнинг олтмишинчи рашҳасида инсон меъёрида ухлаши ва меъёрида таом ейиши лозимлиги айтилмоқда. Чунки таом емаслик танани, уйқусизлик руҳни касал қилади. Натижада инсон меҳнат ҳам, ибодат ҳам қилолмайди, демакки бандалик вазифаларини адо этиб билмайди. Хожа Аҳрор Валий комил инсон тарбиясида суҳбатнинг роли катта эканлигини таъкидлаганлар. У киши бу масалада Қуръон, ҳадис, буюк аждодлар – Абдулҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Хожа Али Ромитаний, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбанд кабилар ғояларига таянган ва ривожлантирган. Хожа Аҳрор Валий эллик тўққизинчи рашҳасида суҳбат одобига катта эътибор берганлар. Рашҳада суҳбатдошининг сўзлари ҳаракати ва ахлоқи инсоннинг руҳиятига ва танасига тасир қилиши мумкинлигини айтади. Яхши ҳамсуҳбат таъсиридан эзгулик ҳосил бўлса, ёмон ҳамсуҳбат инсонни ёмон амалларга тортади. Оллоҳ дилни шундай яратганки, одам ким билан суҳбатдош бўлса, ўша

---

<sup>239</sup> Ас-Сафий, Фахр ад-Дин Али ал-Кошифий. Рашахот айн ал-ҳаёт. Локноу, 1905. – Б. 345.

<sup>240</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил - ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар, муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б.335.

одамнинг суҳбатидан таъсир олади<sup>241</sup>. Тил билан илм ўрганиш, қўл билан ҳунар ўрганиш мумкин, лекин фақр мақоми, яъни ўзини Оллоҳ олдида ниёзманд, шикасталик, камтарин ҳолатда ҳис этиш содик, мард, азиз-авлиёлар суҳбати билан амалга ошади<sup>242</sup>, дейди Хожа Аҳрор. Тарихчи Абу Тоҳирхожа Самарқандий ўзининг Самария китобида шундай ёзади: “Хожа Аҳрорнинг ўзига жалб қилувчи суҳандонлиги шу даражада кучли эдики, умрбод эса қоларди. Хожа Аҳрор Валий таъкидлаганким, агар инсон мотамзада билан ўтирса, унда ғамгинлик, агар шод киши билан ҳамсуҳбат бўлса шодлик пайдо бўлади. Бу дилнинг комиллик қобилияти туфайлидир. Агар унда қобилият бўлмаганда эди, камолотларни ҳосил қилиш мумкин бўлмас эди”<sup>243</sup>. Инсон асл моҳият билан боғланса ботини илоҳий бўлиб, шаклан, зоҳиран кичик олам бўлса-да, ботинан улуғ олам – борлиғи бутун оламга айланиб, камолотга етади. Мутасаввифнинг фикрича, ақл билан илм ўрганиш, қўл билан ҳунар ўрганиш мумкин, лекин ўзини Оллоҳ олдида камтарин ҳолатда ҳис этиш, азиз-авлиёлар суҳбати билан, деб хулоса қилади. Хожа Аҳрор Валий яхшилар билан суҳбатни жаннат билан тенглаштириб, азиз-авлиёлар суҳбатини ғанимат санаш лозим, деганлар. Хожа Аҳрор Валий панду-насиҳат, ўғитларида, яхши суҳбатдош яъни дўстлар билан суҳбат фойдали, ёмон суҳбатдош билан ўтган вақт бекор кетади, сиздаги ижобий қувватни йўқотади. Шунинг учун Хожа Аҳрор Валий инсон камолотида ҳамсуҳбатнинг ўрни катта эканлигини англаб, шундай ўғит беради: “Суҳбат пирининг биринчи насиҳати бу ҳарфдирки, Ножинс ҳамсуҳбатдан узоқда бўлинг”<sup>244</sup>. Хожа Аҳрор Валий деганларки, суҳбат асносида ножинс, номуносиб кишининг ўзи бўлмасаю, унинг бирор нарсаси бўлса ҳам, ундай суҳбатнинг файзи кетади яъни ёмон ҳамсуҳбат инсон камолоти учун жуда зарарли эканлигини таъкидлади. Хожа Аҳрор Валий “Рисолайи Ҳавроийа

---

<sup>241</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Волидийя. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Т.: Адолат, 2004.- Б. 35.

<sup>242</sup> Наврўзова Г.Н, Рахматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. - Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010. – Б.78.

<sup>243</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Анфоси Нафийса .Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари : М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Т.: Адолат, 2004. – Б. 38.

<sup>244</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи Анфоси Нафийса. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Т.: Адолат, 2004. – Б. 38.

(Хурлар хақидаги рисола) ва “Фикрот ул-орифийнда” инсон хақида қуйидаги мисрани келтиради:

*Илоҳий номанинг нусхаси сенсан,*

*Шоҳ (Оллоҳ) Жамолининг кўзгуси сенсан,*

*Нимаики оламда бўлса, сендан ташқарида эмас,*

*Нимани истасанг, ташқаридан эмас ўзингдан изла ўша сенсан*<sup>245</sup>.

Хожа Аҳрор Валийнинг инсонни илоҳий сифатларга эга мавжудот ва шунинг учун ҳам илоҳийликка уйғун ҳаракатни унга мос деб ҳисоблайди яъни инсонда бутун борлиқ гўзаллиги акс этиши, зоҳир бўлиши таъкидланади. “Маънавий давлат шулки, ўз дилингни шағоли кавнайдан (икки дунёни) холи қилмоғингдир”<sup>246</sup>, яъни қалб икки дунё боғланишларидан фориғ бўлиши лозим. Инсонийликни Хожа Аҳрор Валий қалб ва руҳ билан боғлайди. Хожа Аҳрор Валий қалбни поклашга эътиборни қаратиб шундай ўғит беради: “Ўзингни фаррош сингари тутмоқ керак. Дилни кавний тааллуқотлар хасу хашагидан тозаламоқ даркор”<sup>247</sup>. Хожа Аҳрор Валий фаррошнинг супургиси деганда, зикр - Оллоҳни эслаш эканлигини айтиб ўтади. Хожа Аҳрор Валий шундай деганлар: “То кўнгулни дунё ва уқбо муҳаббатидан тозаласанг, Ҳазрати Худованди Каримга маҳал бўлмайдур. Зероки, экилган ерга экиб бўлмас ва битилган қоғозга битиб бўлмас”<sup>248</sup>. Қалб бошқа нарсаларга боғланса, Хожа Аҳрор Валий уни экилган ер ёки битилган қоғоз каби демоқда. Инсонда ўзини англаш, назорат этиш, мунтазам давом этадиган жараён бўлганида инсон меъёрда яшайди ва ҳолат ҳар қандай даврда муҳим ҳисобланиб бугунги кун талаби ҳамдир. Хожа Аҳрор Валий таълимотида инсоннинг моҳияти ва марказини руҳий камолот, ахлоқ эгаллайди. Хожа Аҳрор Валий ахлоқий ғояларини рашҳалар, ҳикматли сўзларида баён этганлар. Уларда муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, хайр-эҳсон

<sup>245</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Рисолаи ҳавроийя/Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳ муаллифлари – М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 374.

<sup>246</sup> Хожа Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя.Табаррук рисоалар. М.Ҳасаний ва У.Баҳриддин таржимаси. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 130.

<sup>247</sup> Хожа Аҳрор. Фикроти Аҳрорийя.Табаррук рисоалар. М. Ҳасаний ва У. Баҳриддин таржимаси. - Т.: Адолат, 2004. – Б. 138.

<sup>248</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомиъул-калим.Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ. Амин. - Тошкент.: Адолат, 2004. – Б. 347.

килиш, ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик қилиш, ахлоқий пок инсонни тарбиялаш, сабрли бўлиш, нафсини тийиш, худбинлик ва тубан иллатлардан кутулиш, ҳалол меҳнат билан шуғулланиш ҳақида фикр юритганлар. Хожа Аҳрор Валий инсон руҳий камолотида холис, эзгу ишларнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаб: “Сизни мол-дунёдан ўзингизни тийишингизни айтиш бу бахиллик ёки хасисликдан эмас, балки истайманки, сиз бу дунё (бойлик) билан овора бўлиб қолиб маънавиятдан, охират саодатидан ва мақсуд жамолидан маҳрум бўлиб қолмасангиз; ҳамиша камтарлик ва хушмуомалаликда бўлингиз, ўзгаларни ўзингиздан кам билманг, ёлғон сўзламанг, агар биров сизнинг камчиликларингизни айтса, буни неъмат деб билинг; дўстларга касаллиги вақти мадад қилиш ва оғирини енгиллатиш яхши ишдир, мадад икки навъдир (хил): бири, касалликдан кутулиш учун барча чора-тадбирларни ишга солиш ва иккинчиси, касаллик туфайли бузилган кайфиятни яхшилаш, кўтаришдир<sup>249</sup>. Хожа Аҳрор инсон ва унинг моҳиятини таҳлил этишда башарият мутафаккирлари Имом Ғаззолий, Жалолиддин Румий асарларига таянади. Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” ва “Фиҳи ма фиҳи” (Ичингдаги ичингдадир) асарларини маънавият қомуси дейиш мумкин. Хожа Аҳрор Валий Жалолиддин Румий асарларини ўрганган ва улар яратган таълимотидан фойдаланган<sup>250</sup>. Хожа Аҳрор Валийдан рашҳаларининг саккизтасида, ҳамда унинг асарларида Жалолиддин Румий тилга олинган ва у кишининг ғоялари билан уйғун фикрлар айтилганлигини аниқладик. Демак, Хожа Аҳрор Валий тилга олган шахсларнинг маънавий меросини ўрганиб, жамиятда инсонпарварлик ғояларини ривожлантирган. Хожа Аҳрор Валий Жалолиддин Румий “Маснавий”сидан шундай байтни ўқиганлар:

Фақир истасанг, у суҳбат ила қоимдир,  
унга тилинг билан ҳам, қўлинг билан ҳам эриша олмайсан<sup>251</sup>.

<sup>249</sup> Ботирхон Валихўжаев . Хожа Аҳрор Вали. - Самарқанд: Зарафшон, 1993. – Б. 106-107.

<sup>250</sup> Наврўзова Г.Н, Рахматова Х. Х. Нақшбандия тушунчалари генезиси. – Бухоро.: Бухоро нашриёт, 2010. – Б. 132-143.

<sup>251</sup> Фахриддин Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). Табдил қилувчи ва сўнг сўз муаллифи М.Ҳасаний. - Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2003. – Б. 342.

Инсоннинг илоҳий мавжудот эканлиги, у Оллоҳни таниш учун ўзини билиш ва унда бутун олам, борлиқ мавжудлигини изоҳлашда Хожа Аҳро Румий “Маснавий”сига таянади. Хожа Аҳро Жалолiddин Румий маснавийси моҳиятни ўз асарида таҳлил этиб, ҳақиқий инсон бандалик мақомида бўлиб, фақат Ҳақ билан боғланади, ҳамма нарсаларни асл моҳияти илоҳий эканлиги, улар инсон учун яралганини таъкидлайди. Хожа Аҳро Валийнинг асарларини ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида асарларида улкан фалсафий маънолар мужассамлашган, адабий тилда ёзилган, бу муаллифнинг араб тилини пухта эгаллаганлигидан, ислом илмининг билимдони, юксак фалсафий қарашларга эга эканлигидан дарак беради. Хожа Аҳро Валий ҳам инсонларни фаол мулоқотга, дўстликка, бирликка, меҳр-оқибатга чақириб, ўз ватанини севиш, ҳар қадамни ўйлаб, билиб босишга, ножўя ҳаракатлардан узоқ бўлишга даъват этиб, ҳар бир дақиқани ҳушёрлик, билимдонлик, зукколик билан ўтказишга ташвиқ қилганлар.

## **II боб бўйича хулоса**

1. Хожа Аҳро Валийдаги мукамал инсоний фазилатлар ислом нури, шарият ва тариқат шарофати туфайли эканли унинг ҳаёти, фаолиятидаги воқеа, ҳодисалар мутасаввифнинг асарлари ва мактубларида баён этилди.

2. Хожа Аҳро Валийнинг таъкидлашича, инсон баркамолликка эришмоғи учун ўз билимларини узлуксиз ошириб бориши зарур. Илми кишини олим деб атайди ва илм қилиши учун баҳс-мунозара, тажриба, тафаккур шарт ҳисоблайди. Комил инсон ҳақиқий илми эгаллаган ва ўзгаларни ҳам комил инсон бўлишга ёрдам берувчи олимдир каби барча замонларга мос келувчи доно фалсафий фикрларни қолдирган.

Мутасаввифнинг илм ва олимлар ҳақидаги қарашлари ижтимоий тафаккур ривожланишида прогрессив роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

3. Хожа Аҳро Валийнинг гуманистик қарашларида, инсонийлик ҳақиқатини англаш, ўз нафсини тийиш, нафсга қарши курашиш йўлларини



ўргатади, бунда дунёвий ҳам диний билимларни эгаллаш ва уларга амал қилиш лозимлигига асосий эътибор қаратилади. Мутасаввифнинг қалб уйғоқлигини таъминлашда, кўнгил бўш турмаслиги зарурлиги ҳақидаги ғоялари, инсон қалбини дунёвий ва илоҳий илмлар билан тўлдириб бориш зарурлигига асосланган. Хожа Аҳрор Валий билиш жараёнида ҳиссиёт ва ақлнинг ўрни ҳамда ролини инкор этмаган ҳолда, қалбни асосий билиш воситаси сифатида тавсифлайди.

4. Хожа Аҳрор Валий таъкидлашича, зоҳирий илм инсонни дунёвий ҳаёти мезонларини белгилайди, ботиний эса руҳий камолотга етказувчи илм ҳисобланиб ҳар иккала илм ҳам инсонни қалбан ва жисман баркамол қилишини таъкидлайди ва бу илмлар устозлар ёрдамида ўргатилишини айтиб ўтади. Тасаввуф илмини Хожа Аҳрор Валий – баҳси вужуддир (танаси ва руҳияти) яъни инсоншунослик илми деб атаб, барча илмларнинг асл мақсади инсон, унинг бахт-саодати эканлиги ҳақида янги фикрлар берилган.

5. Хожа Аҳрор Валийнинг “Рисолаи Волидия”, “Рисолаи Ҳавравия” ва “Руқотларида” нақшбандия таълимотининг ахлоқий мазмун ва моҳияти асослаб берилган, инсон комиллигининг мезонлари кўрсатилган.

## **III БОБ. ХОЖА АХРОР ВАЛИЙНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА БИРДАМЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАЛАРИ**

### **III.1. Хожа Аҳрор Валий ижтимоий-фалсафий қарашларининг инсонпарварлик моҳияти**

XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқатида вужудга келган ўзгаришлар, яъни мураосасозлик натижасида мавжуд ҳукмдорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Шу боисдан манбаларда бу ўзгаришларнинг моҳияти муҳолифатдан мурасага (келишиш) ўтишдан иборат эди,<sup>252</sup> - деб тушунтирилади. Яъни Хожа Аҳрор Валий даврдан бошлаб тариқат манфаатлари ва кенг маънода халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда, тариқатнинг ҳукмдорларга бўлган муҳолифатидан, тариқат билан давлат ўртасида ҳукм суриб келган қарама-қаршилик ва мурасасизликдан воз кечиб, улар билан муносабат ўрнатиш эди. Нақшбандия ўзининг уч асрлик тарихида илк бор давлат ва ҳукмдорларга юз тутиб, улар билан муносабат ўрнатди, ҳамкорлик қилиш йўлига ўтди. Хожа Аҳрор Валий фуқаро ва акобир (давлат раҳбарлари) нинг пушти паноҳи сифатида шуҳрат қозонган. Хожа Аҳрор Валий Самарқандда машҳур давлат арбоби сифатида фаолият олиб бориш орқали бир томондан, мамлакат маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиб, “жаҳон мулкининг нигоҳбони” мартабасига эришган. Бошқа томондан, нақшбандийлик тариқатининг назарий ва амалий мукаммаллашуви йўлидаги улкан саъй-ҳаракатлари учун “муршиди офоқ”, яъни оламнинг пири комили сифатида улуғланган.

Истиқлол шарофати билан синфийлик мафқурасидан қутилган ижтимоий-гуманитар фанлар Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий руҳий фаолиятини ҳар томонлама, холис ўрганиб, унга объектив баҳо бериш имкониятига эга бўлди ва биз манбалар асосида Хожа Убайдулло Аҳрор фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган ижтимоий ҳимоя тизимини қуйидагича тасниф қилдик:

<sup>252</sup> Саъдиев С. Нақшбандия тариқатининг улуғ ислохотчиси. Ибн Сино журнали. Баҳор нашриёти, 2004. № 13. – Б. 22.

- а) давлат бошқарувида халқ манфаатларини ҳимоялаш
- б) тариқат асосларини маънавий-руҳий ҳимоялаш
- в) халқни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя

Нақшбандия тариқатининг ҳукмдорларга бўлган муносабатининг ўзгариши манбаларда Хожа Аҳрор Валий туфайли тариқат ва давлат ўртасида юзага келган муносабат кенг маъноли “ихтилот”<sup>253</sup> (аралаштириш), ёки мураса, мулоқот, кенгаш, маслаҳат, келиштириш, ҳамкорлик тушунчаси билан ифодаланган. Хожа Аҳрор Валийнинг ҳукмдорлар билан ўрнатган муносабати нақшбандия-аҳрория давлатга номини олди ва муносабат масаласига янгича ёндаштириш, унга нисбатан янгича ва юқори мавқени эгаллаштиришга олиб келди. Нақшбандия тарихида жуда катта сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу ўзгариш тариқатда давр тақозоси билан вужудга келган ижобий ҳодиса, аниқроғи, ислоҳотчилик тадбири эди. Бироқ нақшбандия тарихидаги бу туб ўзгаришни ижобий ҳодиса, тариқатдаги ислоҳотчилик амали деб баҳолаш учун, аввало, унинг юзага келиш сабаблари ва мақсадларини аниқлаш зарурдир. Бу муаммони ечишда Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг “Танбият ус-салотин” рисоласи катта ёрдам беради. Хожа Аҳрор Валийдан кейин XVI аср биринчи ярмида Самарқандда нақшбандия тариқатига раҳнамолик қилган Махдуми Аъзамнинг мазкур асарида тариқат ва давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳақида батафсил сўз юритиб, тариқатнинг ривожини подшоҳларнинг унга бўлган хайрихоҳлик муносабатига боғлиқ деган фикрни қайта-қайта уқтиради. Махдуми Аъзам мазкур ғоя илк бор Хожа Аҳрор Валий томонидан кўтрилганига ишора қилиш билан бирга, унинг оғир кечганини таъкидлаган: “Яна ул зот (Хожа Аҳрор Валий) айтган эканларки, мунча мулоҳаза қилдим, подшоҳлар мадади, кўмагисиз ҳеч натижага эриштириш мумкин эмас, демакки, ҳақ субҳона ва таоло мени подшоҳлар билан ихтилот қилишга масъул қилди”<sup>254</sup>. Демак, подшоҳлар билан муносабатда бўлиб, халқнинг оғирини енгил қилиш Хожа Аҳрор Валийнинг

<sup>253</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. – Тошкент.: Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 247.

<sup>254</sup> Саъдиев Садри. Тариқатда ўзгариш ясаган муршид. Ҳидоят. 2004. № 12. – Б. 14-62.

бутун умр эзгу нияти ва доимий интилиши, бутун фикр – зикрини банд этган олижаноб бир истак, ирфоний ва ижтимоий фаолиятининг асосий мақсади бўлган. Хожа Аҳрор Валий мамлакат пойтахти Самарқандга кўчиб келишдан анча олдин, Тошкентда яшаган вақтларидаёқ шариат ривожини учун подшолар билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабат қилиш зарурлигини англаган. Мутасаввиф аслида шу ниятини рўёбга чиқариш мақсадида Самарқандга кўчиб келиб, тариқат ривожини, шунингдек, халқ ва мамлакат манфаати йўлида теурий ҳукмдорлар билан яқиндан алоқа боғлашга қарор қилган. Махдуми Аъзам Хожа Аҳрор Валийнинг подшолар мададсиз тариқат фаолиятини ривожлантириш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосасини шарҳлаб ёзади: “Аксарият халқ нодон ва жоҳиллиги боис шу тоифа (нақшбандийлар) завқу ҳолига мункир бўлиб, уларни ҳамиша такфир ва инкор этиб ташвишга солиб келганлар. Аммо агарда подшолар бу тоифага мухлис ва эътиқодманд бўлсалар, мункирлар ҳеч бир зиёнли иш қила олмайдилар. Агар подшолар бу тоифага эътиқодсиз бўлсалар, мункирлар ушбу тариқат тоифасига кўп ёмонликлар қилурлар”<sup>255</sup>. Бу ўринда Хожа Аҳрор Валий тарих майдонига келгунга қадар тариқат билан давлат ва расмий руҳонийлар ўртасида давом этиб келган муҳолифатга ишора қилинган. Махдуми Аъзам нақшбандия тарихига назар ташлаб, бу тоифа кўп азият ва озорларга дуч келганликларини таъкидлайди. Бироқ бу ҳодисалар боисини у фақат мункирларнинг нақшбандийлар завқу ҳолини тушунмаганликлари билан изоҳлаб, уларнинг ҳукмдорларга нисбатан муҳолифатда бўлганлиги ва шу боисдан уларнинг озор-азияти ва таъқибига гирифтор бўлганликлари ҳақида сукут сақлаган. Ваҳоланки, Хожа Аҳрор Валий тариқатнинг зарур даражада ривожланмагани, унинг кенг ёйилмаганлигининг ана шу асосий сабабини англаб етган ҳолда тариқат ва давлат ўртасида давом этиб келган маълум низо ва келишмовчиликни бартараф этишга бел боғлаган. Мутасаввиф бу низони тариқат ривожини йўлида катта тўсиқ деб билган ва бутун билим ва кучини ана шу тўсиқни бартараф этишга, ҳукмдорлар билан яқинлашиш, мурса

<sup>255</sup> Махдуми Аъзам Даҳбеди. Танбият ус-салотин. Асл матни нашрга тайёрловчи Б. Валихўжаев. Ўзбек тилига ўгирувчи К. Каттаев. - Самарқанд: Сўғдиёна, 1994. - Б. 60.

йўлини тутиш, ва ҳамкорлик қилишга сарфлаган. Нақшбандиянинг инсонпарварлик таълимоти руҳида улғайган, хамиша фақир-бечоралар ғами билан яшаган Хожа Аҳрор Валийнинг ўз олдига қўйган улуғвор мақсадларидан бири подшо ва давлат амалдорлари билан омма манфатларини кўзлаб, уларни адолат ва фуқаропарварликка чорлаш эди. Мутасаввиф шу мақсадни рўёбга чиқариш учун тариқатчиларга амалий имконият яратиб берар эди. Хожа Аҳрор Валийнинг ҳукмдорлар билан ижтимоий келишиши фақат тариқат ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни эмас, балки умуман жамиятда тинчлик, барқарорликни таъминлашни кўзда тутган эди. Хожа Аҳрор Валий ва ундан кейинги нақшбандия арбобларининг подшолар билан ҳамкорлик қилиши ҳукмдорларга тариқат пешволарининг ақл-заковати, ладуний (ботиний) билимларидан мамлакат ва халқ манфаатлари учун фойдаланишга йўл очиб берди. Бу тадбир Хожа Аҳрор Валийнинг диний-ирфоний фаолиятига ижтимоий тус берди, тариқат вакилини йирик жамоат арбобига айлантирди. Тариқат эса жамият ва дунёвий ҳаёт билан боғланиб, катта ижтимоий-сиёсий кучга айланди. Ҳукмдорлар ва амалдорлар билан келишиш нақшбандиянинг “суҳбат, мулоқот тариқаси” шиоридан келиб чиққан бўлиб, уни ривожлантирди, ижтимоий- иқтисодий сиёсий ҳаётда фаол қатнашиш, давлат ишларида иштирок этиш даражасига кўтарди<sup>256</sup>. Манбаларда, Хожа Аҳрор Валийнинг куйидаги фикри келтирилган: “Биздан бурунги шайхлар авом ташвишлари бўйича амир ва подшоҳларга мурожаат қилмаганлар. Биз эса бунинг билан доимий машғулмиз ва биз буни зарурат деб биламиз”<sup>257</sup>. Хожа Аҳрор Валий ўзининг сиёсатга киришиб кетишини замоннинг ёмонлашуви билан боғлайди. Шунинг учун халққа ёрдам бериш мақсадида ҳукмдор саройида бўлиш афзал, пайғамбарлар динини юксак чўққига кўтариб, шу билан ҳукмдорга бориш лозим, чунки, унинг тахту-тожи иймон-эътиқоднинг улуғворлиги олдида арзимас кўринсин, деб билади. Фахруддин Али Сафий

<sup>256</sup> Саъдиев Садри. Нақшбандия тариқатининг улуғ ислохотчиси. Ибн Сино тиббиёт журнали. 2004. № 13. 21 б.

<sup>257</sup> Муҳаммад Бурхониддин (Муҳаммад Қози). Силсилат ал-орифин ва тазкират ас - сиддикийн. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ, № 4452, в. - а74 б.

“Рашаҳот айн ул-хаёт”асарида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Абдулҳолик Ғиждувоний тилидан айтилган қуйидаги сўзларни келтиради: Ҳазрат Абдулҳолик Ғиждувоний буюрмишларки, халқ гарданидан оғирликни кўтариш керак, аммо бунга ҳалол касб билангина эришилади: “Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан” шиори хожагон тариқатида муқаррардир. “Силсилат ул-орифин” асарининг муаллифи Муҳаммад Қозининг айтишича, мазкур ғояни давом эттириб, уни амалда қўлламоқ учун Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор: мусулмонлар бошидан жабр-зулмни даф этмоқ дин ва шариатни дастур қилган ҳолда султонларга мурожаат қилмоқ лозимлигини нақшбандия тариқати аҳлининг вазифаларидан<sup>258</sup>, деб уқтиради. Хожа Аҳрор Валий ўз фаолияти мобайнида нафақат сиёсатчи, балки йирик норасмий давлат арбоби сифатида ҳам шуҳрат қозонди. У Мовароуннаҳр худудидан ташқари атроф минтақалардаги сиёсий воқеаларга ҳам ўз таъсирини ўтказа олди ва нақшбандия таълимоти, унга ана шундай фаолият кўрсата олиши учун назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилган. Хожа Аҳрор фаолиятидан анча илгари ишлаб чиқилган ва унинг томонидан тарғиб этилаётган ғоялар бу вақтга келиб аниқ, тугалланган мантикий якун топишига улгурган эди. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Махдуми Аъзам, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Султон Абу Саид, Султон Аҳмад каби ўз замонасининг етук алломаю султонлари Хожа Аҳрор Валийни ўзларига маънавий пиру муршид деб билганлар. Ўрта аср Мовароуннаҳрида жамиятдаги аҳолининг барча қатламлари энг оғир лаҳзаларда Хожа Аҳрор Валийни ўзларига маънавий раҳномо сифатида тан олди, ўз фаолияти мобайнида Хожа Аҳрор кўп маротаба темурийлар низоларида томонларни яраштирувчи арбоб вазифасини бажарди. Масалан, мутафаккир Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрор Валий билан шахсан таниш бўлган ва 1460 йилда Ҳиротда, 1465 йилда Самарқандда, 1467 йилда Марвда, 1490 йилда Самарқанд ва Андижонда учрашишган. Абдурахмон Жомий Саъдуддин Кошғарийнинг Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги ҳикояларидан таъсирланиб, унга нисбатан ғойибона

---

<sup>258</sup> Буюк юрт алломалари. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 343.

эътиқодни шакллантириб, ўзига маънавий пир деб қабул қилган эди. Бунинг замирида уларнинг дунёқарашидаги фалсафий ва ижтимоий-сиёсий ҳамоҳанглик ётади. Шунинг учун Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолиятини мукаммал ёритган олим Абдурахмон Жомий бўлган, деб айтиш мумкин. У ўзининг “Искандар ҳирадномаси” достонида “Муқаддас Ҳазрат Убайдуллоҳ сиҳатликлари дуосида” фаслида ўттиз етти байт, “Юсуф ва Зулайҳо” достонидаги “Хожа номини зикр этишда оқ фотиҳа тилашлик” фаслида ўттиз беш байт, “Тухфат ул-аҳрор” достони эса тўлалигича Хожа Аҳрор Валийга бағишланган. “Силсилат уз-заҳаб” достонининг “Қасрат сувратининг тазоҳири ваҳдоният асрорини кўришга монелик қилмайди” номли фаслида эса Хожа Аҳрор Валийнинг донишмандлиги, тадбиркор сиёсатдонлиги, саховату мурувватда ягоналиги ўта нафис мисраларда акс этган:

*Унинг донишмандлик чашмасидан,*

*Хуросону Мовароуннаҳр баҳра олади.*

*У саховат ва ирода қуввати билан*

*Чингиз авлоди исқиртидан Пок этди бизни.*

*У ёмғир каби саховатлидир,*

*Поклаб қўйиш эса булутнинг ишидир<sup>259</sup>.*

Абдурахмон Жомий “Хожа Аҳрор Валийни “фақр аҳлининг пешвоси, каъбаи мақсуд” дея улуғлайди. Эшон ваъзларида ўзининг ушбу ваколатини тез-тез таъкидлаб ўтарди. Унинг сулҳпарвар зот сифатида шуҳрат топишини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турли қатламларга ажралиши, давлат ичида тарқоқлик ва ўзаро низоларнинг кучайиши даврида халқ оммасининг қашшоқлашуви ягона ахлоқий-ғоявий тизимга асосланган маънавий бирлашувга бўлган эҳтиёжни кучайтиради.

Ўрта аср жамиятида бундай вазифани фақат диний тасаввуфий ғоя мафкура бажара олар эди. Нақшбандийлар давомчиси Махдуми Аъзам “Танбият ус-салотин” асарида тариқат ва давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳақида батафсил сўз юритиб, тариқатнинг ривожини подшоҳларнинг унга

---

<sup>259</sup> Абдурахмон Жомий. Силсилат-уз заҳаб, Нафаҳот у-л-унс мин ҳазароти-л-қудс. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси № 4409.

бўлган хайрихоҳона муносабатига боғлиқ, деган фикрни қайта-қайта уқтиради<sup>260</sup>. Хуллас, Хожа Аҳрор Валийнинг мактубларини XV аср дипломатиясининг юксак намунаси дейишимиз учун асос бор. Чунки бу мактубларда мутасаввифнинг давлат бошқаруви, ҳукмдорлар ўртасидаги муносабатлар, мураккаб сиёсий ҳолатлардан чиқа олиш, дипломатик маҳорат, жанглари олдиндан сулҳ ҳужжатлари билан алмаштириш каби юксак маҳоратли шахс эканлигини кўрсатади. Хожа Аҳрор Валий ўз мактублари орқали катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, маслаҳат берган ва лозим бўлган жойларда амалий кўмак сўраган: фуқаролар осойишталиги тинчликка боғлиқдир. “Истар эдикки, теурийзода шахзодалар ўзаро тотувликда яшасалар, токи фуқаролар осойишталиги бузилмасин”<sup>261</sup>. “Мажмуайи муросало”даги мактубларининг мазмунидан шуни билишимиз мумкинки, аҳолини “номбардорлик” солиғидан озод қилишга қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз: “Ниёзмандлик изҳоридан сўнг билдириладики, ушбу ниёзмандлик руқъасини элтувчи бу фақирдан жанобингизга мурожаат қилиб, иноят юзасидан уни фавқуллодда номбардорлик (солиғи)дан халос этишингизни илтимос қилишимни сўради. Заруратан илтимос қиламанки, хотири шарифингиз шунга қаратилсаки, уни халос қилсалар. Ишонаманки, унга нисбатан ўз шафоатингизни дариғ тутмассиз”. Мазкур мактубда Хожа Аҳрор Валий жабрдийдани номбардор деган солиқдан озод қилишни ҳукмдорлардан сўрайдилар. Мажмуайи муросалотдаги 13-мактубда подшоҳларга ҳақиқий саодатни топиш йўли халқ ғами, ташвишини енгиллаштириш эканлигини билдириб, уларни раийъят манфаатини унутмасликка даъват этади: Агар Ҳақ таоло ўз инояти билан подшоҳларни шундай йўлга солсаки, улар бутун ҳимматларини ҳақиқий саодатни топишга, (яъни) раийъятни парвариш қилишга ва ўз пайғамбари шариатига ривож беришга йўналтирсалар, биз каби фақирлар у подшоҳларнинг нурларидан фойда ва файз топиб, ушбу даврнинг муҳим иши билан машғул бўлишга

<sup>260</sup> Саъдиев Садри.Тарикатда ўзгариш ясаган муршид. Ҳидоят, 2004. № 12. – Б. 14-15.

<sup>261</sup> Мажмуаи мурсалот / ЎзРФА ШИ қўлезмалар фонди 2178-сонли қўлезма – Б. 201.



умидвор эдик. Модомики, инсонлар орасида ўтиб кетгувчи хузур-ҳаловатни деб, муҳолифат воқеъ экан, бизга ўхшаш фақирлар мақсад томон юзланиш саодатига қачон етиша оламиз<sup>262</sup>. Хожа Аҳрор Валий ўз номаларида оддий фақир кишилар манфаатини кўпроқ тилга олган ва ҳимоя қилган. Ҳусайн Бойқаро саройидаги сиёсий муаммолар, ўғиллари Бадиуззамон ҳамда бошқа шахзодаларнинг низолари Алишер Навоийнинг тушкунликка тушиши ва сарой хизматидан бешишига олиб келган. Тариқат пири Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий масаласи ечими учун Хожа Аҳрор Валийга мурожаат қилганлиги ҳақидаги номалар Мажмуаи муросалотда қайд этилган. Бунда Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрор Валийнинг жамиятда юксак диний даражаси, тариқат пешвоси ва давр сиёсатдони эканлигига таянган. Алишер Навоий саройидаги фитна ва бузғунчиликлардан чарчаб вазирлик лавозимидан кетмоқчи бўлганда Хожа Аҳрор Валий Абдурахмон Жомийнинг илтимосига кўра ғоят таъсирли мактуб битган: “баъзи бир воқеа ва ҳодисалар сабабли онҳазратнинг мулозаматида бўлишдан малоллик чекаётган эмишсиз. Илтимос шулки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотири шарифингизни саройида мулозамат қилиш томонга қаратсангиз. Умидимиз шулки, бирор фақирнинг хотири бирон-бир қийинчиликдан нажот топиб, унинг кўнгли хурсандчиликка етишиши эвазига дилингизда шундай раванқлик зоҳир бўлсаки, дунёвий паришонликка қарамай, Ҳақ таолога етишиш завқи ортиб борса. Ҳеч ким мусулмонлар ғамини емай қўйган бу пайтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади”<sup>263</sup>. Ушбу мактуб Хожа Аҳрор Валийнинг ўша даврдаги сиёсий ҳаётда катта нуфузга эга бўлганлигини яна бир қарра исботлайди. Бу мактуб оддий фуқарога эмас, балки бош вазир, энг мўътабар аллома, шоир Мир Алишер Навоийга ёзилган эди. Бунда ўз таъсир кучига ишонган Хожа Аҳрор Валий адашмаган эди. Манбаларда кўрсатилишича, Хожа Аҳрор Валийнинг мактубдаги илтимосини Алишер Навоий қабул қилган ва яна анча муддат Ҳусайн Бойқаро саройида ўз хизмат вазифасини бажарган. Мактублар билан танишар эканмиз, тариқат

<sup>262</sup> Ўринбоев А. Тарихий руқъалар. Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004. №3. – Б. 171.

<sup>263</sup> Ўринбоев.А., Ҳасанов М. Навоий замондошлари мактублари – Т: Фан, 1990. – Б. 21.

пешволари Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг ҳам халқ, омма дарди, ташвишини енгиллаштиришга доимо ҳамфикр бўлганликларини кўришимиз мумкин. Хожа Аҳрор Валий ўз қўллари билан Хуросон подшоҳи Хусайн Бойқарога мактуб ёзиб, ноҳақ қамалган икки маҳбусни озод қилиш тўғрисидаги илтимосномаси самарқандлик олим К.Каттаев томонидан таржима қилинган (ушбу нома Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг № 2178 рақамли Хожа Аҳрор мактублари жамланган альбомда 464-инвентар рақами билан сақланади). Илтимосномада ёзилишича “ ...зарурат юзасидан илтимос қилурманки, хотири шарифни тутиб, ул Ҳазрат (Хусайн Бойқаро) уларни озод этсинларким, биз фақир ҳам таскин топайлик, бу ташвишдан қутулайлик. Аниқки, агар иноят қилсалар, Ҳақ таолодан иноят топулар ва Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи ва олиҳи васалламдан афв этмак раво бўлгандир. Омонлик ва ҳурмат тилаб, ал-фақир Убайдуллоҳ”<sup>264</sup>. Оддий халқ ташвиши билан яшаб, фаолият кўрсатган Ҳазрати Хожанинг ушбу мактублари ул зотнинг қандай инсон бўлганликларини ойнадек кўрсатиб турибди. Синфий мафкурага асосланган шўролар даврида тарих ва жамиятшунослик фанлари мазкур тарихий ҳақиқат – Хожа Аҳрор Валийнинг халқ манфаатларини кўзлаб ҳукмдорлар билан ҳамкорлигига бошқача сиёсий тус бериб, ҳукмрон синф билан муроса қилиш, тил бириктириш каби салбий маъноларда изоҳлаб келган эди. 1449 йил Мирзо Улуғбек ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилишида Хожа Аҳрор Валийнинг қўли бор, деган уйдирма, ҳақиқатга тўғри келмайдиган қарашларни шўро тадқиқотчилари<sup>265</sup> мафкуравий нуқтаи назардан ёзишган. Хожа Аҳрор Валий ҳаёти давомида Мирзо Улуғбек билан мутлақо учрашмаган. Хожа Аҳрор Валий эл назарига тушгандан кейин Самарқандга илк бор 1450 йилда кўчиб ўтган<sup>266</sup>. Бу нафақат Мирзо Улуғбек, балким унинг ўғли Абдулатиф қатл этилгандан кейин, яъни ҳокимият Абдулла Мирзонинг қўлига ўтган вақтга тўғри келади. Шу омилнинг ўзиёқ Хожа Аҳрор

<sup>264</sup> К.Каттаев. Тасаввуф алломалари. – Тошкент.: Ф.Фулум нашриёти, 2017. – Б. 51.

<sup>265</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор. Уйдирма ва ҳақиқат. Мулоқот. 1991, № 4. 68 б.

<sup>266</sup> Хожа Аҳрорнинг 1427 йилда Самарқандга қисқа муддатга ўқишга келганини эътиборга олмасак ҳам бўлади, чунки бу вақтда ёш йигитча бўлган Хожа Аҳрорни ҳеч ким танимас эди.

Валийнинг Улуғбек фожиасига умуман алоқаси йўқлигини кўрсатиб турибди<sup>267</sup>. Бу хато фикрни илк бор тахмин қилган тадқиқотчи академик Бартольддир<sup>268</sup>. Ҳолбуки, Улуғбек ўлдирилган вақтда ҳали Хожа Аҳрор Валий ҳеч қандай сиёсий нуфузга эга шахс эмас эди. Агар бу фитнада қўли бўлганида теурий султон Абу Саид Мирзо уни шунчалик юксак мартабага кўтармас, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобурлар унинг этагидан тутмас эдилар. Хожа Аҳрор Валий 1451 йилда Самарқандга келганлигини тадқиқотчилар асослаб берганлар<sup>269</sup>. Мамлакат учун оғир кечган дамларда Хожа Аҳрор Султон Абу Саиддан Самарқанд ва Бухоро учун тамға солиғини бекор қилишни илтимос қилади, чунки бу шаҳарлар ўзаро урушлардан катта зарар кўрган бўлиши билан бирга, аҳоли ушбу солиқ туридан кўп жабр ҳам тортмоқда эди<sup>270</sup>. Султон Абу Саид пирумуршид илтимосни қабул қилиб, тамға солиғини бекор қилди. Чунки мазкур солиқ улар учун иқтисодиёт, савдо ва хунармандчиликка тўсқинлик қилувчи омил эди. 1458 йилда Самарқанддаги исён ва тўполонлар вақтида Хожа Аҳрор айтган ва Мир Абдулаввал Нишопурий томонидан ёзиб олинган қуйидаги жумлаларни келтирамиз: Шаҳарликлар билан ҳукмдорлар ўртасида жабр ва зулмни тўхтата олишга курби етадиган одам туриши керак. Халқ чорасиз аҳволда сарой аъёнлари олдида ожиздир. Подшоҳларки, Худо амрига итоат этиб, халқни қийнамаслик лозимлигига ишонтирмоқ керак, акс ҳолда давлатга завол етади<sup>271</sup>. Шу тариқа Хожа Аҳрор Валийнинг халқимиз тарихидаги энг буюк хизмати ҳукмдорларни адолат ўрнатишга ундагани ва бунга имкон қадар эришганлиги ҳам ойдинлашади. Маънавий руҳий ҳимоя сўфий ва шайхларнинг сифатларидан бўлиб, ҳимоянинг кучига ишонган инсонларни руҳий ва жисмоний асраган. Хожа Аҳрор Валий ҳимоя кучининг улуғлиги,

---

<sup>267</sup> Изох: Абдулло Мирзо ўша вақтда Хожа Аҳрорни ҳатто қабул ҳам қилмайди. Демак, ўша 1450 йилда Хожа Аҳрор ҳали подшоҳларга таъсиру тазийқ ўтказиш даражасида бўлмаган. Шунга қарамай Самарқанд шайхулисломи вазифасида ишлаб келаётган Хожа Мавлоно ибн Исомиддин бошчилигидаги руҳонийлар Хожа Аҳрорни Тошкентга қайтиб кетишга мажбур этганлар. Бу ҳам юкоридаги фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

<sup>268</sup> Каттаев К. Манба ва таҳлил. Имом ал-Бухорий сабоқлари. - Т.: 2004. № 4.- Б. 263.

<sup>269</sup> Каттаев К. Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари. Рисола. – Самарқанд: Имом ал-Бухорий, 2004. – Б. 14.

<sup>270</sup> В.В.Бартольд. Улуғбек и его время. - М, 1964. – Б.17.

<sup>271</sup> Мир Абдулаввал Нишопурий. Масмуот, Ўз ФА ШИ қўлёзмаси. Инв. №3735/И 131-варақа.

руҳий маънавий ҳимоягина ҳар қандай зарардан асраб қолиши мумкинлигига ишонтирганлар. Халқ Хожа Аҳрор Валий вафотидан кейин ҳам унинг маънавий мададига умид билан қараган. Етук давлат арбоби, Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам Хожа Аҳрор Валийни ўзининг маънавий пири деб билган ва бутун умри давомида ҳазратнинг маънавий мададига таянган.

Захириддин Муҳаммад Бобур 1500-1501 йилларда Самарқандга қилинган юриш билан боғлиқ воқеаларни ўз эсдаликларида куйидагича тасвирлайди: “Ўшал фурсатда ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен, Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олдиға ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳатдин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Кўптилар.

Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлимдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Туркий дедиларким: Шайх маслаҳат берди. Ўшал неча кундаёқ Самарқандни олди<sup>272</sup>. Манбаларга кўра, аҳолининг барча қатламига мансуб турли табақа вакиллари яқдиллик билан Хожа Аҳрор Валийни ўзларига йўлбошчи сифатида сайлаганларини эълон қилганлар. Шубҳасиз, фуқаролар унинг сиймосида жамиятдаги турли қатламларни бирлаштира оладиган шахс ҳамда душманга талафот етказишда ҳақиқий маънавий йўлбошчини кўрганлар. Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда аҳолининг барча қатламлари энг оғир лаҳзаларда Хожа Аҳрор Валийга эҳтиёж сезганлиги ва уни ўзларига маънавий муршид, ҳимоячи сифатида тан олиши ҳақиқатан ҳам уни юксак йўлбошчилик сифатларига эга бўлганлигидан далолат беради. Кўпгина манбалар шу нарсани кўрсатадики, ўрта аср жамиятининг юқори доирасидаги кишилар аҳолининг барча қатламлари урушларда иштирок этиши шарт эмас, деб ҳисоблаганлар, унга бошқариб бўлмайдиган оқим сифатида қараганлар ва табиий равишда унинг кучидан кўрққанлар. Хожа Аҳрор Валийнинг мудофаага бошчилик қилишга

---

<sup>272</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 75.

розилик бериши унга ишонган ва эътиқод қўйган, унинг сиймосида ўша даврдаги жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирувчи шахсни кўрган кишиларга рухий мадад ва қувват бўлиши, аслида Хожа Аҳроп Валийнинг бевосита хизматидир. Хожа Аҳроп Валий маънавий ҳимояси ҳар қандай зарардан асраб қолиши мумкинлигига кишиларни ҳам ишонтира олганлар<sup>273</sup>.

Хожа Аҳроп Валий маънавий ҳимояси ҳақида айрим маълумоларни кайд этиш лозим. Хожа Аҳроп Валий томонидан Тошкент, Самарқанд Қобулда мадрасалар қурдирилганлиги манбалардан маълум. Хожа Аҳроп Валийнинг Тошкентда қурдирган мадраса ва масжидлари ҳақида “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида маълумотлар келтирилган.<sup>274</sup> Гарчи Хожа Аҳроп Валий ҳаётининг кўп қисмини Самарқандда ўтказган бўлсада, аммо Тошкент шаҳрининг ижтимоий маънавий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб унинг номи билан боғлиқ мадраса ва масжидлар бунинг далилидир. 1857 йил Тошкент ҳокими Аҳмад Қушбеги Хожа Аҳроп Валий туғилган жойда алоҳида бир гумбаз ва мадраса қурдирган. Бу мадраса Муъйи Муборак деб аталган. Хожа Аҳроп Валий томонидан 1451 йил қурдирилган мадраса эса, Муҳаммад Солиҳхожа сўзларига қараганда, йигирмата хона, бир дарсхона ва масжиддан иборат бўлган. “Тарихи жадидаи Тошкандда” келтирилишича, Хожа Аҳроп Валий бу мадрасадан ташқари, Шайх Хованд Таҳур мақбарасидаги чиллахонада бир гумбаз қурдириб, унинг ўртасига тош лавҳ ўрнатган.

Мутасаввиф илм эгаларини ҳурмат қилар, суҳбатларига доимо олиму-фузалолар ташриф буюрар эди. Шу сабабдан илм аҳллари учун олий мадраса бунёд этди. Хожа Аҳроп Валий ҳақида эътиборли тадқиқотлар олиб борган академик Б.Валихўжаев бу мадрасанинг Самарқанддаги Мадрасайи Сафед эканлигини таъкидлайди. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожимбек 1455 йилда Хожа Аҳроп маблағи ҳисобидан Сўзангарон дарвозасига олиб борувчи

---

<sup>273</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп. Табаррук рисоалар. Таржимонлар Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. - Тошкент: Адолат, 2004.; Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. - Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004. - Б. 330.

<sup>274</sup> Бўриев О. Зиё таратган хонадон. Имом ал-Бухорий сабоқлари. №2, 2004. – Б. 103.

кўчада икки қаватли мадраса ва Аттарон номли масжид қурдирган<sup>275</sup>. Хожа Аҳрор Валий томонидан асос солинган мажмуалар хонақоҳ деб аталмаган, улар мадраса вазифасини бажарган. Фикримизча, Хожа Аҳрор Валий фаолиятлари моҳиятан ва мазмунан хонақоҳ шайхлари қарашларидан фарк қиларди. Чунки ул зот боболари бўлмиш Шайх Умар Боғистонийнинг ўз ўғиллари – Шайх Хованди Тахурга айтган: “Тахур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфи бўлма – мусулмон бўл”<sup>276</sup> сўзларининг асл моҳиятини, яъни оддий, пок, ҳалол, заҳматкаш ва комил инсон бўлишга даъватини яхши англагани учун ҳам инсонларга яхшилик қилиш, эзгу ишлари билан дунёни обод этиш, ғариб ва мискинлар аҳволдан огоҳ бўлишга ҳамиша интилди. Шу жиҳатлар сабабким, Хожа Аҳрор Валийни халқ фуқаролар паноҳи ҳимоячиси деб эъзозлаган. Хожа Аҳрор Валийни халқни тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга имконияти етган юксак инсонпарвар Комил инсон, десак арзийди. Хожа Аҳрор Валий накшбандийликни кишиларга ижтимоий жиҳатдан роҳат ва хурсандчилик бағишлашдек олижанобликни ахлоқ деган кўрсатмасига амал қилганлар. У шунингдек, мусулмон бўлмоқ, фуқаролар манфаати учун яшаш эканлигини алоҳида қайд этиб, ўзи ҳам унга риоя қилган эди. Тасаввуф улдирки, ҳар нарсаки, бошингда бўлса, қўйсанг ва ҳар нимаики қўлингда бўлса, берсанг. Мардлик улдурки, ҳар ким санга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик қилсанг. Ҳар ким сани ноумид қилса, анга эҳсон қилсанг. Немис олими Юрген Паул Хожа Аҳрор Валийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги тадқиқотларида<sup>277</sup> мутасаввифнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя тизимини алоҳида тадқиқ этиб, Хожа Аҳрорга қадар ҳеч қайси тариқатда халқни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга аралашиш амалда накшбандийлик сингари учрамаганлиги ҳақида маълумот беради. Хожа Аҳрор Валийнинг халқни қўллаб – қувватлашида ижтимоий-иқтисодий ҳимоя асосий ўринни эгаллайди. Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти

---

<sup>275</sup> Каттаев К. Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари талқини Рисола. - Самарқанд.: Имом ал-Бухорий илмий-маърифий республика маркази, 2004. - Б. 25.

<sup>276</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Тошкент, 1994. – Б. 68.

<sup>277</sup> Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган - Накшбандийа в первом поколении после Баха-ад-дина. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). - Санкт-Петербург, 2001.- С.143.

давомида халққа, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя тизимига этибор қаратган. Манбаларнинг маълумот беришича, Хожа Аҳрор Валий йигирма тўққиз ёшларида деҳқончилик билан шуғулланиб, кўп ҳосил олиб, йирик мулкдорга айланди. Ўзлари бу ҳақда шундай деган: Бизнинг молимиз фақирлар учундир. Бунча молнинг хослиги (ўзига хослиги) мана шу нуқтададир<sup>278</sup>. У киши ўзига тегишли бойликни мадраса, хонақоҳ ва масжидлар қуриш, мударрис ва талабалар, масжид хизматчиларини моддий таъминлаш, баъзан эса бир шаҳар (масалан, Тошкент) аҳолисига солинган солиқни ортиғи билан ўз ҳисобидан тўлаш, муҳтожларга доимий тарзда хайр-эҳсон қилиш каби ишларга сарф қилганлар. Жумладан, Муҳаммад Қозининг Силсилат ул-орифийн<sup>279</sup> асарида баён қилинишича, умрларининг охирларида Тошкентга борганларида қаҳатчилик ва вабо туфайли Туркистондан кўчиб келганларга ҳар куни қўй, мол сўйиб, нон ёптириб, беғараз ёрдам кўрсатганлар. Манбаларда кўрсатилишича, Хожа Аҳрор Валийнинг хўжалик фаолияти тез орада жуда кенг ривож топган. Шуниси эътиборлики, тадқиқот ишларида аниқланишича, майда мулкдорлар солиқлардан қутилмоқ учун ўз ерларини Хожа Аҳрор Валий ихтиёрига ўтказишган. Хожа Аҳрор Валийнинг ҳукмдорлар олдидаги нуфузи шариятда белгиланганидан (ушр, закот) ташқари фавқулодда солиқларни меҳнаткашлар елкасига юклашдан уларни ҳимоя қилган. Хожа Аҳрор Валий ерларининг кўпайиб боришига бу омил ҳам бир сабаб бўлган, холос. Деҳқончилик, чорвачилиқдан ташқари Хожа Аҳрор Валийнинг шаҳарларда ҳунармандчилик расталари, устахоналари бўлган ва булардан катта даромад тушган. Савдо-сотик масалаларида Хожа Аҳрор Валий фақат Мовароуннаҳр ҳудудида эмас, балки Хуросон, Ҳиндистонга ҳам моллар юбориб, савдо қилган. Яна таъкидлаш лозимки, Хожа Аҳрор Валий ўз хўжалик фаолиятдан олган даромадининг кўп қисмини аҳоли бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний ва маданий қурилишларни амалга ошириш каби ишларга сарфлаган. Хожа Аҳрор Валийнинг иқтисодий ҳаётга оид қуйидаги фикри ҳамма давр учун тўғри

<sup>278</sup> Фотима Темур. Кўнгил дўстлари. Ҳидоят. № 9, 2004. – Б. 19.

<sup>279</sup> Валихўжаев Б. Тариқат аҳлининг пири комили. Тафаккур, № 4.- 2004. – Б. 80.

келади: Воридотимиз сарфиятимиздандир (Даромадимиз харажатимиздандир) тарқатган закотлари ва ушрлари оламни тутди<sup>280</sup>. Чунончи, Умаршайх мирзо Тошкент халқидан икки юз элик минг динор солиқ талаб қилганида Хожа Аҳрор Валий бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, яна етмиш минг динорни солиқ йиғувчиларга қўшимча топширган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги “Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг мутааллуқлариғаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлурлар эди”<sup>281</sup> - деган эътирофи ҳам бунга далил.

Хожа Аҳрор Валийнинг йирик ер-сув ва молу-мулк эгаси эканлигини Али Сафий “Рашаҳотда” шундай ёзади: “Ҳазрати Эшоннинг ғино (бойлик) ва тамавул (давлат)ларининг камолга етконининг зикрида деган махсус фасл бўлиб, бу фаслда: “Махфий қолмасинки, Ҳазрати Эшоннинг молу мулклари, ер-сувлари, ғаллалари, подалари, ходиму хизматкорлари, асбоб-анжомлари ҳаддан кўп, ҳисоб ва санокдан ташқари эди”<sup>282</sup>. Олимларнинг ёзишича, Хожа Аҳрор Валийнинг Қаршида 150 минг таноб, Самарқандда 200 таноб ери бўлган<sup>283</sup>. Алишер Навоий Хожа Аҳрорнинг тадбиркор зироатчи, йирик мулкдор сифатидаги фаолиятига ижобий баҳо бериб, “Пири офоқ” (Буюк пир) деб таърифлайди. Хожа Аҳрор Валий ҳукмдор ва раъият ўртасида кўприк вазифасини ўтагани, яъни бу мўътабар Ҳазрати эшон султонларнинг ҳожатини ҳам раво қилар ва, айти пайтда, халқнинг ҳожатини улардан сўраб олиб берганини ёритади. Ҳақиқатан ҳам, Мовароуннаҳрда тинчлик таянчи бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий оддий фуқароларнинг ҳаётидан ҳамиша хабардор бўлиб турган. Хожа Аҳрор Мовароуннаҳрнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида жуда катта таъсир кўрсатганлиги хосиласи чигатой мўғулларидан қолиб кетган жазо турларини юмшатди, шариятда йўқ солиқларни бекор қилдирди ва бу ҳол Мовароуннаҳрда деҳқончилик,

<sup>280</sup> Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд Бухорий. – Бухоро.: Насаф, 2010. - Б. 221-223.

<sup>281</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Т: Юлдузча, 1989. - Б. 48.

<sup>282</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил - ҳаёт. Нашрга тайёрловчилар, муаллифлари Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. – Тошкент.: Абу Али Ибн Сино, 2004. – Б. 296.

<sup>283</sup> Қутибоев З. Хожа Аҳрор Валий. - Тошкент.: Фан, 1996. – Б. 17.



хунармандчилик, савдонинг ривожланишига олиб келди. Масалан; 1460-61 йилларда ул зотнинг илтимосига кўра, темурий ҳукмдор Абусаид Мирзо халқни мўғуллар даврида жорий этилган жуда оғир *тамга* солиғидан озод қилганлигини келтириш мумкин. Хожа Аҳроп Валий турли гуруҳ вакиллари хам ўз химоятларига тортар эдилар. Қишлоқ деҳқонларигина эмас, балки хунармандлар ва майда мулкдорлар хам Хожа Аҳроп Валийнинг иқтисодий химоясига таянганлар. Хожа Аҳроп Валий йиғимлардан яна бири як аз даҳ – ўндан бир солиғидан аҳолини химоя қилиш тарафдори бўлган. Бу фикрлар Маноқибда тўлдирилган: Ўша кунларда Султон Маҳмуд яказда тўловини барча руҳонийлар, бойлар ва камбағалларга нисбатан жорий қилди. Бу миқдор беш юз минг динор бўлиб, уни Хожа Аҳроп Валийнинг издошлари тўлаши керак эди. Аммо Султон Маҳмуд тўсатдан оғир бетоб бўлганлиги қилган ишларининг ажрими бўлса ажаб эмас. Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат Хожа Аҳроп Валий, балки у кишининг издошлари хам Султон Аҳмад ҳукмронлиги даврида иқтисодий имтиёзлардан фойдаланганликлари ҳақида ёзади. Бу солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича Хожа Аҳроп Валий иқтисодий бирлик, ёки муассаса, ташкилотни вужудга келтирди. Амалда Хожа Аҳроп Валий издошларидан солиқлар алоҳида ҳолда эмас, марказлашган маъмурий бирлик, уюшмадан умумий миқдорда олинадди. Хожа Аҳроп Валий тариқат пешвоси бўлиши билан бирга, ўз таъсирига йирик иқтисодий соҳани бирлаштирди. Бу соҳага Туркистон, Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа қатор шаҳарларда дўкон, корхоналар очиб, тадбиркорлик ва савдо фаолиятини бирлаштирган. Манбаларда Хожа Аҳроп Валийнинг ўзларида хам ипакдан мато, қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари бўлганлиги одамларни иш билан таъминлаганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Хожа Аҳроп Валий билан бирга бўлган тариқат аъзолари хам диний тариқат намояндаси, хам тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўларди. “Мухаввата-ий муллоён” мажмуаси бу иккала йўналишни юксак даражада мужассамлаштирди<sup>284</sup>. Мухаввата-ий муллоён маънавий-маъмурий,

---

<sup>284</sup> Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха-ад-дина

марказий, ташкилий тузилма эди. Хожа Аҳрор Валийнинг корхоналарида хунармандлар, вақф ерларида юзлаб деҳқонлар, хизматкорларни бирлаштирганлиги марказий бошқариш тузилмаси мавжудлигидан далолат беради. Улар тўғридан-тўғри шайхга қарам бўлиб, ишдан бўшатилиши ҳам мумкин эди. Уларнинг ҳаммалари ҳам нақшбандия тариқатининг аъзолари эмас эдилар. Бу хизматчилар ҳосил йиғим-теримининг натижаларига кўра танлаб олинган эди. Шунингдек, улар ҳосилнинг сақланиши ва суғорилиши бўйича ҳам жавобгар эдилар. Қишлоқ, жамоа ёки алоҳида ижара шартномасига кўра деҳқонлар Хожа Аҳрор Валий билан боғлиқ эдилар. Асосан унда ҳосил тақсимооти масаласи муҳим аҳамият касб этарди. Немис олими Юрген Паульнинг<sup>285</sup> маълумотларига кўра, ҳозирги кунга қадар бундай шартномаларнинг нусхалари сақланиб қолинмаган бўлсада, уларнинг нусхалари тарихий манбаларда акс эттирилган. Деҳқонлар ҳаттоки, савдогарлар ва катта корхона эгалари ҳам ўзларининг мол-мулки ва маблағлари билан Хожа Аҳрор Валийнинг жамоаларига қўшилганлар. Бу тизим турли хил махсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси, ҳозирги замонавий иқтисодий тизимга ўхшайди. Хожа Аҳрор Валийнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт учун муҳим ҳисобланган, фойдали меҳнат қилиш, инсонни жамиятга фойдаси тегиши каби фалсафий қарашлари, бугунги кунда таълим, касб-хунар орқали инсон капиталини яратиш, президент Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 сессиясидаги таъкидлаган, қашшоқлик ва камбағалликни тугатиш ҳақидаги фикрларига ҳамоҳангдир<sup>286</sup>. Ҳақиқатан ҳам Хожа Аҳрор Валий оддий халқнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсий ҳимояси йўлида ҳукмдорлар билан мулоқотлар олиб борган. Бу жиҳатга рус шарқшунос профессори А.Н. Болдирев Хожа Аҳрор Валий ҳақида “Тож киймаган ҳукмдор” деб фикр билдиради яъни жамиятнинг барча соҳаларида ўз ўрни бор эди. Хожа Аҳрор Валий айтар

---

. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). - Санкт-Петербург, 2001. – С. 142.

<sup>285</sup> Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха-ад-дина. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). - Санкт-Петербург, 2001. – С. 143.

<sup>286</sup> Ўзбекистон республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. 23.09.2020.; <https://president.uz/uz/lists/view/3851>

эдиларки: нақшбандийлик тариқатининг муҳим жиҳати, даврга ҳамоҳанг равишда камбағалларга ёрдам бермоқ. Бунга эришмоқ учун ҳукмдорлар жамияти билан яқин мулоқотда бўлиш керак. Бу вазиятни Хожа Аҳрор Валий куйидаги ҳолат билан таққослайди: Биров Оллоҳга сиғинаётган вақтда бошқа бир киши сувдан ёки оловдан ҳалок бўлаётган бўлса, диндорга шу одамни кутқариш бурчи ётади, ҳатто ҳалок бўлаётган киши унинг Оллоҳга сиғинишини ҳеч қачон тан олмаган бўлса ҳам”<sup>287</sup>. Хожа Аҳрор Валий бутун ҳаёти давомида одамларни иймон эътиқодга, ҳар доим фаол, фойдали меҳнат қилишга даъват қилган. “Кўча-куйда бўлса ҳам бир фойдали иш билан машғул бўлинг. Халқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Сиз ҳам ўшанда ўзлингизни англайсиз. Қисқа вақт ичида бирор касб ўрганишга ҳаракат қилинг. Шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек, яхши қиёфанингиз пайдо бўлади”<sup>288</sup>. Хожа Аҳрор Валий бечора, фақирлар муаммоларини енгиллаштириш, адолат учун кураш, мусулмонларга мадад беришни энг юксак инсоний фазилат деб билган. Шу сабабдирки, халқ орасидаги мавқеи жуда баланд бўлиб, халқ ул зотни фуқароларнинг пушти паноҳи деб биларди.

### **Ш.2. Хожа Аҳрор Валий маънавий меросида бирдамлик ва бағрикенглик масалаларининг ҳозирги даврдаги аҳамияти**

Нақшбандия- аҳрория тариқати ўрта аср жамиятида катта ижтимоий таъсирга эга бўлиб, Худо олдида барча баробар, шоҳу гадо деб ажратиш бўлмас, дер эдилар. Бу турли ижтимоий табақалар, турли миллат ва қавмларни бирлаштиришга қаратилган бўлиб, айирмачилик ва сиёсий тўқнашувларнинг олдини олишга ёрдам берган. Мана шу жиҳатлари билан ҳам нақшбандия-аҳрория таълимоти обрў-эътибор қозонган. Бутун ҳаракат-фаолият, ўғит-насиҳатлар, тоат-ибодат ҳам инсонпарварлик ва инсонийликка қаратилган. Тасаввуф таълимотининг асосий масалаларидан бири инсон учун

---

<sup>287</sup> Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха-ад-дина. Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования). - Санкт-Петербург, 2001.- С. 143.

<sup>288</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари). Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмухаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт, 2004. – Б. 333.

кайғуриш, унинг маънавий камолотини юксалтириш бўлиб, ҳозирга қадар аҳамиятини йўқотмаган. “Ҳар қандай оғир ва мураккаб шароитда ҳам ота-боболаримиз ўзлигини йўқотмасдан, маънавий ҳаёт мезонлари, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиб, комиллик сари интилиб яшагани бугун ҳам ибрат манбаи бўлиб, куч-қувват бағишлаб келмоқда”<sup>289</sup>. Хожа Аҳрор Валий ўз ахлоқида саҳийлик, меҳр-оқибат, футувват, ҳурмат, инсонийлик каби фазилатларни мужассамлаштирмаган, Оллоҳ ва халқ одобини сақламаган инсон камолотга эриша олмайди деб таъкидлайди. Демак, элу-халққа холис, инсофли, маънавиятли хизмат кўрсатиш, ҳар бир инсоннинг олий мақсади бўлиши кераклиги, ҳиммат Аллоҳ розилигига қаратилиши лозимдир. Хожа Аҳрор Валий халқ билан суҳбатда бўлиш, уларнинг дардларига шерик бўлиш, Аллоҳ розилиги йўлида халққа хизмат қилиш, қалбни бир лаҳза бўлса ҳам Аллоҳ зикридан ғафлатда қолдирмай, ҳамиша огоҳ бўлишга чорлаган ва Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги сўзларини кўп такрорлаган. “Бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат. Хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нафй бўллуғай”<sup>290</sup>. Зеро, иқтисодий қийинчилик ва сиёсий низолар халқнинг маънавий бузилишига, жамиятда ахлоқий нуқсонларнинг кўпайишига замин яратади. Агар инсон ўз замони ҳақида жон куйдирмаса, уни инсон деб ҳисоблаб бўлмайди<sup>291</sup>. Хожа Аҳрорнинг ижтимоий бағрикенглик фаолиятини баён қилар эканмиз, ундаги энг асосий сифатни унутмаслик лозим. У йирик ва фаол сиёсатчи, мулкдор бўлишига қарамай ўзини сўфий деб ҳисоблаган. Атрофдагилар учун Хожа Аҳрор энг аввало шайх, яъни тасаввуф тарғиботчиси эди. У ўз атрофига муридларини тўплаб, муроқабачи, зикр тушишни давом эттирар дунё лаззатларига берилмаслик, меҳнатни севиш, инсонларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, биродарлик ва тинчликсеварликни тарғиб қилишда давом этарди. Хожа Аҳрор Валий

<sup>289</sup> Каримов И. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 7.

<sup>290</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббатмин шамойим ул-футувват. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд /Нашрга тайерловчилар. С. Ғаниева, М. Мирзааҳмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайерловчи ва масъул муҳ С Рафиддинов. - Т.- Фан, 2001. – Б. 263.

<sup>291</sup> Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. - Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.122.

вафотига қадар ким бўлишидан қатъи назар, одамларни мартабаси ёки насабига қараб ажратмай, хизматга шай турган. Ўзидаги фазилат ва гўзал ҳолатларни “мен бу сабоқни сўфийянинг китобидан олғоним йўқ турур, балки одамларнинг хизматидин олдим, на улким манга ўргатган бўлсалар. Аммо хизматнинг хосияти шул турур. Хизмат манинг марзом ва мухтор ва маҳбубам турур”<sup>292</sup> - деб изоҳлаган. Хожа Аҳрор Валий “Ҳалол ризк топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир” деган ҳадисга бир умр амал қилиб, меҳнат ва машаққатни ўзига ихтиёр этган. Ҳамиша ўзгаларга саховатли бўлишни тарғиб этган Хожа Аҳрор эзгу ишлари билан намуна бўлган. Бу ўринда Хожа Аҳрор Валий тарих майдонига келгунга қадар, тариқат билан давлат ва расмий руҳонийлар ўртасида давом этиб келган мухолифатга ишора қилинган. Мутасаввуф бу низони тариқат ривожини йўлида катта ғов, деб билган ва бутун куч-ғайрати, фаолиятини ана шу ғовни бартараф этишга, ҳукмдорлар билан яқинлашиш, мураса йўлини тутиш, ҳамкорлик қилишга сарфлаган. Хожа Аҳрор Валийнинг энг олижаноб мақсади халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни бошқаришда ҳукмдорларни тўғри йўлга солиш, фуқаролар ва подшо орасида юзага келадиган низоларни бартараф этиб, мамлакатда осойишталик ва барқарорликни ўрнатишга қаратилган эди. Бу тадбир Хожа Аҳрор Валийнинг диний-ирфоний фаолиятига ижтимоий тус берди, тариқат арбобини улкан жамоат арбобига айлантирди. Тариқат эса жамият ва дунёвий ҳаёт билан боғланиб, катта ижтимоий-сиёсий кучга айланди. XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда Хожа Аҳрор фаолияти жамиятнинг турли кучлари ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатларни муайян даражада барқарорлаштирувчи омил вазифасини бажарган. “Рашаҳот,” “Силсилат ул-орифин,” “Тарихи Рашидий” асарларида Хожа Аҳрорнинг сулҳпарвар сиёсатига далил сифатида Шохрухияда кечган воқеани мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ерда Эшоннинг қатъий ҳаракати ва фаол аралашуви

---

<sup>292</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – Б. 212.

билан уч ҳукмдор, Султон Ахмад, Умар Шайх ва султон Маҳмуд яраштириб қуйилади<sup>293</sup>. Мамлакат фаровонлиги учун қаерда тинчлик ва осойишталикка зарурат сезилса, Хожа шу ерда ҳозир-у нозир бўларди. У Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадаги қайсидир ҳолатда маҳаллий меъёрлардан келиб чиқиб осойишгталикнинг таъминланишига кўп саъй-ҳаракат қилади<sup>294</sup>. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида Хожа Аҳрор Валийга кутблар кутби ва ақл эгаларининг қиблагоҳи, йўл кўрсатувчиларнинг қибласи<sup>295</sup>, деб таъриф берилади. Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” асарида қуйидаги мисраларни ёзган: У жаҳон мулки экинзорининг деҳқони, Балки жаҳон мулкининг посбонидир<sup>296</sup>. Хожа Аҳрорнинг фаолияти жамиятдаги маънавий ва ижтимоий иқтисодий мутаносибликни таъминлашга йўналтирилган эди. Ас-Сафий Хожа Аҳрорнинг етишмовчиликлар ва турмуш машаққатларига қандай сабр ва ҳокисорлик билан бардош берганлиги ҳамда ўз вужуди, нафси ва истаклари билан узлуксиз курашганлигини мисоллар билан тасвирлайди. Ас-Сафий томонидан хожагон сулукининг амалиётига таянган ҳолда бу каби меҳнат йўлининг зарур ва муҳимлигини тушунтирувчи мулоҳазалар баён этилади: Хизмат қилиш, ишлаш, яъни меҳнат ҳақиқий мусулмонга руҳий осудалик келтиргандагина фойдалидир. Қачонки, у инсон қалбидан жой олса, буни меҳнат самараси ила келган бойлик деса бўлади. Меҳнатнинг меваси ҳеч қачон бойлик, бўла олмайди. Бойлик ўз - ўзидан келаверади, лекин бойлик тўплашга интилиш керак эмас. Аслида инсон ўз ички дунёсини маънан бойитиш учун ҳаракат қилмоғи керак. Ас-Сафий бошқаларга ибрат бўлишини кўзда тутиб, Хожа Аҳрорнинг сўзларини келтиради. Унга кўра сулук аввалида сўфийнинг бутун вужудини одамларга, яъни озод инсон ёки кул, қора ёки оқ танли, каттами ё кичик бўлишидан қатъи назар, уларга хизмат қилишдек кучли маънавий эҳтиёж қамраб олади<sup>297</sup>. XV асрнинг 60-йилларига келиб Хожа Аҳрор энди машҳур шайх

<sup>293</sup> Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. - Т.: Шарқ нашриёти. 1999. – Б. 59.

<sup>294</sup> В.Л. Вяткин. Из биографии Ходжи Ахрара. – Т.: - 693 с.

<sup>295</sup> Ҳофиз Таниш Ал – Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб.-Тошкент.: Шарқ, 1999.- Б. 59.

<sup>296</sup> Алишер Навоий. Хамса. Ҳайратул-аброр. МАТ, 7-том. -Тошкент.: 1991. – Б. 98.

<sup>297</sup> Ас-Сафий, Фахр ад Дин Али ал Кошифий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт. Локноу, 1905.- Б. 222.

сифатида омма орасида кенг шуҳрат қозонган эди. Нақшбандия сулуки мафкурасининг тарафдорлари ва қўллаб-қувватловчилари энди нафақат шаҳар ва қишлоқлардаги ўтроқ аҳоли ичида, балки кўчманчи чорвадорлар орасида ҳам сон жихатдан ортиб борди. Маълумки, сўфийликнинг нақшбандия таълимоти кўчманчилар ўртасида Хожа Аҳрорнинг фаолияти туфайли тарқала бошлаган. Хожа Аҳрор даврига келиб Нақшбандий аҳрория ўзининг энг юқори палласига кўтарилади. У асосан кўчманчилар ўртасида ислом ғоя ва мафкурасини тарқатишга алоҳида эътибор беради ва кўчманчилар ўртасида катта мавқега эришади. Кўчманчи қабилалар орасидан Хожа Аҳрор нақшбандия таълимотига эргашган қўллаб муридларни тарбиялайди. Улар кейинчалик туркистонликлар ичида исломни тарқатувчи кишилар бўлганлар ҳамда улар орасида Хожа Аҳрор катта маънавий обрўга эга бўлган<sup>298</sup>. Бу Эшонга ўзининг сиёсий ижтимоий мавқеини ўрнатишга катта имконият берган<sup>299</sup>. Шу ўринда ас-Сафий қизиқарли ва сермазмун ҳикояни келтиради. Унда Хожа Аҳрорнинг бир сахройи туркий йигит билан учрашуви ҳақида сўз боради. Хожанинг отаси Гулистон деган ерда зироатчи бўлиб, у сахройига бир қоп дон бериб юборади. Шунда камбағал туркий йигитни ёш Хожанинг хулқи ва муомаласи ҳайратга солади. У Хожанинг туркий шайхлар сўзига амал қиладиган йигит эканини айтиб, унинг ҳақиға дуо қилади. Ҳикоя сўнггида Рашаҳот муаллифи Хожа Аҳрорнинг мен ўша дуо туфайли кўп баракотлар топдим деган сўзларини келтиради<sup>300</sup>. Ҳикоя мазмунига қараганда кўчманчи туркий йигит билан бўлган муносабатдан сўнг Хожа Аҳрор ўз турмуш тарзини ўзгартиргани ҳақиқатан алоҳида мазмун касб этади. Рашаҳотда Хожа Аҳрорнинг кўчманчи муҳитга мансуб кишилар билан қалин дўстона муносабатда бўлганлиги, унинг шу каби алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдори эканлигидан далолат берувчи қўллаб воқеа ва ҳикояларни учратиш мумкин. Ушбу муносабатлар ҳамиша умумий диний қарашлар воситасида амалга оширилган, аммо сиёсий

<sup>298</sup> Algar H. The Nagshbandi order. A Preliminary Survey of Its History and Significance. *Studia Islamica*. JOURNAL ARTICLE No.44 (1976) P. 137.

<sup>299</sup> Ж.С.Тримингем. Суфийские ордены в исламе. – М.: 1989. – С. 84.

<sup>300</sup> Ас-Сафий, Фахр ад Дин Али ал Кошифий .Рашаҳот айн ал-ҳаёт. Локноу, 1905 – Б. 223.

мақсадлар кўзланмаган. Маълумки, шайх тарихга кўчманчилар ўртасида исломни тарқатувчи ва уларнинг турмуш тарзида туб бурилиш ва ислохотлар қилган шахс сифатида кирган. XV асрнинг машҳур диний арбоблари Хожани шайхзодаи Туркистоний деб атаган эдилар. Сиёсий фитна ва маккорликлар авжига чиққан маҳалда Хожа Аҳрор рақибларини ҳайрон қолдирувчи энг ишончли восита тинчликпарварликдан фойдаланарди. Оқибатда душманлари унинг олдида руҳан ожизлашиб борардилар. Мана шу даъват Хожа Аҳрорнинг бутун фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун ушбу ғояга ўз ҳаётида қатъий амал қилиб яшаган. Бу даъват унинг фуқаро ўртасидаги обрўсини оширар, мавқеини янада мустаҳкамлаб борарди. Халқ ҳар доим кучли марказлашган давлат тарафдори бўлган, чўзилиб кетган урушлар вақтида эса ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам шуни истар эдилар. Баён этилган воқеаларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро урушлар нафақат мамлакат аҳолисининг тинч қатламининг, балки солиқ тўловчи аҳолининг асосий қисмини ҳам хонавайрон қиларди. Уруш жамиятнинг ҳукмдор қатламларини бойлик ва ҳокимиятдан жудо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин эди. Бундай вазиятда дин ва тариқат уламоларининг жамиятдаги обрўсини йўқотиб қўйиш эҳтимоли кучли эди. Бу ўринда А.Н. Болдиревнинг XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё ҳаётида Хожа Аҳрорнинг роли хусусидаги хулосасига қўшилмасликнинг иложи йўқ: “Икки қирқ йилликни яъни Улуғбек ва тож киймаган ҳукмдор Хожа Аҳрор даврларини қиёсласак, Хожа Аҳрорнинг тарихга олиб кирган янгилиги яққол намоён бўлади: бу тинчлик, мамлакатнинг юз минглаб оддий меҳнаткашлари учун жон куйдирилган осойишталик эди”<sup>301</sup>. Хожа Аҳрор ҳақиқатдан ҳам муайян даражада ўрта аср манбаларида қандай тасвирланган бўлса, шундай шахс бўлган, деган фикрга қўшилиш мумкин. Шайх ўз ваъзларида тарғиб қилаётган фалсафий фикр ва ғояларга ҳақиқатан ҳам ишонарди. Аслида Хожа Аҳрор кескин ва таҳликали ҳоллатларда сиёсий донишмандлик салоҳиятига эга бўлган зот эди. Унинг

<sup>301</sup> Болдырев А.Н. Ещё раз к вопросу о Ходже-Ахроре. Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М, 1985. – С. 59.



сиёсий фаолиятининг қамрови ниҳоятда кенг бўлган. Хожа Аҳрор ҳукмдорларнинг сиёсат юргизишида, солиқ ва тўловлар масаласида инсоф ва адолат мезон бўлишига тарафдор эди. Хожа Аҳрор Валий “фуқаро осойишталиги, хунар ва тижорат аҳлининг равнақи учун ҳар қандай баҳсли муаммоларни келишув билан, ҳал этган”<sup>302</sup>. Шунингдек, ҳудудда кўплаб хунармандчилик устахоналари, савдо дўконлари фаолият кўрсатган. Ургут, Миёнқол, Самарқанд атрофидаги қишлоқларда Хожанинг уйлари ва боғлари бўлган. Аммо шундай беқиёс мулкка эга бўлган Хожа Аҳрор Валий ўз ихтиёридаги ерлардан келадиган даромадни ўзи учун сарфламай, уни юртни ободонлаштириш, халқнинг оғирини енгил қилиш, солиқларини тўлаш, мадраса, масжид, хонақоҳ, шифохона, мусофирхона қуриш ишларига сарфлаган<sup>303</sup> ва бу ишларни ахлоқий мажбуриятдан эмас, балки қалб ҳузури билан амалга оширган. Шунинг учун ҳам бу зотнинг номи халқ ичида шу кунгача ўз фахру ифтихорини, муҳтарам зот сифатини сақлаб қолган. Бунинг исботини биз Хожа Аҳрор Валийнинг “бизнинг дунё (мол-мулк) билан шуғулланишимиз саховат ва қарам қилиш учун эмас, балки одамларни тама қилишидан қутулиш учундир”<sup>304</sup> - деган сўзларида кўришимиз мумкин. Бу мисолларда халқ назарида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг нақадар ҳимматли ва покиза зот сифатида намоён бўлгани яққол кўринади. Бошқача айтганда, “Фақирлигим – фахримдир” деган ҳадисни дастуриламал қилган Хожа Аҳрор Валий дунёвий бойлик ва фаровонликдан ўзи учун фойдаланмасликка интилган, ҳисобсиз мол-мулкка эга бўлса ҳам, барча тамаларни рад этиб, фақирона ҳаёт кечирган. Шу ўринда фақир хусусида тўхталсак: инсоннинг бу дунёга келиши ўзлигини англаш, Ҳақни таниш ва билиш, Аллоҳга ҳақиқий бандалик қилишдир. Тасаввуф инсоннинг мол-дунё, бойликка эга бўлишига қарши бўлмаган, сўфийлар ичида бойлари ҳам, камбағаллари ҳам бўлган. Лекин, уларнинг асосий эътибори қалбга қаратилган. Улар умрни арзимас ва ўткинчи нарсалар, хою ҳавасларга

---

<sup>302</sup> Маҳмудов Н. Аҳрорийнома. - Самарқанд: Зарафшон, 2003. – Б. 29.

<sup>303</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. - Т.: Ёзувчи, 1994. – Б. 70.

<sup>304</sup> Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор Вали. - Самарқанд.: Зарафшон, 1993. – Б. 108.

сарфлашга қарши бўлганлар. Тарихда илм аҳли, шунингдек, сўфийларнинг ҳам савдо-сотик ишлари билан машғул бўлгани, бундан мақсад эса бойликка кўнгиш қўйиш эмас, аксинча, мол-дунё ва бойликнинг моҳиятини тўғри тушуниб етиш ва уни эзгу ишларга сарфлаш эканини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бойликка эгалик қилишнинг моҳияти бутун олам бойлиги қўлида йиғилган ҳолда ҳам бу бойлик инсоннинг илоҳий сирлар манзилига элтувчи йўл бўла олмаслигини англаб етишдан иборатдир. Зеро, инсон қалби дунё неъматлари ва орзу-ҳаваслари билан тўлиқ бўлгани учун ҳам илоҳий сирлар мазҳари бўла олмайди. Шунинг учун қалбни бу неъматлардан озод эта билиш зарур. Шу маънода бойликка меҳр кўргизмаган ҳолда, унга эгалик қилиш комилликнинг жуда буюк синов тоши бўлиб хизмат қилган. Қалб озод ва огоҳ бўлганидан кейингина асл маърифат учун йўл очилади: Хизмат қилиш, меҳнат инсонга руҳий осудалик келтиргандагина фойдалидир. Қачонки у инсон қалбидан жой ола олса, буни меҳнат самараси ила келган бойлик деса бўлади. Меҳнатнинг меваси ҳеч қачон бойлик бўла олмайди. Бойлик тўплашга интилиш керак эмас. Аслида инсон ўз дунёсини маънан бойитиши учун ҳаракат қилмоғи керак<sup>305</sup>. Хожа Аҳрор Валийга қарашли ерларнинг айрим қисми сотиб олинган бўлса, қолганлари назр қилиш йўли билан унинг номига ўтказилган. Бу деҳқонларга бирмунча афзал бўлиб, Самарқанд ҳукмдори Абу Саъиднинг фармонида кўра Хожа Аҳрорнинг ерларидан ўндан бир ушр миқдорида солиқ олинган. Деҳқонлар ерларини ўз ихтиёрлари билан назр қилишаркан, ўз далаларидаги ишларини давом эттираверишган. Шу тариқа деҳқонлар ортиқча солиқлардан халос бўлишган. Ҳазрати Хожа “Бизнинг ишимиз мусулмонларни золимлар ёмонлигидан ва қаҳридан кўримоқдир”<sup>306</sup> - деб мусулмонлар роҳатини ўйлаб, душманлик қилувчиларга сулҳ таклиф этиб, уларни ҳамиша мурасага келтириб турган. Хожа Аҳрор Валийнинг тинчлик ва барқарорлик, дўстлик

<sup>305</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари). Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004.- Б. 230.

<sup>306</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайерлаганлар, кириш сўз муаллифлари: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004.- Б. 387.

ва ҳамжихатлик, меҳр оқибат ва осойишталик, шафқат ва мурувват борасидаги фаолияти унинг “Шижоатлик киши уруш кунларида танилур, Омонатдор киши диёнати бермоқ ва олмоқ вақтида билинур, Хотун ва фарзанднинг меҳру вафоси камбағалликда фаҳмланур. Дўстларнинг дўстлиги машаққат ва меҳнат чоғида билинур”<sup>307</sup> - деган мазмунли сўзларида ўз ифодасини топган. У сўфийликнинг ўзи амал қилган нақшбандия сулукидаги назарий қарашларини амалий ҳаётга жорий қилишга ҳаракат қилди. Шу тариқа Хожа Аҳрор Валийнинг халқимиз тарихидаги энг буюк хизмати ҳукмдорларни адолат ўрнатишга ундагани ва бунга имкон қадар эришганини гувоҳи бўламиз. Академик Ботирхон Валижўжаев мутасаввифнинг барча замон ҳукмдору-амалдорлари хулоса қилиши мумкин бўлган қуйидаги ибратли фикрларини келтириб ўтади:

*Подшоҳларнинг билмоқлари лозимки, салтанат Оллоҳнинг марҳамати билан уларга инъом этилган буюк бойликдир. Шунинг учун бу буюк бойлик қадрига етиб, фурсатни ганимат деб билсинлар. Аллоҳнинг бандаларига лутф ва шафқатини дариг тутмасинларки, бу азим нуқсондир. Бу олам роҳати боқий эмас, чунки кўз юмиб очгунча тугайди. Шунини эсда тутсинларки, уларгача ҳам бошқалар подшоҳлик қилганлар ва бир муддат ўтгач, уларнинг ўринларига бошқалар келгайлар. Шоҳлар ногораси чалинганда шундай нидо келарди: Бу саройга ҳар бир подшоҳ навбат ила келади. Айтур эрдиларким: ҳоким ва султонлар мусулмон ва фуқаро ва раиятнинг адабини бериш учун мўлжалланган қамчига ўхшайдилар. Шунини билсинларки, бир от йигирмата қамчини ҳам эскиртириб қўяди. Мамлакатнинг заволи ва хароб бўлишидан андиша қилсинлар, ҳеч вақт раият ва фуқаро аҳволидан хабарсиз қолмасинлар, чунки салтанат ва ҳукуматга эга бўлишнинг асл сабабчилари бу фуқаро ва раиятдирлар<sup>308</sup>.*

Тасаввуф фалсафасини ўрганиш, ғоят теран тафаккурни талаб қилади, чунки тасаввуф кўп қиррали, зиддиятли маънавий ҳодиса. Тасаввуф Ўрта

<sup>307</sup> Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Жавомийул-калим. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Ҳ.Амин. - Тошкент: Адолат, 2004. – Б. 333.

<sup>308</sup> Ботирхон Валижўжаев. Хожа Аҳрори Вали (хужжатли эссе) – Самарқанд.: Зарафшон, 1993. – Б. 108.

Осиёга кириб келиши билан ўзгармай қолмади, ҳар хил тарихий даврлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий, ғоявий-маънавий шарт-шароитлар таъсирида ўзгариб, маҳаллий шароитларга мослашиб ривожланиб борди. Бундай хусусият тасаввуф таълимотининг ички мазмун моҳиятида мавжуд эди. Меҳнаткаш халққа яқин бўлган сўфийлик таълимоти кенгайиб оммалашиб борди, “халқ дини” деб номлана бошланди. Тасаввуф ўзининг ижтимоий, маънавий-мафкуравий хусусияти билан диний ва этник бағрикенгликни ифодалар эди. Шу туфайли тасаввуф ислом дини, инсонпарварлик ва қардошлиқ ғояларининг Мовароуннахрнинг ҳаттоки чўл-сахроларида яшовчи кўчманчи халқлар, қабилалари орасига кириб боришига ёрдам берди. Айтиш кераки, тасаввуф Мовароуннахр мусулмонлари ижтимоий, шахсий ҳаётларининг барча томонларини ўзининг диний маънавий таъсири билан бутунлай қамраб олди. Ўрта асрлардаги барча ҳукмдорлар тасаввуфнинг машҳур авлиё-шайхларини ўзларининг маънавий раҳнамолари, деб қабул қилганликлари бунинг исботидир. Тасаввуфнинг яна бир характерли хусусияти, бу таълимотнинг халқпарварлик тамойилига доимо содиқ қолиб халқ оммасининг, миллатнинг озодлик, миллий озодлик курашига ғоявий раҳнамолик қилганлигидир. Бу ҳақда кўплаб тарихий воқеалар гувоҳлик беради: Мисол учун Маҳмуд Таробий, Нажмиддин Кубро, Дукчи Эшон ва бошқалар. Ўрта асрлар шароитида исломга эътиқод қилувчи халқларнинг маънавий-руҳий ҳаётига тасаввуфни таъсири бениҳоя катта бўлди. Халқ оғзаки ижодида ривоят, эртак, достон, бахшилик, бадий адабиётимиз ривожига жуда катта таъсир кўрсатди. Халқимиз яратган эртак ва қаҳрамонлик достонларида халқнинг орзу-истаклари, миллий руҳи ва ғурури куйланади, Оллоҳга руҳан яқинлиги ва эзгуликлари билан ажралиб турган, одамларнинг тинч-фаровон ҳаётлари ва мустаҳкам эътиқодлари учун курашган пирлар, донишмандлар, тўғрисида ҳикоя қилинади. Тасаввуф халқ шеърлятига кириб бориб, ўзига хос мавзулар ва ғоялар билан бойитганлиги, унга инсонийлик ғоялари муҳрини босганлиги халқимизниш бебаҳо маънавий бойлиги эканлигини кўрсатиб туради. Шунини таъкидлаш зарурки,

Марказий Осиё тасаввуфи, айниқса, Нақшбандия-аҳрория алломаларининг тариқатлари бошқа сўфиёна тариқатлардан фарқи шундаки, улар анъанавий сўфизмга хос аскетизм (таркидунёчилик) ва танҳоликда ҳаёт кечириш каби удумлардан воз кечиб, одамларни жамоа бўлиб яшашга, меҳр оқибатли бўлишга чакириб, камтарона турмуш, меҳнатсеварлик, адолат ва ҳақиқат гоёларини тарғиб қилди. Хожа Аҳрор Валийнинг бундан етти аср муқаддам айтган доно сўзлари бугунги ва эртанги кунимиз, ёш авлод маънавияти, баркамол авлод тарбиясига бевосита дахлдордир. Ёш авлодни миллий-маънавий ва диний қадриятлар билан бирга дунёвий билимлар асосида тарбиялаш, уларнинг онги ва тафаккурида ўзликни англаш, миллий қадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғуларини жонлантириш жиддий аҳамият касб этади. Хожа Аҳрор Валий томонидан нақл қилинган дурдона фикрлар келажаги буюк юртимизнинг бунёдкор авлоди учун аҳамиятли бўлиб ва бу ҳикматлардан айрим намуналар келтирамыз:

- Дунёнинг роҳати уч нарсадир: Ҳақ таоло тоати, Қуръон тиловати ва биродарлар зиёрати;

- Ҳар ким сенга ёмонлик қилса, ўрнига яхшилик ҳил, сендан йироқлашганларга яҳин бўл, сени ноумид қилганга, борингни эҳсон ҳил;

- Омонатдор киши диёнати бермоқ ва олмоқ вақтида билинур;

- Дўстларнинг дўстлиғи машаққат ва меҳнат чоғида билинур;

- Ҳар ким беайб дўст истаса, дўсти кам бўлғай;

- Таннинг роҳати таомнинг озлиғидадур ва дилнинг роҳати сўзнинг камлиғидадур. Ва руҳнинг роҳати уйқунинг камлиғидадур;

- Шоядки дейишлик бирла иш битмас, орзу бирла ҳеч ким бир ерга етмас;

- Вақтики узр десалар, қабул қил ва одоб ўргатсалар ўрганки, ҳар кимга одоб ўргатсалар у, ўрганмаса, ҳайвондур. Ва узр айтсалару қабул қилмаса, шайтондур;

- Кишининг дили пок бўлса, унда мўътадил иймон пайдо бўлади;

- Эҳсон Аллоҳга уни кўриб турганингдек ибодат қилмоқлигингдир;

- Тўрт нарса улуғликка далолат қилур: илмни азиз тутмоқ, ёмонни яхшилик бирла дафъ қилмоқ ва ғазабни ютмоқ ва жавобни савоб бирла бермоқ;

- Қобилга мураббий бўл ва уни тарбият қил. Ноқобилга эса қарама ва тарбият қилма. Ки қобилни тарбиятсиз қўймоқ зулмдир ва ноқобилни тарбият қилмоқ зулмдир;

- Хоҳласангки, бировга насиҳат қилай десанг, аввал ўзингга насиҳат қил. Агар ўзингни насиҳатга киргузсанг, ўзгаларга насиҳат қил;

- Тўрт нарса тўрт нарса билан тамом бўлур: дониш ақл бирла, дин тақво бирла, иш ҳиммат бирла, неъмат шукр бирла;

- Тўрт нарса тўрт нарсани йўқотур: нон емаслик неъматни, жоҳиллик мурувватни, адабсизлик иззатни, ҳазил обрўни;

- Дўстингнинг йўқлиғида андоқ ёдлагилки, дўст тутарсанки, йўқлиғингда сани андоқ ёдлағой;

- Уч тоифанинг бузилмоғи уч насадин: султонларнинг бузилмоғи зулмдин, уламоларнинг бузилмоғи тамаъдин ва сўфийларнинг бузилмоғи риёдин;

- Дўст жафо бирла душман бўлур. Ва душман эҳсон ва мурувват ила дўст бўлур;

- Илм зийнатдир ва насаб жамолдир. Зеб-зийнат соҳибжамолга ярашур. Илм улуғларга лойиқ кўрилуру;

Хожа Аҳрор Валийнинг ҳақиқий мўмин-мусулмон бўлмоқ, фуқаро манфаатлари учун яшамоқ каби ғоялари ва уларни ўзи учун дастуриламал қилиб яшаган ибратли ҳаёти ҳар бир инсон учун тарбия вазифасини ўтайди. Ўзбекистоннинг ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ислом маърифати, илми ирфон, тасаввуф ғоялари ўзига хос қирралари билан ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва адоватлар ҳали барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Хожа Аҳрор Валий илгари сурган эзгу ғоялар ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча, бу зотнинг ибратли ҳаёти ва орифона асарларини ўрганиш ва тўғри талқин этиш,

бугунги маънавиятимиз тараққиёти учун жуда муҳимдирки, тарихий хотираси уйғоқ миллат ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди. Бугунги кунда ҳам тасаввуф илғор ғояларининг ёшлар маънавий камолоти ва руҳан поклигини тарбиялашдаги аҳамияти катта. Баркамол авлод тарбияси ҳар бир маърифатли жамиятнинг келажагидир. Айниқса, ислом динини ниқоб ёки байроқ қилиб, ёвуз ишларни амалга ошираётган қора кучлар ҳали онги, дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёш авлодни ўз тузоғига илинтириб, бошини айлантириб улардан ўзларининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланишга уринаётган манфур кучларга қарши курашда, тасаввуф таълимотининг руҳий ғоявий таъсири кучлидир. Тасаввуф таълимоти эволюцияси халқимиз манавий тараққиёти ва тарихимиз билан боғлиқ ҳисобланади. Тасаввуф тариқатлари бир томондан, инсоннинг ўзлигини англашга ва шу орқали унинг камолотига, иккинчи томондан, ислом динининг асл инсонпарвар ва тараққийпарвар моҳиятини теранроқ тушунишга хизмат қилади. Айни пайтда уларда миллий-тарихий ривожланишимизнинг асрлар давомида сайқал топган кадриятлари, олам ва одамга муносабатнинг бетакрор руҳий талқинлари, комилликка интилиш йўлидаги изланишлар ўзининг бетакрор ифодасини топганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Тасаввуф таълимоти узоқ даврлар мобайнида халқни ягона мақсад атрофида бирлаштирган, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталари илдиз отишига замин яратган. Бугунги кунда фаолият олиб бораётган тариқатчиларнинг кўчилиги тасаввуфнинг асл моҳиятидан узоқлашган деган қарашлар мавжуд. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат ва ростгўйлик каби умуминсоний ахлоқ нормаларини ўзида мужассам этган тасаввуф таълимоти тарихан халқни ягона мақсад атрофида бирлаштиришга, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарининг илдиз отишига хизмат қилган. Айни вақтда ҳам мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида тасаввуфнинг турли тариқатлари вакиллари фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Ливия, Индонезия, Малайзия, Иордания, Покистон,

Эрон, Афғонистон, Озарбойжон каби мамлакатларда мавжуд тариқатларнинг саноғига етиш жуда ҳам қийин<sup>309</sup>. Бу тариқатларнинг кўпчилиги тасаввуф таълимотининг илк ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик мақоми маблағ тўплаш манбаи бўлиб қолган. Туркиядаги кўплаб тариқат вакиллари томонидан ўз шайхларининг ўта муболаға билан улуғлаши, уларга сиғиниши, шайхларнинг ўз тарафдорлари ва муассасалари мавжудлиги ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Покистон ва Ҳиндистон худудларида тарқалган тариқатларнинг урф-одатларига назар солинса, уларда буддавийлик, ҳиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафаси билан араллашиб, руҳнинг кўчиб юриши ғояси кенг ўрин олгани қайд этиш лозим. Улар намоз ёки зикр вақтида юқоридан бир жойни бўшатиб қўйган ҳолда унга Муҳаммад Пайғамбарнинг руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, уларнинг масжидларида ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабрини жойлаштириш, намоздан аввал ва кейин уларга сиғиниш амалиёти мавжудлигини кузатиш мумкин. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ва ўзларини тариқат етакчиси деб танитаётган шахслар, уларнинг эътиқоди, илгари сураётган ғоялари ва амалий расм-русумлари соф ислом таълимоти ва илк давр тасаввуф таълимотидан йироқлашгани ҳам юқоридаги мулоҳазаларнинг ўринли эканини кўрсатади. Ўтган йиллар давомида ва ҳозирги вақтда Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистоннинг турли худудларида тариқатчилар фаолиятини кузатиш мумкин. Улар қаторида Самарқанд вилояти худудида фаолият юритаётган, халқ орасида “Қора саллалилар” ёки Нақшбандийя-Мужаддибия деб аталадиган тариқат гуруҳини санаш мумкин. Унинг етакчиси Исоқжон Умаров бўлиб, тарафдорлари қора салла ўрашади. Уларнинг тарафдорлари Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари худудларида яшайдилар. И.Умаров ўзининг шажарасини Нақшбандийликка боғланган ва ушбу тариқатчилар гуруҳига раҳбарлик қила бошлаган. Яна Нақшбандий тариқатининг давомчиси деб атаган пирлардан бири Дўстмуҳаммад Турсунов

---

<sup>309</sup> Тасаввуф ва тариқатлар. - Т: Мовароуннаҳр, 2016. – Б. 320.



Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатган ва муридларга тариқат одоблари, ибодатлар ва зикр қилиш бўйича дарслар берган. Унинг муридлари орасида тадбиркорлар, фермерлар ва аҳолининг бошқа қатламлари вакиллари кўриш мумкин. Муридларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бошқа тариқатчиларга нисбатан Д. Турсунов диний билимларни мукамал билган. Шунинг учун издошлари уни “Шайхул ислом”, “Шайх” тахаллуслари билан улуғлайдилар. Андижон вилояти ҳудудида ҳам тариқатчиликнинг айрим вакиллари фаолияти кузатилмоқда. Улардан бири Андижонлик Зухриддин Эшонов (Нақшбандий - Шаҳрихоний) булиб, унинг вафотидан сўнг кейинги йилларда, мазкур шахснинг муридларлари ва тариқатчилари фаолияти пасайган. З.Эшоновнинг фаолиятида ҳам асл Нақшбандия асосларидан узоқлашиш ҳолатлари мавжуд эди. Нақшбандия тариқатининг “жаҳрий” зикрга асосланган шаҳобчасига Андижонда Одилхон Саломов бошчилик қилади<sup>310</sup>. Унинг тарафдорлари ҳар пайшанба куни пирнинг ҳовлисида, мавлид ойларида ёки бошқа каттароқ тадбирларда Фарғона водийсининг турли жойларида жамланиб, зикр маросимлари ўтказиб турадилар. Вилоятдаги уламолар, маҳаллий аҳоли ва муридлари билан ўтказилган суҳбатларда пирларнинг диний билими етарли эмаслигини, шариат қоидаларини мукамал билмаслигини кўрсатади. Замонавий пирнинг муридларнинг шариатнинг баъзи қоидаларини билмаслиги эса шогирдлар қиёфасини тасаввур қилиш имконини беради. Ҳозирги пирлар асосан ўттиз ёшгача ёшларни муридликка олган. Ҳар пайшанба аср намозидан кейин доира шаклида рақс усулида баланд овозда зикр тушишади. Тариқатчилар ичида энг кўзга кўрингани Нақшбандия Мужаддия – Хусайния тариқати раҳбари, деб таништирган марҳум Иброҳим Маматқулов ҳисобланган. И. Маматқулов издошларининг мунтазам кўпайиб бориши сабабларидан бири шуки, унинг муридлари одатда тарафдорлар йиғиш жараёнида ўз етакчилари И. Маматқуловни идеал шахс сифатида кўрсатишга эришишган эди<sup>311</sup>.

---

<sup>310</sup> Шермухаммедов К, Каримов Ж. Ислам никоби остидаги экстримистик ва террорчи уюшмалар. – Т.: Мовароуннахр, 2017. – Б. 320.

<sup>311</sup> Диний бағрикенглик ва мутаассиблик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 122-123.

Шунингдек, зикр килишни ўргатадиган қўлланмаларни ҳали намоз ўқиш қоидаларини ҳам эгалламаган аҳоли орасида тарқатишга уринишлар ҳам мавжуд эди. Унда таъкидланишича, қўлланмага доимий амал қилган кишининг жаннатга тушиши, уқтирилган, ва бу тушунчалар ислом динига ёки тасаввуф тариқатларига тўғри келмайди. Тариқатчилар томонидан жорий этилган баъзи янгиликлар улар фаолиятида кузатилаётган айрим ўзига хослик муайян ихтилофли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. И.Маматқулов тариқат раҳбарлигини қўлига олгач, муридлари учун жорий қилган қатор янгиликлар бунга мисол бўла олади. Уларнинг хатти-ҳаракатларида юртимизда қарийб ўн тўрт асрдан буён амал қилиб келаётган ҳанафий мазҳаби аҳкомлари ва аҳли суннат эътиқодига ёки юртимизда шаклланган тариқат қоидаларига зид ғояларни тарғиб қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Тариқатчилик вакилларида кузатилаётган ноўрин ҳолатлар;

- таркидунёчилик кайфияти; пирларни ҳаддан зиёд улуғлаш;
- диний масалаларда ихтилофлар чиқариш; эътиборни жалб қиладиган кийимда ёки беўхшов соқол қўйиш орқали бошқалардан ажралиб туришга уриниш;
- ёш, меҳнатга лаёқатли йигитларнинг “пир”лар этагидан тутиб ижтимоий сустлашиб кетиши; оилаларини тарк этиб, эртаю кеч пир хизматида аслида эса худойи ва эҳсонларга қатнаб бекор юришлар;
- тариқатда бўлмаганларга нисбатан паст назар билан қараш кузатилади;
- дунёвий илм олишга бўлган ҳоҳишнинг сусайиши гуёки кўпгина авлиёлар ўқимасалар ҳам катта мақомларга етишганлар қабилида иш тутиш;
- оилали тариқатчилар оилаларининг таъминотини Аллоҳга таваккал қилиб, пирдан вазифа олганлик баҳонасида оила моддий таъминотидан бош тортиш ҳолатлари;
- замонавий тараққиёт ютуқларига салбий муносабатда бўлиш, замонавий кийим кийиб юрганларга нисбатан яхши фикрда бўлмаслик;
- пирга қўл берганнинг олдинги гуноҳлари кечиради;

- тариқатчилардан бошқа кишиларнинг тўй-маъракаларига бормаслик; расмий имомларнинг маърузаларини менсимаслик;

- ибодат маросимларида ихтилофли масалаларга берилиб кетиш;

- пирнинг таҳоратидан ортган сувни табаррук деб билиб ичиш; ўз вояга етмаган фарзандларини амалдаги қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузган ҳолда, давлат мажбурий таълимидан ажратиб олиб, пирлар қўлида диний таълим олишга бериш;

- яшаш жойларида оддий халқ билан умуман мулоқот қилмаслик, мурид пирнинг олдига келиб, унга қўл берар экан, буюрган барча вазифаларни сўзсиз бажариш каби “қоида”ларни, ҳолатларни кузатишимиз мумкин.

Маълумки, шариатни жорий қилиш Аллоҳ ёки изн берган пайғамбарларга хос нарса. Бошқа ҳеч ким, бирон-бир сабабга кўра бу ишни амалга ошириши, бандалар устига шаръий амрни жорий қилиши амри маҳолдир. Ҳаттоки, Муҳаммад алайҳис-салом ўз умматларига доим енгиллик, осонлик, ихчамликни истаб келганлар. Агар банданинг хоҳишига қараб шаръий ҳукмлар ўзгартирилаверса, шариатнинг улуғлиги қаерда қолади. Яна шуни таъкидлаш керакки, Мовароуннаҳрда тарқалган кубравия, яссавия, нақшбандия тариқатларининг асосини шариат ташкил қилган.

Жумладан, қуйида ушбу фикрларнинг нақадар ҳақиқатлигини кўришимиз мумкин ; Шайх Нажмиддин Кубро шариатга қисқа таъриф бериб: бежиз эмаски, орифлар, шариат бир дарахтдур, тариқат унинг шохлари, маърифат – япроқлари, ҳақиқат мевалари. Дарахт бўлмаса новда ҳам, япроқ ҳам, мева ҳам бўлмайди, дея таълим берганлар<sup>312</sup> - деб айтган ва шариатни бирламчилигини таъкидлаган. Хожа Ахмад Яссавий эса: Шариатсиз тариқатга кирганларни, Шайтон лаин имонини олар эмиш – дея шариат илмларини мукамал эгалламаган киши тариқатга кириши мумкин эмаслигидан қатъий огоҳлантирган<sup>313</sup>. Қора саллалилар тариқатида тишга

---

<sup>312</sup> Жаҳолатга қарши маърифат. – Тошкент.: Тошкент халқаро ислом академияси, 2019. – Б. 15.

<sup>313</sup> Жаҳолатга қарши маърифат. – Тошкент.: Тошкент халқаро ислом академияси, 2019. – Б. 14.

